


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Наманган муҳандислик-педагогика институти

Қ. Ишматов

## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

Ўқув қўлланма



Наманган-2004.

УТ  
Сони: 98 дана  
нарси: 1500 с

Ишматов Қ. Педагогик технология. Ўқув қўлланма. Наманган.  
НамМПИ.-2004.-95 б.

Педагогик технология фанидан ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий таълим стандарти асосида тузилган дастурга мувофиқ ҳолда ёзилди. Унда АҚШда яратилган ва ЮНЕСКО томонидан маъқулланиб, жаҳондаги ривожланган мамлакатларда муваффақиятли қўлланилаётган илғор педагогик технологиянинг моҳияти, уни одатдаги ўқитиш усулидан фарқ қилувчи жиҳатларни, педагогик мақсадларни белгилаш усуллари, тестчиносликдан маълумотлар, педагогик технологиянинг тамойил ва қоидалари, тўла ўзлаштириш технологияси ҳамда уни амалга ошириш усуллари баён этилган.

Ўқув қўлланма 5140900. - Касб таълими йўналиши бўйича тахсил олаётган талаба (бакалавр)ларга мўлжалланган. Ундаи малака ошириш курслари тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари муҳандис-педагоглари, илғор педагогик технологияларни жорий этишга қизиққан барча педагоглар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ўқув қўлланма иқтисод фанлари доктори,  
профессор Т. Эргашевнинг  
умумий таҳрири остида тайёрланди.

Тақризчилар: Ёдоров О. т.ф.н., доцент - Бухоро ООЕСТИ Информатика ва илғор педагогик технологиялар кафедрасининг мудир, Рустамов Р. т.ф.н., ўМКХТРИ «Касб-хунар коллежларида таълим мазмуни ва услубикаси» бўлими бошлиғи, Бойбобоев Н. т.ф.д., профессор - Тўрақўрғон агробиотехнология коллежи директори

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мувофиқлаштирувчи Кенгаши Президиумининг тавсиясига асосан chop этилди. (15.06.2002 йил, 27-сонли мажлис баёни).

с

«Янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқини ва жорий этганини таъминлашни алоҳида назорат остига олин зарур».

И. А. Каримов

## К и р и ш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврда мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари қаторида таълим тизими, унинг таркибий қисми бўлган Олий ва ўрта махсус таълим ҳам туб ислохотларни бошдан кечириб, такомилланиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида» ги Қонунининг қабул қилиниши (1997 йил, 29 август) , уларда мамлакатимиз таълим тизимини ислох қилишнинг асослари, тамойиллари ва босқичларини белгилаб берганигини алоҳида таъкидлаш лозим. Миллий мустақиллик гоълари сиғдирилган бу тарихий ҳужжатлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ривожланган мамлакатлар таълим тизимини ўрганишига ҳам кенг йўл очилди, иштидорли ёш олимларимиз ва талабалар «Устоз» ва «Умид» жамғармалари орқали ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олиндек бахтга муяссар бўлмоқдалар. Ўз навбатида хорижий мутахассислар ҳам мамлакатимиз таълим тизимида рўй бераётган ислохотларни ўрганиб, уларга ижобий баҳо бермоқдалар. Бу каби алоқалар ўз навбатида мамлакатимиз таълим тизимига ривожланган мамлакатлардаги илғор педагогик технологияларни ўз миллий кадриятларимиз, ва халқ педагогикаси гоълари нуқтан назардан таҳлил қилиб, ўқув жараёнига жорий этганини ҳам тақозо қилмоқда. Зеро, бу каби амалий ишлар мамлакатимиз таълим тизимини жаҳон таълим стандартлари билан интеграциялашувининг асосий белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида «ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» алоҳида кўрсатиб ўтилган [1].

Ўқув қўлланма насб таълимий йўналишини соҳалари талабаларини илғор педагогик технология ва уни ўқув жараёнига жорий этини бўйича тизимли ахборотлар билан қуроллантириши мақсадида яратилди. У муаллиф томонидан 1998 йилда тузилган ва ҳозиргача таъриҳча синовидан ўтиб, таълим стандарти талабларига мувофиқ ҳолда такомиллантирилган маърузалар матни асосида ёзилди. Қўлланма уч бўлимдан иборат:

I бўлим - Педагогик технологиянинг назарий асослари. II бўлим - Тест-сўрашнинг асослари. III бўлим -Тўла ўқитириши технологияси.Бўлимлар мазмунини ёритишида АҚШда яратилган ваЮНЕСКО томонидан маъқуллаштиб 30 га яқин ривожланган мамлакатлар (Англия, Япония, Жанубий Корея, Мали-

зия ва ҳ.к.) таълим тизимида муваффақиятчи қўлланма бўлган педагогик технологиянинг моҳияти, унинг одатдаги ўқитиш усулларидаги фарқ қилувчи жиҳатлари, Ўзбекистон таълим тизимида уни жорий этишнинг аҳамияти, тест топишиқлари шакллари, уларни тузиш ҳамда педагогик технологиянинг таъминлари ва қондалари, ўқув материални тўла ўзлаштириш юзасини вужудга келиши ва унинг амалга ошириш усуллари баён этилган. Вазирликнинг дарслик (ўқув қўланма) ёзишга қўйган талабларига мувофиқ ҳолда, ҳар бир мавзуга оид мустақил таълим учун топишиқлар ва турли шаклдаги тестлар берилган. Тузилган тест топишиқлари фақатгина ўзлаштиришни назорат қилибгина қолмай, балки ўргатувчи (ўқитувчи) функцияни ҳам бажаради. Чунки бу тест топишиқларини ечиш жараёнида мавзуларни мустақил равишда ўзлаштиришга ҳам эришилади.

Ушбу қўланманинг яратилишида яқиндан ёрдам берган Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтининг бўлим бошлиғи, профессор Б.Л.Фарберман ва Наманган муҳандислик-педагогика институтини ўқув ишлари бўйича проректори, доцент Ғ. Дадамирзаевга ўз миннатдорлигини изҳор қиламан.

Қўلانма тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларни Наманган муҳандислик-педагогика институтига юборилиши сўралади. (716003. Наманган шаҳри, Дўстлик шох кўчаси-12).

## I бўлим. Педагогик технологиянинг назарий асослари

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури-нинг (1997й.) иккинчи босқичи сифат босқичи ҳисобланиб, бунда ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бунда хорижий мутахассис олимлар билан бир қаторда республикамизнинг педагог олимлари Аширбаев С., Сайфидохмедов Н.С., Жўраев Р.Х., Фарберман Б.Л. ва бошқалар томонидан ҳам самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мамлакатимиз ўқув юртиларида ҳам педагогик технологияга қизиқиш ортиб унга турлича қарацлар ва бу тушунчани ўзига хос талқин қилишлар, шунингдек, педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этишга ҳам турлича ёндашувлар содир бўлмоқда. Ушбу бўлимда ўтган асрининг 60-йилларида АҚШ (Б. Блум, Д. Кратвол, Н. Гронланд, Ж. Керрол) да яратилган ва жаҳондаги 30 га яқин мамлакатлар таълим тизимида муваффақиятли қўлланиб келинаётган педагогик технологиянинг моҳияти, унинг назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда бу технологиянинг мамлакатимиз таълим тизимига жорий этишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Биро, ўқитишга технологик ёндашувнинг ўзбек халқ педагогикаси ғоялари билан уйғунлаштириб ўқув жараёнига тадбиқ этиш, кадрлар тайёрлаш сифатини жаҳон таълим стандартларига мувофиқлаштиришда алоҳида ўрин тутгани муқаррардир.

### I. Ўқитиш жараёнига технологик ёндашувнинг моҳияти ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини жаҳон стандартлари талабларига мувофиқлаштириш вази-фалари

Бизга маълумки, Ўзбекистон ҳукумати, шахсан муҳтарам Президентимиз Истом Абдуғаниевич Каримов Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан оқ, айниқса, сўнгги йилларда маънавий ва маърифат масалалари ва таълим тизимини такомиллаштириб, уни жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш бўйича ибратли ишларни амалга

оширмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида (1997 йил 29 август) Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши фикримизнинг яққол далилидир. Бу муҳим ҳужжатлар истиқболли характерга эга бўлиб, уларнинг мамлакатимиз таълим тизимини такомиллаштиришда қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳаммамизга маълум. Ўтган давр ичида таълимни ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ишлар, уларнинг бажарилиши бўйича дастлабки ютуқлар эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Таълим мазмунини ислоҳ қилиб, уни жаҳон таълим стандартларига мувофиқлаштиришда илғор педагогик технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «ўқув жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» зарурлиги ҳам алоҳида қўрсатиб ўтилган [1].

Ўзбекистон Республикасиен Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 февралдаги Қарорига биноан республикаимиз олий ўқув юртларига ёшларни тест усулида қабул қилишининг жорий этилиши, Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичидан биринчи марта жаҳон педагогикасидаги илғор тажрибаларни ўрганишга йўл очганлигидан далолат беради. Республикаимизда тест усулини Давлат аҳамиятидаги масала даражасига кўтарилганлиги, педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этишга ҳам кенг имконият яратди.

Шунинг таъкидлаш лозимки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан барча ўқув юртларида илғор педагогик технологияларни жорий этиш бўйича аниқ мақсад сари самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1997 йил апрел-июн ойларида ўтказилган Республика илмий-амалий семинарлар дастурида педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этиш масаласи ўз аксини топган. Ушунга йили август ойида «Муаммолар» институтида «Илғор педагогик технологиялар» бўйича жадаллаштирилган курс ташкил қилиниб, унда профессор Б. Л. Фарберман қизиқарли маърузалар ўқиди. У таъкидлаганидек: «Кўп босқичли таълим тизими, янги стандарт ва ўқув дастурлари жорий этилаётган ҳозирги даврда ўқитишни эскича услуб билан олиб боришга йўл қўймаслик керак» [6].

Ўтган давр мобайнида бу институт томонидан республикаимиздаги бир нечта олий ўқув юртларида педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этиш масаласига бағишланган махсус курс ва семинарлар ўтказилди. Хусусан, 1999 йилнинг ўзида Республика (8-9 апрел) ва 7 та ҳудудий семинарлар ўтказилди («Таълим муаммолари» 1999 й. № 1-2). Бу эса ҳозирги кунда педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этиш, Вазирлик миқёсида энг долзарб масалалардан бири эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Вазирлик кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, Наманган муҳандислик педагогика институтида ҳам педагогик технологияни ўқув жараёнига қўллаш бўйича бир мунча ишлар қилинмоқда. Жумладан, институт илмий кенгашининг 1997 йил 5 декабр кунги йиғилиши қарори билан профессионал-педагогик тайёргарлик йўналиши ишчи ўқув режасига 40 соат ҳажмда «Илғор педагогик технологиялар» фани киритилди ва у ҳозирги кунларда ҳам ўқитилмоқда. 1999 йилдан эса таълим стандартларига мувофиқ Республикаимиздаги педагогик кадрлар тайёрловчи барча олий ўқув юртларида бу фанни ўқитилиши жорий қилинди. Бу фаннинг аҳамияти шундаки, мазкур таълим йўналиши битирувчиларининг асосий қисми ўрта мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатадилар. Улар машғулотларни педагогик технология қоидаларига асосан лойиҳалаяб, дастлабки иш фаолиятидаёқ ҳамкасблари диққат-эътиборини ўзига тортини ва демак, ўз ҳамкасблари ўртасида замонавий педагог сифатида эътиборга сазовор бўлиши зарур. Ҳозирда малака ошириш курси тингловчилари учун ҳам илғор педагогик технология фани ўқитилиб, уларда содир бўлган функционал лаёқатсизликка барҳам берилмоқда. Ўтказилган сўровномаларда тингловчилар бу фанни энг долзарб эканлигини таъкидламоқдалар.

Ҳўй, илғор педагогик технология ўзи нима, унинг ағътавий ўқитиш усулидан қандай афзалликлари бор? Сўхбатимизни ана шу саволга жавоб топиш билан давом эттирамиз.

Ўқитишга технологик ёндашуving вужудга келиши ва ривожланиши

Сўнги йилларда Республика-миздаги илмий анжуман маърузаларида, илмий мақола-ларда, ҳисобот-лар ва даврий нашрларда ҳам педагогик технология тушунчаси ўз аксини топмоқда. Шунинг таъкидлаш лозимки, Республика-мизнинг таниқли олимлари

С. Аширбаев, Р. Х. Жўраев, И. С. Сайидаҳмедов, Б. Л. Фарберман, Россия педагог-олимлари: В. П. Беспалко, В. С. Безрукова, М. В. Кларин ва бошқалар ҳамда қозғонистонлик олимлар М. Ж. Аристанов ва Ж. С. Хайдаров ўз илмий тадқиқотларида «педагогик технология» тушунчасининг моҳиятини ва ахамиятини очиб беришга муносиб ҳисса қўйганлар.

Ўқитишга технологик ёндашуви, яъни ўқув жараёнини ҳам ишлаб чиқариш жараёни каби такрорланувчан характерга эга бўлишини таъминлашга оид дастлабки изланишлар ўтган асрнинг 60-йилларида америкалик педагог олимлар томонидан олиб борилган. Хусусан, «Ўқитиш технологияси» ибораси ҳам биринчи марта америкалик олим Б. Скinner томонидан ишлатилган. У «Ўқитиш технологияси-психология фаши ютуқларининг педагогик амалиётда қўлланишидан иборат», деб таърифлаган [2:12].

Бунга асосан шунинг таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда «педагогик технология» тушунчасига «янги», «илгор» ва «прогрессив» каби сўзларни қўшиб айтилиши ҳам нисбий мазмунга эга. Хусусан, Ўзбекистонда ўқитишга технологик ёндашушининг оммалашмаганлиги сабаби бу усулнинг «тест» ва «бихевиоризм» тушунчалари билан боғлиқлиги, собиқ иттифоқ миқёсида улардан педагогик амалиётда фойдаланишни узоқ вақт маъни қилинганлигидир.

Лекин, ҳаққонийлик нуқтаи назаридан шунинг таъкидлаш лозимки, А. С. Макаренко ўтган асрнинг 30-йилларида бундай деган эди: «*Бизнинг педагогик ишлаб чиқаришимиз ҳеч қачон технологик маънига асосланган, балки у ахлоқий ваъжонликка асосланган. Айнан шунинг учун ҳам: технологик жараён, меҳнат операцияларини ҳисобга олиш, ... ёрдамчи ускуналар, меъёрлаш, қўйимлар, яроқсиз маҳсулотлар бўлими каби ишлаб чиқаришга хос бўлган муҳим бўғинлар унда ўзидан-ўзи иштироксиз қолмоқда*» [11]. Ҳозирга кунда жаҳон педагогикасида «педагогик технология» тушунчасига 12 хил таъриф берилганлиги маълум [5:32].

Масалан: «Таълим технологияси-илмий ва бошқа билимларни амалий масалаларни ҳал этишда тизимли равишда қўлландан иборат» [8]. (Голбрайт).

«Педагогик технология таълимни тизимлаштириш ёки синфда ўқитишни тизимлаштириш усулларини педагогикага тадбиқ этишдан иборат» [4:10]. (Т. Сакомото).

«Педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган барча шахс, амалий ва услубий воситаларнинг тизимланган мажмуи ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби» [11]. (Кларин М. В.).

Юқоридаги таърифларда педагогик технологиянинг туб моҳияти ўқув жараёнига тизимий ёндашушдан иборат эканлиги яққол кўзга ташланади. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан педагогик технология тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

«*Педагогик технология-таълим шакллариини мақбуллаштириш учун иш-сон ва техник ресурсларини ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини эътиборга олин*

ҳолда ўқитиш ва bilimларни ўлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаштириш тизимий услубидир» [6:3.].

Россия психологи Н.Ф.Тализина таъкидлаганидек, таълим тизимида «педагогик технология» тушунчасини вужудга келишига қуйидагилар сабаб бўлган:

- 1) дидактика қондаларини АҚШда кенг тарзда оммалашмагани;
- 2) унинг қондалари ўта конструктив характерга эга бўлмай, замон талабидан орқада қолиб кетганлиги;
- 3) асримизнинг 60-йилларида таълим тизимига техникани ўргатувчи машиналарнинг кириб келганлигидир - [2].

Тегишли адабиётларни таҳлил қилиш «педагогик технология» тушунчаси ўзининг ривожланиш тарихига ҳам эга эканлигини кўрсатди. Хорижий мутахассислар бу тушунчанинг ривожланишини уч босқичга бўлиб ўрганиш лозим, деб ҳисоблайдилар. Биринчи босқичда, ўқитиш жараёнини фақат ўқитувчининг ўзи олиб борар эди. Н.Ф.Тализина таъкидлаганидек, «Инсон таърибаси ўқитиш технологияси функциясини бажарган» [2]. Иккинчи босқичда эса дарслик ва қўлланмалар чоп этила бошлагандан сўнг ўқитиш технологияси мазмунида тўб ўзгаришлар содир бўлди. Ўқитувчига ёрдам берувчи турли дидактик материаллар вужудга кела бошлади. Учинчи босқичда эса, ўқитиш технологияси мазмун жиҳатдан янада бойиди; ўқитувчи ва талабалар учун юқоридагилар қаторига техник воситалар, яъни ўргатувчи машиналар ҳам қўшилди.

Ўргатувчи машиналарнинг ўқув жараёнида қўлланиши натижасида дастурланган таълим тушунчаси вужудга келди. У педагогик технологиянинг дастлабки ўхшатмаси эди. Лекин дастурланган ўқитиш тарафдорларининг «ўқитишнинг оғзаки баён қилиш услубидан воз кечиш вақти келди, машина ўқитувчи шахсини бемалол алмаштириши мумкин», деб эҳтиётсизлик билан айтган фикрлари амалиётчи педагогларни ўта ҳайратга солди, назарийчи педагоглар эса уни қатъий эътироз билан қабул қилдилар. Бу ўринда дастурланган таълим ҳақида америкалик педагог У. Шрамминг қуйидаги фикрини мисол тариқасида келтириш мумкин: -Дастурланган ўқитиш , бу- автоматик репетитор бўлиб, у талабани:

- 1) маантиқий ўзаро боғлиқ бўлган қисқа қадамлар орқали;
- 2) деярли хато қилдирмасдан;
- 3) тўғри жавоб беришга йўлайди ва у;
- 4) ўз ўринда баҳолаиб мустаҳкамланиши натижасида;
- 5) ўқитиш мақсадларини белгиловчи аниқ жавобларга кетма-кет равишда яқинлаштириб боради [5].

Демак, бундан таълим жараёнида ўқитувчи шахсини батамом инкор этилади, деган хулосага келиш мумкин. Шунинг учун ҳам дастурланган таълим ўша даврда ўқитишнинг аниқ мақсадларини белгилашнинг замонавий шакли бўлишига қарамай, фанда ва педагогик амалиётда ўз ривожини толмади. Лекин ўша йиллар жаҳон педагогикасида техник воситаларни ривожлантириш ва уларнинг хонадаги барча талабаларни қамраб олиши, ахборот сизими ва ахборот ўтказиш қобилиятларини ошириш, ўқув ахбороти узатиш каналини индивидуallasштириш каби таълим бериш имкониятларидан унумли фойдаланишни такомиллаштиришга оид муаммоларга алоҳида эътибор берилди



бошланди. Кўичилик мутахассис олимлар ўқув жараёнида кенг қўлланиладиган одатдаги оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио) ўрнига ЭХМ, ахборот сақлашнинг компьютерлаштирилган тизими, лазерли алоқа канали, микроэлектрон қурилмалар ва бошқа янги ахборот воситаларидан фойдаланишга ўтиш зарурлигини таъкидладилар.

Ўқув жараёнига замонавий техник воситаларни қўллаш тарафдорлари ўқитиш сифатини яхшилаш, айнан ана шу воситаларга боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Тегишли услубий тавсиялар ҳам таълим жараёнида техник муҳитни яратишга, яъни технология тушунчасини ўқитиш жараёнига қўллаш масалаларига қаратилди. Дастлаб «компьютерли технология» ва «янги ахборот технологияси» каби тушунчалар вужудга келди. Булар педагогик технологияни амалга ошириш учун замонавий техник восита сифатида қўлланила бошланди.

Ўтган асрнинг 50-йиллар ўртасида жахон педагогикасида ўқув жараёнини тўла-тўқис янги, ўзига хос «технологик» усулда ташкил этишга ёндашиш вужудга келган эди. 60-йилларда эса ўқитиш услубларининг ўта турли-туманлиги улардан ўқув жараёнининг ташкил этишда фойдаланишни қийинлаштираётганини эътироф этила бошланди. Шунинг учун ҳам барча услублар учун умумий бўлган илмий асос яратиш зарурати туғилди. Натижада педагогик услублар технологияси ёки ўқув жараёнининг ташкил этиш технологияси, яъни «таълим технологияси» (an Educational technology) тушунчаси вужудга келди.

АҚШда 1961 йилдан «Педагогик технология» журнали чиқарила бошланди. Шунингдек, Англияда «Педагогик технология ва ўқув жараёни» (1964 йилдан), Японияда «Педагогик технология» (1965 йилдан), Италияда ҳам шунга ўхшаш журнал (1971 йилдан) чиқа бошлаган. ЮНЕСКО 1971 йилдан бошлаб таълим бўйича халқаро бюронинг «Педагогик технологиялар» бюллетенини чиқариб келмоқда [12]. Россия Федерациясида эса 1997 йилдан бошлаб «Мактаб технологиялари» журнали таъсис этилди [6;75].

Шуни таъкидлаш лозимки, «педагогик технология»ни «ўқитиш технология» тушунчаси билан айниқлаштирмалик зарур. Чунки, педагогик технологияда ўқув жараёнининг аниқлаштирилган ўқув мақсадларини белгилашдан бошлаб, то яқиний ўқув натижаларга эришилганликни назорат қилишгача бўлган жараёни лойиҳаланади. Э. Френье «услуб» тушунчаси конструктив характерга эга бўлмаганлиги учун, унинг ўрнига «технология» тушунчасини таклиф этган. Демак, ўқитиш технологиялари (муаммоли ўқитиш, ривожлантирувчи таълим, модулли ўқитиш, дидактик ўйинлардан фойдаланиш ва ҳ.к.) педагогик технология бўйича лойиҳаланган ўқув жараёнини амалга оширишнинг турли дидактик конструкциялари сифатида намоён бўлади.

Педагогик технологиянинг туб моҳияти, ўқитишнинг анъанавий, ўқитувчи томонидан баён қилиш, талабаларга тайёр билимларни бериш усулидан воз кечиб талабаларни кўпроқ мустақил таълим олишга унданидан иборат. Бунда ўқитувчи талабалар билиш фаолиятининг бошқарувчиси, маслаҳатчи, яқиний натижага йўлловчи шахс вазифасини бажаради. Педагогик технологиянинг самарадорлиги яна шундан иборатки, унда турли ўқитувчилар муайян фан (мутахассислик бўйича) бир хил (деярли бир хил) яқиний натижага эришиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса барча ўқув юрғларига ягона

Давлат таълим стандарти талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклатилган ҳозирги даврда биз, Ўзбекистонлик педагоглар, учун ниҳоятда муҳимдир. Барча ўқитувчилар қандай қилиб деярли бир хил натижага эришишлари мумкинлигини, яъни ўқув жараёнини такрорланувчанлигини таъминлашни тушуниш учун мулоқотни давом эттирамиз.

Ўқитиш жараёнига  
технологик ёндашиш  
(педагогик техноло-  
гия) нинг ўзига хос  
хусусиятлари

Жаҳон педагогика фани ўзоқ вақт давомида илмий-техник тараққиёт таъсирида - психология, кибернетика, бошқарув назариялари ва бошқа фанлар эришган ютуқларни умумлаштирган ҳолда, фаол инновацион жараёнларни бошидан кечириб даврида бўлиб келди. Бу фан педагогик илмий назариялар ва бой амалий тажрибаларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда ўтган асрнинг ярмигача бўлган даврда бирорта буюк педагог, бошқалар ҳам улардек юқори натижаларга эришадиган, яъни такрорланувчан педагогик циклни ярата олмадилар. Бизнингча, бунинг сабаби яратилган илгор услублар, уларнинг муаллифлари шахсига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам, уларнинг издошлари муаллифлардек юқори даражадаги машғулотлар ўтказишга муваффақ бўлмаганлар. Шунга қарамасдан, собиқ Иттифоқ педагогик амалиётида илгор тажрибаларни оммалаштириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кўп уринишлар бўлиб ўтди. Мавжуд ўқув жараёнининг такрорланувчан хусусиятта эга эмаслиги, ўз даврида А.С.Макаренко томонидан танқид қилинганлигини биз юқорида келтирган эдик.

Ишлаб чиқаришда ижрочилар шахсига боғлиқ бўлмаган жуда кўп технологик жараёнлар яратилган, лекин натижаси кафолатланган. Бунда буюмнинг ишчи чизмаси ва йиғиладиган бирикмалар чизмаси технологик жараённинг асосини ташкил қилади. Уларнинг талабларини аниқ бажариш натижасида буюмларни ўзаро алмашувчанлигини, технологик жараён операциялари эса такрорланувчанлиги, яъни такрорланувчан натижаси бир хил технологик циклни ташкил қилиши таъминланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда, Жанубий Корея ва Туркиядагидек, улардаги билан бир хил сифат кўрсаткичларига эга бўлган енгил автомобиллар ва кичик автобуслар ишлаб чиқарилмоқда.

Такрорланувчан педагогик жараённи яратиш эса, ишлаб чиқаришдагига нисбатан анчагина мураккаб жараён бўлиб ҳисобланади. Ўқув (ўқув-тарбиявий) масалаларнинг турли туманлиги, таълим мазмунини ва ўқув материалларининг турлича эканлиги, билимларнинг ўзлаштирилишини талабаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқлиги ва бошқа омиллар бунга тўсқинлик қилади. Ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида яратилган барча услуб, макт ва моделлар фақат ўз эгаси қўлидагина юқори самара беради. Шундай бўлса ҳам ўқув жараёнига ягона, самарали ёндашишни яратиш бўйича изланишлар олиб борилаётган натижасида АҚШнинг буюк педагоглари Б.Блум, Д.Кратвол, Н.Гронлунд, Ж.Кэррол, Ж.Блок, Л.Андерсен ва бошқаларнинг изланишлари натижасида такрорланувчан ҳамда якуний натижани кафолатлайдиган педагогик технология яратилди [6, 7].

Унинг моҳияти ўқув мақсадининг аниқлиги ва унга эришиш учун талабаниш қатъий белгиланган кетма-кетлик бўйича ҳар бир ўқув бўлағиши (модулини) ўзлаштириб, мустақил фаолият кўрсатишидан иборат бўлади. Илмий тадқиқот натижаларининг кўрсатинишича, фақат узлуксиз маъруза ўқилганда, талабалар материални анига 5 фоизни ўзлаштирсалар, бир-бирини ўқитиш ва мустақил ўрганишда эса бу кўрсаткич 90 фоизни ташкил қилар экан (Халқ таълими. 1999. №4 - 9 бет.).

Шундай қилиб, педагогик технологиянинг предмети ўқув жараёни ва профессионал тайёргарлик тизимини лойиҳалашдан иборат. Тизимли ёндашиш ўқитиш тизимининг барча асосий томонларини - мақсадни аниқлаш ва ўқув жараёнини лойиҳалашдан тортиб, то янги ўқитиш тизимининг самарадорлигини текшириш, уни синовдан ўтказиш ва оммалаштиришгача бўлган жараёнини ўз ичига олади. У ўз ҳаракат тартибларини такрорланувчанлиги ва уларни тўла ўқув жараёнига тадбиқ этиш ғояси, оқибат натижада бу жараёни «жонли ўқитувчи»га боғлиқ бўлмай қолишига олиб келади. Ҳақиқатан ҳам, агар ўқув жараёни тўла такрорланувчан, алоҳида кўриниш (эпизод)ларга бўлинса, ўқитувчининг вазифаси олдидан тузилган (ўзи тузган бўлиши шарт эмас) материал билан ўқишни ташкил этишда ташкилотчи ва маслаҳатчи ролини ижро этишдан иборат бўлиб қолади.


Ўқитишга технологик ёндашиш мантиғида икки хил ғоя ётади: а) ўқув жараёнини тўла-тўқис ўргатувчи машиналарга ўтказиб, унда асосий рол ўйнайдиган ўқитувчини тўла овоз қилиш; б) унинг фаолиятини ташкил этиш ва маслаҳат бериш функциялари билан чегараланиш. Бу ҳолда ўқитувчи жуда юқори малакага эга бўлиши ҳам шарт эмас. Ўқитувчини «идеал ЭҲМ» билан бутунлай алмаштириш ғоясини педагогик технология тарафдорлари турлича қабул қилганлари ҳолда, иккинчи ғоя кўпчилик томонидан маъқулланди ва унга амал қилинмоқда. Шунинг учун ҳам ўқитиш мазмуни ва жараёни бўйича мутахассислар гуруҳи томонидан ишончли бўлган ўқитиш тизимларини режалаш, яратиш ва уларни қўллашга тайёрланган шароитда, ҳагто «ўртача» ўқитувчи ҳам юқори натижаларга эришиши мумкин. Бу ерда ўқитувчи намунавий (фирмасний) дидактик лойиҳани амалга оширувчи ижрочи сифатида қаралиб, унинг шахси ва малакаси муҳим рол ўйнамайди.

В.П.Беспалко таъкидлаганидек: - Педагогик технология - бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда, педагогик муваффақиятни кафолатлайдиган, талаба шахсини шакллантирувчи жараёнини ифодалаш лойиҳалашдир [1].

Ўқитишнинг мавжуд услублари кўп ҳолларда ўқув жараёнини ташкил этиш ва олиб боришга оид тавсиялар мажмуидан иборат бўлса, педагогик технология бундан фарқли ўлароқ, биринчидан, яқиний натижални кафолатлайди, иккинчидан эса бўлажак ўқув жараёнини ҳам лойиҳалайди [6]. «Педагогик технология ўқув мақсадларининг аниқ белгиланиши, яқиний натижанинг кафолатланиши, ўқув жараёни такрорланувчанлигининг таъминлаши ва тезкор қайтувчан алоқанинг мавжудлиги билан характерланади» [6,9]. Ўқув жараёнини педагогик технология асосида лойиҳалаш схемаси 1-расмда берилган [4,6,7].

Бундай умумий тасвирлашда технологик ёндашнинг ўрни хос белги-

### ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШИ



1-расм. Педагогик технологиянинг блок-схемаси

лари сезилмаётганга ўхшайди. Ҳақиқатда ҳам умумий мақсад ва мазмун ҳар доим аниқланади, ҳар қандай таълим жараёнининг мақсади белгиланади, ўқитиш натижаси ҳар доим ҳам баҳоланади. Лекин бу схемадан ҳам анъанавий ўқитишга хос бўлмаган белгини-ўқув мақсадларининг аниқлаштирилиши, ўқув жараёнига ва мақсадларига, унинг натижасига қараб тузатишлар киритиш ва изчил қайтувчан алоқанинг мавжуд эканлигини кўриш мумкин. АҚШда яратилган педагогик технологияни барча ривожланган мамлакатлар қабул қилди ва у халқаро миқёсда нуфузли ташкилотлардан ҳисобланган ЮНЕСКО томонидан маъқулланди. 1996 йилда ЮНЕСКО раҳбарлигида Иерусалим (Исроил) университетиде педагогик технологияга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Бунда АҚШ, Англия, Германия каби ривожланган мамлакатлар билан бирга, Коста-Рика, Филиппин Республикаси, Туркия ва Малага вакиллари ҳам педагогик технологияни жорий қилиб юқори натижаларга эришаётганларини маълум қилдилар [6].

Ҳақиқатан ҳам, АҚШда яратилган ва ЮНЕСКО томонидан маъқуллашган педагогик технологияни жорий этаётган жаҳондаги 30 га яқин мамлакатлар ўқув жараёнида АҚШдагига нисбатдан жуда яқин натижаларга эришмоқдалар. Хусусан, Жанубий Кореяда педагогик технология бўйича ўқитилган 50000 талабанинг 75 фоизи анъанавий усулда ўқитилганда фақат энг юқори ўзлаштирувчи талабаларгина эриша оладиган кўрсаткичларга эга бўлганлар. Баъзи мамлакатларда эса бундай талабалар улуши 80-85 фоизни ташкил этади [4,6].

### Мустақил таълимга оид топшириқлар

1. Назорат тестларини счиб, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражагини аниқланг. Юқорироқ бал олинса интиланганга, ушбу мавзу матнига мурожаат қилинг.

2. Қўйидаги жадвалдан фойдаланиб (жадвал кейинги бетда), ўқитишга уч хил ёндашишни таққосланг [6; 14].

3. Кластер усули ёрдамида ўқитишга технологик ёндашувнинг ўзинга хос хусусиятларини аниқланг. Уларни айлана атрофига марказдан узоқлаштириш тартибида (соат стрелкаси йўналишида) ёзиб чиқинг.

### Ўқитишга уч хил ёндашув

Қўرғазмални тушунтириш (анъанавий)	Технологик	Ёндашувчан
Ахборотни ўқитувчидан талабага ўтказиш.	Тизимли ёндашув асосида ўқув жараёнини лойихалаш.	Мўаммоларни ҳал қилиш.
Таърифлашга кўпроқ эътибор бериш, маълум даражада ваъзхонлик. Ахборотни ўз хоҳишига қараб ёндаш.	Талабаларни уларнинг хатти-ҳаракати орқали ўқитиш.	Маълумотлар йиғиш.
Доимо эслаб қолишга ундаш, хотирада ахборотларнинг йиғилиши.	Созловчи қайтувчан алоқа. Шаклландурувчи ва жамланувчи баҳолаш.	Моделлаш, тажриба ўтказиш.
Билим босқичларини алоҳида олинган фанлар ташиқ қилиши, яхлитлигини егишмаслиги.	Мезоний назорат (тест).	Ижодий, танқидий фикр юргизиш. Қўп мезонийлик, асосланганлик.
Машғулотлар юқори илмий салоҳиятда ва талабанинг мутахассислиги билан боғланмаган таразда олиб борилиши.	Билим ва қўникмаларнинг тўла ўзлаштирилиши.	Қарор қабул қилиш. Роқларни яқро егиш.
	Белгиланган мақсадларга эришишнинг қафолатлиниши.	Шахсий фикр маъносини излаш.
	Ўқитишнинг самарадорлиги.	Ақл-заковат, жавобгарлик, маънавий ва ахлоқий сифатларни ривожлантирувчи яхлитликларга сезгир бўлиш.

### Назорат учун тест топшириқлари

1. Таърифларнинг қайси олинмага тегишли эканлигини аниқланг.
1. Сакомото А. Ўқитиш технологияси психология фани ютуқларининг педогогик амалиётда қўлланишидан иборат.
2. Скиннер дағоғик амалиётда қўлланишидан иборат.
3. Голбрайт В. Ўқитиш технологияси-илмий ва бошқа билимлардан тизимли равишда амалий масъалаларни ҳал етишда қўлландан

иборат

В. Педагогик технология - «таълимни тизимлаштириш» ёки «синфдаги ўқитишни тизимлаштириш» каби ҳояларни педагогикага тадбиқ этишдан иборат.

II. Педагогик технологияга ЮНЕСКО томонидан берилган таърифни ёзинг.

---

---

---

III. Педагогик технологиянинг вужудга келиш сабабларини кўрсатинг.

а) \_\_\_\_\_

---

---

б) Дидактик қондалари ўта конструктив бўлмай, замон талабидан орқада қолганлиги.

в) \_\_\_\_\_

---

---

IV. Педагогик технология ривожланиш босқичлари кетма-кетлигини белгиланг.

А. Дарслик ва қўлланмалар.

Б. Ўқитувчининг тажрибаси (сўзи)

В. Ўргатувчи машиналар.

V. Мувофиқликни аниқланг.

1. Педагогик технология.

А. Мақсаднинг аниқлиги.

2. Ўқитишнинг одатдаги уси.


Б. Натижанинг кафолатланганлиги.

В. Такрорланувчан ўқув цикли.

Г. Тезкор қайтувчан алоқа.

Д. Тузатишлар киритиш.

VI. Педагогик технология блок-схемасини тўлдиринг.



VII. Топшириқлар талабаларнинг қайси турдаги ўқув фаолияти учун тузилди?

- А. Жорий.
- Б. Оралиқ.
- В. Яқиний.
- Г. Мустақил ўзлаштириш.
- Д. Ҳаммаси тўғри.

VIII. Педагогик технологиянинг собиқ Иттифоқ, жумладан, Ўзбекистонда узоқ йиллар жорий этилмаганлигининг сабаблари унинг: а) \_\_\_\_\_ ва б) \_\_\_\_\_ тушунчаларига асосланганлиги, булардан ўқув жараёнида фойдаланиш таъқиқланганлигидир.

IX. Ўзбекистонда илгир педагогик технологиялардан фойдаланишга ундовчи ҳужжатлар.

- А. Конституция.
- Б. "Таълим тўғрисида"ги Қонуни.
- В. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
- Г. "Фуқаролик кодекси".

#### Тўғри жавоблар

Топшириқлар	I	II	III	IV	V	VI	VI I	VII I	IX
Жавоблар	1-Б, 2-А, 3-Б	12-бетда	а) <b>лидистик қоидаларни аниқлаш таъқиқланганлиги.</b>	1-Б, 2-А, 3-В	1-АБВГД, 2-0	ЭИИИ;	Д.	а) <b>тест,</b> б) <b>сўзлаштирилган</b>	Б, В

#### Фойдаланилган адабиётлар

##### а) асосий адабиётлар

1. Барқамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Т.: "Шарқ", 1997. - 64 б.
2. Аристанов М.Ж., Пидкасистый П.И., Хайдаров Ж.С. Проблемы модельного обучения: вопросу теории и технологии. Алма-Ата, "Мектеп" . 1980. - 208 с.
3. Джураев Р.Х. Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся профтехучилищ. Т. : "Фан", 1992, - 260 с.
4. Кларин М.В. Педагогическая технологии и учебном процессе. Анализ зарубежного опыта. - М. : "Знание", 1989. - 80 с.
5. Зеер Э.Ф. Личностно-ориентированное профессиональное образование. Учебное пособие. Екатеринбург: изд-во УГППУ, 1998. - 84 с.

6. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Т. : ИПВССШ. 1999. - 84 с.
7. Ишматов Қ. Илғор педагогик технологиялар фанидан маърузалар матни. Наманган. НамМПИ, 2000. - 846 .
- б) қўшимча адабиётлар

8. Буга П., Карпов Б. Технология обучения в высшей школе // Вестник высшей школы. 1991, № 11. С. 15-17
9. Ишматов Қ. Педагогик технологиянинг назарий асослари // Таълим муаммолари 1999. № 1-2, 54-57 б.
10. Сайидахмедов Н. Педагогик технология: таҳлил, таъриф, мулоҳаза. / Маърифат, 24. 06. 98, № 46 (7043).
11. Слестённый В. Доминанта деятельности // Педагогика, 1997. № 9, С.27-32.
12. Михайлов Н.Н. Основы развивающих педагогических технологий // Профессиональное образование. 1999. № 7. С.28-29

## 2. Педагогик мақсадларни белгилаш технологияси

Ўқув мақсадларини белгилашнинг одатдаги усуллари

Ўқув мақсадлари педагогик жараёни ташкил этувчи қисмларнинг энг муҳими, етакчиси бўлиб ҳисобланади. Педагогик жараён ўзининг қанчалик мураккаблиги ва давомийлигидан қатъий назар, у, энг аввало, мақсадни аниқлашдан бошланади. Педагогик жараёнинг бошқа ташкил этувчи қисмлари (тамоийил, мазмун, услуб, восита, шакл) белгиланган мақсадга бўйсунадилар, улар мақсадга мувофиқ ҳолда танланадилар ва ўзаро уйғунлаштириладилар. Педагогик мақсад педагог ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти натижасини олдиндан тасаввур этишдир. Агбанавий дидактикада ҳам қўлчилик олимлар (Бабанский Ю.К., Безрукова В.С., Галперин П. Д, Лернер И.Я., Краевский В.В.Маҳмутов М.И.,Тализина Н.Ф. ва бошқалар) ўқув мақсадларини белгилаш усуллари, уларни аниқроқ ифодалаш шакллари бўйича илмий изланишлар олиб борганлар ва бу масалалар бўйича маълум тажриба ҳам тўпланган. Жумладан, замонавий дарсликнинг таълим берил, тарбиялаш ва талаба шахсини камол топтириш мақсадларини аниқлаш ҳамда уларга эришиш йўллари бўйича маълум даражада назарий ва амалий маълумотлар mavjud. Лекин, ўқитувчи (унинг тимсолида ўқув юрти) қандай натижага эришини хоҳлайди? Бир қарашда бу саволга жавоб берилг осонга ўхшайди. Бирор фан ёки унинг бўлимининг ўқитишда ўқитувчи ўз олдига уни талабаларга тушунтиришини, мазмунининг ўзлаштирилишини ва бунинг натижасида талабалар уни амалда қўлай олишларига эришини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Лекин, «тушуниш», «ўзлаштириш», «аниқлаш», «қўлайлаш» дегани нимани билдиради? Қўйилган мақсадга эришилганлигини ўқитувчи қандай аниқлаши мумкин? Агар талабанинг қўйилган мақсадга эришгани ёки эриша олмаганлигини аниқлаш усули mavjud бўлса, ўқитувчи қўйилган усулларининг тўғрилигига, ўз меҳмати самарасига ишонини ёки талабалар қандай ёрдамга муҳтож эканлиги ҳақида шунчалик маълумот олиш имкониятига эга бўлар эди.



Педагогик технология тарафдорлари айнан мана шу ҳолат - одатдаги ўқитиш жараёни мақсадлари ноаниқ бўлиб, ўқитиш натижаларини ўлчаб бўлмаслигини каттик танқид остига олган эдилар.

Бироқ, анъанавий педагогикадаги бу ҳолатни ҳар қандай танқид ҳам бирданга ўзгартиролмади, чунки ўқув юрти (у билан бирга ўқитувчи ҳам) ижтимоий талабни ўта умумлашган ҳолда олади. Демак, жамият таълим тизимига умумий тарафдаги талаб қўяр экан, ундан келиб чиқадиган ўқув юрти вазифалари, шунингдек, фахрлар дастурларидаги ўқув мақсадлари ҳам умумий тарзда баён этилиши табиийдир. Шунини таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинлари таълим стандартларининг жорий қилиниши, уларда тайёрланаётган кадрларга қўйиладиган ягона талабларнинг аке эггирилганлиги натижасида ўқитиш мақсадларини аниқлаштиришга эришилмоқда.


Биз фаннинг мақсад ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ўқув мақсадларини фан (курс) ва унинг бўлимлари даражасида аниқлаштириш билан чегараланамиз. Чунки айнан мана шу жойда ўқув жараёнини технологик усулда лойиҳалаш бевосита намоён бўлади. Ва айнан шу даражада ўқитувчи фан ва унинг бўлимлари устида ишлаб, ўқув мақсадларини аниқлайди ва улар асосида ўқув жараёнини ташкил этади.

Энди, педагогик амалиётда мустаҳкам ўрин олган ўқув мақсадларини аниқлашнинг қуйидаги анъанавий усуллари ҳақида тўхталамиз:

1. Мақсадларни ўрганиладиган ўқув материалининг мазмуни орқали аниқлаш. Масалан: «Электромагнит индукция ҳодисасини ўрганиш», «Вьетта теоремасини ўрганиш», ёки бирор боб мазмунини, теоремалар, ҳодисалар, қонунлар ва ҳоказоларни ўрганиш. Хўш, мақсадни бундай белгилаш нима беради? Бу фақат битта дарс ёки бир неча дарсларда ўтиладиган материални ўргатишга ишора қилиш ҳолос, унда ўқув жараёнини ташкил этиш учун аниқ бир йўналиш йўқ. Шунингдек, бундай шаклда инфодаланган мақсадларга эришилганлик ёки эришилмаганликни ҳам аниқлаб бўлмайди. Бошқача айтганда, бундай усулда белгиланган ўқув мақсадлари ўқув жараёнини ташкил этишнинг амалий (амалга оширувчи) қисми ҳам бўла олмайди. Шунинг учун ҳам педагогик технология тарафдорлари бундай ўқув мақсадларини ўта ноаниқ деб ҳисоблаб, танқид қилганлар.

2. Ўқув мақсадларини ўқитувчи фаолияти орқали аниқлаш. Масалан: талабаларни «ички ёнув двигателининг ишлаш тамойили билан таништириш», «Ом қонунини намоён қилиш», «географик картадаги шартли белгиларни ўқишга ўргатиш» ва х.к. Ўқув мақсадларини бундай усулда аниқлаш ўқитувчининг шахсий фаолиятига қаратилган бўлиб, ишдаги тартиб ва тушунтириш ҳақида таассурот қолдиради ҳолос. Ўқитувчи ўқув мақсадларини олинадиган натижага таққослаш имкониятига эга бўлмаган ҳолда ҳаракат қилади, чунки ўқув мақсадлари бу усулда аниқланганда олинадиган натижанинг ўзи аниқ инфодаланмаганлиги кўриниб турибди.

3. Ўқув мақсадларини талабанинг интеллектуал, ҳиссий соҳага оид ички ривожланиш жараёнлари орқали аниқлаш. Масалан: «кузатилаётган ҳодисаларни таҳлил қилиш малакаларини шакллантириш», «инфодалли ўқиш малакасини шакллантириш», «физикадан масалалар ечинда талабаларнинг билиш қобилиятларини ривожлантириш». Бундай ўқув мақсадлари ўқув юрти



17  
Davlat  
3932  
Ushbu kitobni  
1998 yil

фан ёки фаиллар цикли даражасидаги умумий мақсадларни ифодалайдилар, лекин улар ҳатто дарс ёки дарслар туркуми мақсадларини ҳам англазмайдилар. Педагогик технология тарафдорлари бундай мақсадларни бутунлай инкор этадилар. Ҳақиқатан ҳам, уларга эришгилликка ёки бир дарс давомида бу мақсадларга, ҳатто яқинлашиб боришганига ҳам ишониб бўлмайди. Бу усулда мақсадга эришиш йўналишлари ҳақида ҳам фикр юритиб бўлмайди, чунки улар ниҳоятда «жараёнли» шаклда ифодаланган. Бизнес фикримизча, бу усул бутунлай самарасиз эмас, фақат мақсадларни жиддий аниқлик киритиш керак. Бу ўринда ҳам мақсадларни аниқлаштиришнинг педагогик технология доирасида яратилган усуллари ёрдам беради (1). Кратвол - аффектив соҳа).

4. Энди, ўқув мақсадларини белгилашнинг педагогик технология тарафдорлари таклиф этган усулини, уларни талабалар хатти-ҳаракати ва фаолияти орқали ифодалашни кўриб чиқайлик. Масалан: «квадрат илдизли тенгламани ечиш», «айлана узунлигини ҳисоблаш», «ўсимликнинг тўқимали тузилишини ўрганиш», «газ тақсимлаш механизмининг қисмларга ажратили ёки йиғиш» ва ҳ.к.

Педагогик технология тарафдорлари таклиф этган ўқув мақсадларини аниқлаш усули, ўзининг юқори даражадаги аниқлаштириш имкониятига эга бўлиши билан ажралиб туради. Ўқув мақсадлари талабанинг ишончли ўлчаш ва ташқаридан кузатиш мумкин бўлган хатти-ҳаракатида ифодаланиб, улар ўқитиш натижаларини англайди. Шу билан бирга, талабаларнинг бу хатти-ҳаракатларини ўқитувчи ёки эксперт аниқ кузатиб баҳолаши ҳам мумкин бўлади.

Албатта, бу самарали ғоя дастлаб кўп қаршиликларга учради. Қандай усул билан ўқитиш натижасини талаба хатти-ҳаракатларига ўтказиш мумкин? Бу ўтказишда қатъий бир хил маънони қандай сақлаб қолиш мумкин? Бу каби муаммолар асосан қуйидаги икки хил усул билан ҳал этилганлигини қайд қилиб ўтамиз.

1. Ўқув мақсадларининг шундай тизимини яратиш керакки, унинг ичида ўқув мақсадларининг топчалари ва даражалари кетма-кетлиги аниқ белгиланган бўлсин. Ўқув мақсадларининг бундай тизими педагогик таксономия деб аталади.

2. Ўқув мақсадларини ифодалаш учун шундай аниқ ва тушунарли тилни топиш керакки, ўқитувчи бу тил орқали мақсадларни аниқ ифодалайдиган бўлсин.

Демак, ўқув мақсадларини белгилашга юқорида қайд қилинган аниқлик киритиш, педагогик технологиянинг одатдаги ўқитиш усулларида тубдан фарқ қилувчи дастлабки, энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўқув мақсадларини ўта аниқ белгиланиши, унга эришгилликни яққол назорат қилишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида талаба шахсини ривожланиб бораётганлик даражасини ҳамда ўқитувчи фаолиятидаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф қилиш демакдир.

**Педагогик мақсадлар  
таксономияси**

В. Оқон тадқиқотларида таъкидланганидек, педагогик мақсадларни аниқлашга уч хил ёндашиш мумкин [3; 82]: а) педагогик мақсадлар бир ёки

бир неча ўқув мақсадлари тавсифи орқали ифодаланади, лекин улар туркумларга ажратилмайди; б) ўқув мақсадлари туркумларга ажратилиб, уларни ёзма тафсилоти баён этилади. МДХ мамлакатлари педагогикасида кенг қўлланилаётган, машғулотнинг таълим бериш, тарбиялаш ва шахсни камол топтириш мақсадларини белгилаш бунга яққол мисол бўлиши мумкин. Ўқув мақсадлари бу усулда ифодаланганда, мақсадлар ўзаро таққослашга қулай бўлиб, фаолиятнинг бу мақсадларга эришишга йўналганлиги таъминланади, лекин уларга эришганлик ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш учун имконият бўлмайди; в) ўқув мақсадларини, уларни алоҳида қисмларга ажратиб аниқлаштириш бўлиб, у жаҳон педагогикасида кенг тарзда оммалашган. Бундай ёндашувга асосан ўқув мақсадларининг ҳар бир алоҳида қисмларига эришилганликни аниқ ўлчаш мумкин. Ўқув мақсадлари тизимини яратиб, ўзаро боғлиқлик кетма-кетлигида жойлаштирилади, яъни уларнинг таксономияси тузилади. **Таксономия** тушунчаси (грекча-тартиб билан жойлаштириш) биология фанидан олинган.

Объектларни, уларнинг табиий ўзаро боғлиқлигига асосланиб ва тоифалари мураккаблашиб борадиган кетма-кетликда (яъни иерархик) жойлаштириб туркумлаш ва тизимлаштириш - **ТАКСОНОМИЯ** деб аталади.

Педагогик мақсадларни бундай схема бўйича тузишга биринчи марта АҚШ олимлари эътибор берганлар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг коллежларга кириш имтиҳонларини қабул қилиш Қўмитасининг бир гуруҳ педагог ва психологлари Б.Блум раҳбарлигида педагогик мақсадларни қатъий ифодалаш ва тартиблаштириш бўйича кўп йиллик изланишлар олиб бордилар.

1956 йилда «таксономия»нинг биринчи қисми нашрдан чиқди. Унда ўқув мақсадларини когнитив (билиш) соҳада ифодаланиши баён этилган эди. Ўқув мақсадларининг бу тизими кенг халқаро миқёсда машҳур бўлиб кетди. Уни ўқитишни режалаштириш ва натижасини баҳолашда қўллай бошладилар. У фан (курс)ларни тажрибавий баҳолашда асосий восита бўлиб ҳисобланди.

Биз Б.Блум таксономиясининг мазмуни ва унинг ўқитувчи учун қандай амалий ёрдам бериши ҳақида кейинроқ тўхталамиз. Аввало, ўқув мақсадларига мувофиқ бўлган шахс фаолияти соҳаларини тавсифлаб ўтайлик.

1. Когнитив (билишга оид) соҳа. Бу ўқилган материални эслаб қолиш ва уни такроран айтиб беришдан бошлаб, то ўзлаштирилган билимларни тўла англаб, уларни олдин ўрганилган гоа, услуб ва ҳаракат усуллари билан уйғунлаштириб тасаввур этиш ҳамда билимларни эгаллашгача бўлган муаммоларнинг ҳал этилишини ўз ичига олади.

Экспертлар баҳоси ҳамда Б.Блум ва ходимларининг таъкидлашларича, ўқитувчилар ўртасида ўтказилган сўров натижасида адабиётлар таҳлили, дастурлар, дарсликлар, дарс бериш амалиётидаги ўқув мақсадларининг аксарияти когнитив соҳага тегишли бўлиши аниқланган. Лекин шунга қарамасдан Блум таксономиясида айрим камчиликлар ҳам мавжуд эканлигини эътироф этиш лозим. Аввало, шунинг таъкидлаш керакки, у муҳим дидактик омиллар: қўлиқма ва малака тушунчаларини четлаб ўтади. Блум бу тушунчалардан фойдаланади, лекин уларни ривожлантирмайди, ижодий фикрлаш муаммоси

ҳам ҳал этилмаган, айнан бу Гилфорд таксономиясида ўзининг тўла ифодаси-ни топган. Блум таксономиясида «қарор қабул қилиш» ва унинг амалий на-тижаси бўлган «фоолият» аке элмаган. Шунингдек, «таҳлил» ва «синтез» тои-фалари, «тушуниш»дан кейин жойлаштирилган. Ваҳоланки, бирор тизим тўғрисида тўла тушувчага эга бўлиш учун, аввало, унинг қисмлари ва улар орасидаги боғланишини (таҳлил), шунингдек, унинг қисмлари қай тартибда ўзаро боғланиб яхлитлигини таниқи. этишини (синтез) аниқлаш зарур бўлади. Эҳтимоли, Блум таксономиясида ўқув мақсадлари тоифаларини қуйидаги тар-тибда жойлаштириш лозимдир: ахборот қабул қилиш, таҳлил ва синтез, ту-шуниш, қўллаш, баҳолаш. Блум таксономиясининг юқорида қайд қилинган баъзи камчиликлари кўпгина янгича таксономия яратувчилар эътиборида бўл-ди. Лекин улар етарли даражада муваффақиятга эриша олмаган бўлсалар-да, яратилган таксономияларнинг ютуқ ва камчиликларини таққослаш учун I-жадвалга мурожаат қиламиз.

Бу жадвалдан кўришиб турибдики, баъзи таксономияларда Блум таксо-номиясининг айнан ўзини ёки унинг бир қисмини такрорланади холос. Л. Вандевелд таксономиясида эса фақат «синтез» тоифаси «яратувчанлик» билан алмаштирилган холос. Айрим таксономия яратувчилар «муаммони ҳал қилиш»га ҳам алоҳида эътибор берганлар.

### Когнитив (билишга оид) соҳага оид таксономиялар

#### I-жадвал

Муал-лиф	Таксономик тоифалар					
	Би-лиш	Тушу-ниш	Қўллаш	Таҳлил	Синтез	Баҳолаш
Блум ва бошқалар 1956 й.						
Гил-форд 1967 й.	1.Бил-иш 2.Хот-ира		4.Конве-гент, яра-тув-чанлик	3.Дивер-гент, яратув-чанлик		5.Баҳолаш
Мак-Гур 1969 й.	1.Би-лиш	2.Умум-лаш-тириш	3.Одий муаммо-ни ҳал қилиш	4.Мурак-каб муам-мони ҳал қилиш	6. Син-тез	5.Баҳо-лаш
Грон-ланд 1970 й.	1.Би-лиш	2.Тушу-ниш	3.Қўллаш	4.Фикрлаш қобилияти		
Ванде-велд 1975 й.	1.Би-лиш	2.Тушу-нини	3.Қўллаш	4.Таҳлил	5.Яра-тув-чанлик	6.Баҳо-лаш
Д.Хейн от 1977 й.	1.Тар-рор-лаш	2.Кон-цепция яратиш	3.Қонда-ларни қўллаш	4.Дивер-гент тафаккур	5.Муам-мони ҳал қи-лиш	

Бу йўналишда Гилфорд бошқаларга нисбатан чуқурроқ изланиб, конвергент муаммо бир печа вариантли ечимга эга бўлган ҳолларни акс эттирадиган тафаккур турларини ажратиб кўрсатади. Гилфорд бу икки операциядан ташқари инсон қобилиятларининг уч омил: билиш, хотира ва баҳолашни ҳам фарқлаб кўрсатади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Гронланд таксономиясидан бошқа бирорта таксономияларда тафаккур алоҳида тоифа сифатида кўрсатилмаган, барча муаллифлар эса қизиқувчанлик ва мотив каби ўзгарувчиларни четлаб ўтганлар. Шунинг билан бир қаторда, уларнинг ҳаммаси билимга, уни эгаллаш ва тушунишга алоҳида эътибор берганлар. Хотирага фақат Гилфордгина ўзгарувчи сифатида қараган, унинг таксономиясидаги «яратувчанлик» тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган. Когнитив соҳада яратилган таксономияларни таққослар эканмиз, бу соҳада Блум таксономиясидан мукамалроғи яратилмаганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

2. Психомотор (ҳаракатга оид) соҳа. Бу соҳага у ёки бу ҳаракат (моторли) фаолиятда манипуляция (ҳаракат йўналишларини тез ва чаққон ўзгартириш), асаб-мускуллари мувофиқлаштириб бошқариш (координация) ни шакллантиришга оид мақсадлар киради. Бу ўрта мактабдаги ўқув мақсадларининг жуда оз қисмини қамраб олади ҳолос. Ёзув, оғзаки нутқ маъналари ҳамда жисмоний тарбия ва меҳнат (касб) таълими доирасидаги маъналар ана шулар жумласидандир. Касб-ҳунар коллежларида талабаларга касб ўргатиш жараёни мақсадларини эса айнан шу мақсадлар ташкил қилади. Психомотор соҳасига оид яратилган таксономиялар 2-жадвалда келтирилган.

Психомотор соҳасига оид таксономиялар

2-жадвал

Муаллиф	Таксономик тоифалар				
Симмон 1966 йил	1. Идрок	2. Ҳаракатга тайёрлик	3. Бошқариладиган фаолият	4. Автоматлаштириш	5. Мажмуалашган фаолият
Дейв 1969 йил			1. Нусха олиш 2. Манипуляция	3. Аниқлик 4. Координация	5. Автоматлаштириш, тўла ўзлаштириш
Бэлдин 1971 йил	1. Идрок	2. Созланиш	3. Бошқариладиган фаолият	4. Механизм	5. Мажмуалашган фаолият
Брунер 1973 йил		1. Ният		2. Асаб тизимининг мослашуви	3. Фаолият модели

3. Аффектив (ҳиссиётли-қадриятли) соҳа. Унга оддий идрок қилиш, қизиқиш, қадриятлар йўналишлари ва муносабатларни ўзлаштиришга тайёр бўлишдан бошлаб, то талабани атроф-дунёга нисбатан ҳиссий-шахсий муносабатда бўлишни шакллантирувчи мақсадлар киради. Қизиқиш ва мойиллигини, у ёки бу кечималарга ҳамдард бўла олиш, воқеаларга бўлган муносабат, уни англаш ва фаолиятда намойиш бўлишни шакллантириш мақсадлари ана шулар жумласидандир. Юқоридаги жадвалда кўрганимиздек, замонавий таксономияларда яқиний натижани бевосита ўлчаш учун, унга эришишга олиб боровчи йўллар ва босқичларни ажратиб кўрсатиш, яъни «ёмон бўлса ҳам йўл афзал» қабилинда иш тутиш зарур экан. Аффектив соҳада яқиний натижага

олиб борувчи оралиқ босқичларни ажратиб кўрсатиш бирмунча мураккабдир, чунки бу соҳада асосан кўп вариант.ли (дивергент) ўзгарувчилар амал қиладилар. Д. Кратвол, В. Блум ва Б. Масинлар 1956 йилда яратган таксономия, аффектив (ҳиссиёт) соҳа мақсадларини ўзига хос, «жараёнли» қамраб олишга уринишлардан энг муваффақиятлиси бўлиб ҳисобланади. Унинг мавжуд беш қисми қуйидагича ифодаланади [1; 25-26]:

1. Идрок этиш:

- а) англаш;
- б) идрок қилишга истак вужудга келиши ва ёки унга тайёр бўлиш;
- в) ихтиёрий диққат.

2. Таъсирга жавоб бериш:

- а) бўйсунувчи тарзда жавоб бериш;
- б) ихтиёрий тарзда жавоб бериш;
- в) таъсирга жавоб беришдан мамнуният ҳосил қилиш.

3. Қадриятли йўналишларни ўзлаштириш:

- а) қадриятли йўналишларни қабул қилиш (фикр пайдо бўлиши);
- б) қадриятли йўналишларни афзал кўриш;
- в) қадриятли йўналишларга содиқлик, ишонувчанлик.

4. Қадриятли йўналишларни ташкил этиш:

- а) ўз муносабатини баҳолаш, қадриятли йўналишлар тизимини яратиш.

5. Қадриятли йўналишлар ёки улар мажмуини фаолиятда акс этиши:

- а) умумий кўрсатмалар бериш;
- б) қадриятли йўналишларни тўла ўзлаштириш ва уларнинг фаолиятда акс эттирилиши.

Бу таксономия субъект томонидан муҳит ёки санъат асарларидаги эстетик илдишларни, уларнинг таъсирига жавоб бериш (1) орқали онгига синдириб олиш (2), баҳолаш (3) ва бу баҳолашни ташкил этиш (4), қадриятли йўналишлар тизими ва дунёқарашни танлай олишни акс эттиради. Бу ерда яққол ифодаланган иккита умумий даражани ажратиб кўрсатиш мумкин:

- а) бирор таъсирга жавоб беришни танлашга тайёр бўлиш ва уни қабул қилиш даражаси;
- б) тўла ўзлаштириш даражаси. У қадрият йўналишини баҳолаш, ташкил этиш ва мустаҳкамлашни қамраб олади.

Муаллифлар, ҳиссиётли жараённинг бундай таркибий тузилишини яратишда «интернализация» - бирор хулқни дастлаб юзаки, сўнгра эса уни тўла ҳис этиб ўзлаштириш тушунчасини ишлатганлар. Қадриятларнинг бундай, аста-секин, борган сари юқори даражага кўтарилиб ўзлаштирилиши натижасида, улар мустаҳкам ишончга айланадилар. Ўзбекистон ёшларини мустақиллик мафкураси ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашнинг босқичма-босқич олиб борилаётганлиги бунга яққол мисолдир. 1964 йилдан сўнг бир неча олимлар (Вилсон, Вилиамс, Гронланд, Смит) томонидан ҳам аффектив соҳага оид таксономиялар яратилган. Лекин улар Кратволнинг юқорида баён этилган таксономиясига сезиларли ўзгартириш кирита олмаганлар. Шундай бўлса-да, Кратвол таксономиясида ҳам айрим камчиликлар мавжуд. Хусусан, унда субъектнинг эстетик ва ахлоқий мамнуният ҳосил қилгандаги ички кечинмалари ўз ифодасини тонмаган. Бу ҳолат поляк философи Р. Ингарденнинг 1957 йилларда олиб борган тадқиқотларида аниқланган.

Жадвалларда кўрсатишган тўртинчи тақсономиядан иккитаси - Слимсон ва Белдвин тақсономиялари деярли бир-бирига ўхшандир. Уларда фаолиятнинг биринчи босқичи фикран идрок қилиш бўлиб, у иккинчи босқичда фикран ва ҳиссиётли соғланмишга, учинчи босқичда эса, бирор кимни раҳбарлигида фаолият кўрсатишга олиб келади. Тўртинчи босқич пировард натижада мажмуалашган фаолиятни шаклланишига имкон яратувчи автоматлашган фаолиятни англатади. Дейв дастлабки икки босқични четда қолдириб, пухса кўчиришни эса ҳаракатларни автоматлаштириш ва тўла ўзлаштиришнинг дастлабки босқичи деб ҳисоблайди. Брунер моделида идрок эътиборга олинмаган, фаолият ниятларни таълаидан сўйгра асаб тизимини мослашуви, ундан кейин эса ахборотларни англаш йўли билан фаолиятни тўла ташкил этиш таъминланади.

Ўқув мақсадларининг қатъий ва ишончли тизимини яратишни фақат назарий олимларни қизиқтирадиган мавҳум (абстракт) вазифа деб ҳисоблаб бўлмайди. Мақсадларнинг аниқ, тартибли ва иерархик туркумини яратиш, энг аввало амалиётчи педагоглар учун жуда муҳимдир. Бунинг сабаблари қуйидагича:

1. Ўқув жараёнида эътиборни асосий мақсадга қаратиш. Ўқитувчи тақсономиядан фойдаланган ҳолда нафақат ўқув мақсадларни, балки асосий вазифаларни, кейинги фаолиятининг тартиби ва боришини ҳам белгилаши мумкин.

2. Ўқитувчи ва талабалар ҳамкорлигидаги фаолиятининг аниқлиги ва ошқоралиги. Аниқ ўқув мақсадлари ўқитувчи учун талабаларга, уларнинг умумий фаолиятидаги асосий йўналишларни тушунтириш, муҳокама қила олиш ва ихтиёрий қизиқувчи шахслар (ота-оналар, текширувчи) учун ҳам аниқ ва тушунарли бўлишини таъминлаш имкониятини беради.

3. Ўқитиш натижаларини баҳолаш андозаси (эталон) ни яратиш. Фаолият натижалари орқали аниқ ифодаланган ўқув мақсадлари, уларни ишончли ва ҳолисона баҳолаш имкониятини яратади. Бундай эталон фақат ўқитувчи томонидан яратилиши шарт эмас. Уни талабалар билан ҳамкорликда (демократик) яратиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, ўқув мақсадлари тақсономияси жаҳон педагогикасида фундаментал изланишлар натижасида вужудга келган. У ўқув мақсадларини белгилашнинг энг илғор усули бўлиб эътироф этилган.

Тақсономия тузиш ҳам назарий олимлар, ҳам амалиётчи педагоглар фаолияти самарасини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон педагоглари бу усулни қай даражада тезроқ эгаллар эканлар, улар республикамиз таълим тизимини жаҳон педагогикасини илғор тажрибалари билан уйғунлашувиغا шу даражада жадалроқ ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар.

Б. Блум тақсономияси.

Б. Блум раҳбарлигида америкалик педагог-олимлар томонидан ишлаб чиқилган ўқув мақсадлари тақсономияси бутун жаҳон педагогикасида кенг тарқалган. Шу билан бирга ғарбда Д. Гилфорд ва Р. Гагне, Россияда А. Я. Галшерин ва А. М. Матюшкин, Польшада эса Ч. С. Носал ва М. Обара тақсономиялари ҳам қўпчилиكنинг алоҳида эътиборига сазовор бўлганлигини


таъкидлаб ўтилди [1,2,3]. Б. Блум яратган ўқув мақсадлари таксономияси билишга оид соҳа сферасига тегишлидир. Унда билим олиш жараёни: билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, синтез ва баҳолаш каби олтига тоифаларга ажратиб кўрсатилади. Бу тоифаларнинг ҳар бири учун алоҳида билиш жараёналари мазмуни ишлаб чиқилган. Билим олиш жараёни даражаларининг сараланиш ва жойлаштириш кетма-кетлигини кузатар эканмиз, таксономия яратувчилари интеллектуал фаолиятнинг барча тоифаларини тўлароқ ва аниқроқ қамраб олишга интилганликларини англаш мумкин. Бу эса таксономия ўқув мақсадларининг фақат ахборот беришга асосланган одатдаги усулда белгилашга нисбатан такомиллашган, илгор усул эканлигидан далолат беради. Ўқув мақсадлари таксономиясининг нисбатан мукамал ишлаб чиқилган ва кенг қўламда қўлланиладиган когнитив соҳаси 3-жадвалда берилган, уларни ўзаро таққослаб қуйидаги фикрларни айтиш мумкин.

Когнитив мақсадларга бир ёки бир неча дарс жараёнида эришиш мумкин. Аффектив мақсадлар эса шахс ички ривожланишига боғлиқ бўлиб, чуқурроқ характерга эга. Унга қисқа вақт ичида (айниқса, юқори босқичдагиларга) эришишни амалга ошириб бўлмайди. Когнитив мақсадларни моддийлаштириш, уларни фаолият тури кўринишида ифодалаш осонроқдир. Шунинг учун ҳам, аффектив мақсадлар таксономияси, асосан, тарбия натижасини педагогик таҳқиқлашда қўлланилади, ўқитиш технологиясига оид ишланмалар эса асосан, когнитив мақсадлар бўйича яратилади. Бир неча йиллар давомида педагогик мақсадлар таксономиясини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилганлиги натижасида: когнитив, аффектив, психомотор ва операция-фаолиятли мақсадлар таксономиясининг турли хил вариантлари яратилганлигини айтиб ўтдик. Лекин бугунги кунда Б.Блумнинг когнитив соҳадаги таксономияси пухта ишланган бўлиб, у нисбатан оммавий тарзда ёйилган. Унинг амалда қўлланиши ҳам мукамал ўрганилган ва у жаҳон педагогикасида кенг қўлланилмоқда. Шунинг учун ҳам 1996 йида ЮНЕСКО Блум таксономиясининг 40 йиллигини халқаро миқёсда нишонлади.

Б.Блум таксономияси ёрдамида ўқитувчи нафақат ўқув мақсадларини аниқлаштиришга, балки уларни ўзаро боғлиқ бўлган қатъий кетма-кетликда жойлаштиришга муваффақ бўлади. Ўқув мақсадларининг бундай ифодаланиши, ўқитувчи учун талабаларга, уларнинг билиш фаолияти ҳолатини тушутириш, бу фаолиятни яқиний натижа томон аниқ йўналиш олишга ундаши учун имконият яратади. Демак, ўрлаштириш мониторинги вужудга келади. Бу таксономия тест топириқлари тузувчилар учун ўқув материали элементларини ўқув мақсадларининг қайси тоифасига мувофиқлигини аниқлашга ҳам қулайлик яратади. Уни қўллаш натижасида идентификацияланувчи ўқув мақсадларини аниқлаш мумкин бўлмаган даражаларда, уларни нисбатан умумлашган шаклда ифодалаб, тест топириқлари тузиш имконияти яратилади. Ёки аввал ўқув мақсадлари таксономия тоифалари бўйича умумийроқ шаклда аниқлашиб, сўнгра уларга мос келувчи ва яқиний натижани яққолроқ ифодаловчи феъл тавлашиб, тест топириқларини тузиш мумкин. Когнитив (билишга оид) соҳа бўйича Б.Блум таксономияси тоифаларини ифодаловчи феълларини тавлаш бўйича кластерини намуна сифатида келтирамиз:



**Блум таксономияси топфаларига оид феъллар тавлаш  
бўйича наъмунавий  
К Л А С Т Е Р**



**Когнитив (билишга оид) соҳадаги ўқув  
мақсадларининг тоифалари  
(Блум таксономияси)**

3-жадвал

Ўқув мақсадларининг асосий тоифалари.	Ўқув мақсадлари турларидан намуналар.
1.	2.
<p align="center"><b>1. БИЛИШ</b></p> <p>Бу тоифа ўтилган материални эслаб қолиш ва такроран сўзлаб (кўрсатиб) беришни англатади. Мазмуни турлича аниқ далиллардан бошлаб, то яхлит назарияларгача бўлиши мумкин. Бу тоифанинг умумий белгиси тегишли маълумотларни эслаб қолишдир.</p>	<p align="center"><b>ТАЛАБА</b></p> <p>Қўлланиладиган ибораларни билади, аниқ далилларни билади, иш-ҳаракат тартиби услубларини билади, асосий тўшунчаларни билади, қонда ва тамойилларни билади.</p>
<p align="center"><b>2. ТУШУНИШ</b></p> <p>Қўйидагилар ўтилган материал аҳамиятини тушуниш қобилиятининг кўрсаткичлари бўлиш мумкин: материални бир шаклдан иккинчи шаклга ўзгартириш, бир «тил» дан иккинчи «тил»га айлантириш (масалан оғзаки шаклдан математик шаклга). Шунингдек, талаба томонидан материални тушунтириб берилиши ва қисқача талқин қилиниши (интерпритация) ёки ходиса ва воқеаларнинг бундан кейинги боришини тасавур этиши (оқибати ва натижасини олдидан айтиб бериши) ҳам тушуниш кўрсаткичлари бўлади.</p>	<p align="center"><b>ТАЛАБА</b></p> <p>Далиллар, қонда ва тамойилларни тушунади, оғзаки материални талқин қила олади, схема, диаграмма, графикларни талқин қила олади, оғзаки материални математик шаклда ифода-лай олади, мавжуд маълумотлар асосида қўти-лаётган оқибат-натижани тахминан тасаввур эта олади.</p>
<p align="center"><b>3. ҚўЛЛАШ</b></p> <p>Бу тоифа ўзлаштирилган материалдан аниқ шароитларда ва янги вазиятларда фойдалана билишни англатади. Бунга қондалар, услублар, тўшунчалар, қонунлар, тамойиллар ва назарияларни амалда қўллаш олин-тиради. Бу тоифа материални тушунишга нисбатан анча юқори даражада эгаллашни талаб қилади.</p>	<p align="center"><b>ТАЛАБА</b></p> <p>Тўшунча ва тамойилларни янги вазиятларда қўллайди, қонун, назарияларни аниқ амалий вазиятларда қўллайди, услуб ёки иш-ҳаракат тартибидан қўллаш олиншини намойиш қилади.</p>

1.	2.
<p><b>4. ТАҲЛИЛ</b></p> <p>Бу топфа материални алоҳида қисмларга ажрата олишни биллиши аниқлади. Буида унинг таркибий тузилиши аниқ кўрииб туриш керак. Буни яхлитликни қисмларга ажратиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш, яхлитликнинг таъкил этилиши тамойилларини аниқлаи киради. Бу топфа ўқув натижаларини тушуниш ва қўл-лашга нисбатан анчагина юқори даражада эканлиги билан характерланади.</p>	<p><b>ТАЛАБА</b></p> <p>Яширин (ноаниқ) тахминларни ифодалайди, фикрлаш мантиғидаги хато ва камчиликларни кўролади, далиллар ва сабаблар ўртасидаги тафовутларни аниқлайди, боғланишларни таҳлил қила олади.</p>
<p><b>5. СИНТЕЗ</b></p> <p>Бу топфа ўзида янгиликни аке эттирган, яхлитликни вужудга келтириш учун алоҳида қисмлар комбинациясини тузишни аниқлади. Бундай янги маҳсулот-доклад, нурк, фаолият режаси ёки умумлаштирилган алоқалар мажмуи (мавжуд маълумотларни тартибга тушириш схемаси) бўлиши мумкин. Унга мос ўқув натижалари янги схема ва таркибий тузилишлар яратилиши ўз ичига олган ҳамда ижодий характерга эга бўлган фаолиятни назарда тутати.</p>	<p><b>ТАЛАБА</b></p> <p>Материалнинг мантиқий тузилишини ёзма матн шаклида, хулосаларни берилган катталикларга мослигини баҳолайди, ички мезонлардан келиб чиққан ҳолда, ишро ёзади, тажриба ўтказиш режасини тузади, у ёки бу муаммони хал этиш режасини тузишда бошқа (фан)ларга оид билимлардан фойдаланади.</p>
<p><b>6. БАҲОЛАШ</b></p> <p>Бу топфа у ёки бу материал (қонун,баддий асар, изланиш натижалари)нинг аҳамиятига аниқ мақсад нуқтан назаридан баҳо беришни аниқлади. Талаба мулохазаларининг мезони ички (таркибий, мантиқий) ёки ташқи (белгиланган мақсадга мувофиқ) бўлиши мумкин. Бу мезонлар талаба ёки ўқитувчи томонидан белгиланиши мумкин. Бу топфа олдинги (5 та) ўқув мақсадларининг барчасини эгалланишини ва уларга белгиланган мезонлар асосида баҳо бера олишни назарда тутати.</p>	<p><b>ТАЛАБА</b></p> <p>Материалнинг мантиқий тузилишини ёзма матн шаклида баҳолайди, хулосаларни берилган катталикларга мослигини баҳолайди, ички мезонлардан келиб чиққан ҳолда, у ёки бу фаолият аҳамиятига баҳо беради, ташқи мезонлардан келиб чиққан ҳолда у ёки бу фаолият аҳамиятига баҳо беради (муносабатини билдиради).</p>

Ўқув фани мақсадларини бу таксономия асосида аниқлаштириш икки босқичда bajarилaди. Биринчи босқичда фан ўқитилишининг умумий мақсади аниқланади, иккинчи босқичда эса қишлоқлик ва жорий ўқув фаолиятининг мақсадлари аниқланади. Қишлоқликка ажратиб аниқлаштирилган ўқув мақсадларини жадвал шаклида расмийлаштирилади: устунда фanning бўлимлари, қаторда эса талабанинг бу бўлимларини ўзлаштиришдаги интеллектуал фаолиятнинг асосий турлари жойлаштирилади. Мисол тариқасида АҚШ ўрта мактабининг XI синфида кимё фанидан ўқув мақсадларини туркумлашни келтирамиз (4-жадвал).

### Кимё курсида ўқув мақсадларини аниқлаштириш

4-жадвал

№	Бўлимлар мазмуни	Интеллектуал операциялар					
		Билиш	Тушуниш	Қўллаш	Таҳлил	Синтез	Баҳолаш
1.	Олимлар таржиман холи	+					
2.	Ўлчаш	+	+				
3.	Кимёвий моддалар	+	+	+	+		
4.	Кимёвий элементлар	+	+	+			
5.	Кимёвий алмашув	+	+	+	+		
6.	Кимёвий қонунлар	+	+	+	+		
7.	Энергия ва мувозанат	+	+				
8.	Модданинг атом ва молекуляр тузилиши	+	+	+	+		

Ушбу «икки ўлчамли» аниқлаштириш ҳар бир дарс ўқув мақсадларини белгилашда йўналиш бўлиб ҳисобланади. Ж.Блок ва Л.Андерсен услуби бўйича бу мақсадлар ўқув модуллари мазмуни бўйича аниқлаштирилади. Сўнгра ҳар бир модул доирасида талабалар учун янги қисмлар мазмуни аниқланади ва туркумланади. Талабаларнинг ўқитувчи белгилаган ўзлаштириш даражасига мувофиқ бўлган интеллектуал операциялари кўрсатилади.

Ўқув мақсадларини тўла-тўқис аниқланадиган, ўқув жараёнини эса такдорланувчан бўлиши учун, бу мақсадларга эришиш мезонини яратиш зарурати туғилади. Бошқача айтганда, ўқув мақсадларини шундай ифодалаш керакки, унга эришганлик ҳақида фикр юритиш мумкин бўлсин.

Натижасини қатъий ва аниқ ўлчаш мумкин бўлган ўқув мақсадлари идентификацияланувчи ўқув мақсадлари деб аталади.

Ҳар бир бундай ўқув мақсадлари бўйича назорат (тест) топшириқлари тузилади. Идентификацияланувчи мақсадларга эришилганлик ҳақида талабанинг фақат ташқи ифодаланган фаолияти ва унинг маҳсули (жавоби, масалани ечиши, механизмларини қисмларга ажратиш ва йиғиши, технологик жа-

раёнининг кечиш кетма-кетлигини аниқлаши) билангина аниқ ҳукм чиқариллади.

Ўқув натижаларини идентификациялашда ўқитувчи талабанинг таъқиқ ифодаланган ҳаракатининг белгиларини ифодлашга асосий эътиборни қаратади.

Демак, ўқув натижалари сезиларли даражада соддалаштирилиб юборилиши мумкин ва бунга ўта эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим. Биз бу ҳолга жиддий эътибор бериб, ўқув мақсадларини тўла-тўғис аниқлаштириш технологиясини баён этишга ўтамиз.

### Мустақил таълимга оид топшириқлар

1. Назорат тестларини ечиб, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни аниқланг. Агар юқорироқ балл олмоқчи бўлсангиз, мавзу матнига мурожаат қилинг.

2. Мутахассислик бўйича коллеж ўқув режасидаги махсус (умумтехник) фанларнинг биридан бешта мавзу бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадларини Б. Блум таксономияси бўйича белгиланг.

3. Б. Блум таксономияси бўйича куйидаги тренингда ўзингизни синаб кўринг [2.36.]

№	Вазиятлар	Жавобни танланг
1	Талаба газета саҳифасидаги далиллар орасидаги номувофиқликни аниқлади.	А. Билиш
2	Талаба газета саҳифасида баён этилган далиллар билан таниш эканлигини билдирди.	В. Тушуниш
3	Талаба иншо ёзишда газетадаги далиллардан фойдаланди.	Д. Қўллаш
4	Талаба газетда ёзилган далилларни умумлаштира олади.	Е. Таҳлил
5	Талаба газета саҳифасидаги мақола мазмунини тушунтира олади.	Ғ. Синтез
6	Талабанинг газетадаги мақолага нисбатан танқидий фикри бор.	Г. Баҳолаш

### Назорат учун тест топшириқлар

I. Ўқув мақсадларини анъанавий усулда белгилашнинг камчиликларини кўрсатинг.

- Фақат ўқув материали мазмунини, ўқитувчи ва талаба фаолиятини ифодалайди, аниқ эмас.
- Ўқув материали мазмун, ўқув дастури мазмун, дарс мазмунини ифодалайди, аниқ эмас.
- Ўқитиш натижаларини ўлчаб бўлмайди.
- Талаба тафаккурини ривожлантирмайди.
- Ҳамма жавоб тўғри.

II. Педагогик технологияда ўқув мақсадлари талабанинг

- а) \_\_\_\_\_ кузатиладиган хатти-ҳаракатини ифодаловчи  
 б) \_\_\_\_\_ да ифодаланади.

- III. Педагогик технологияда А. Когнитив.  
 ўқув мақсадларини Б. Тушунishi.  
 аниқлаш соҳалари. В. Психомотор.  
 Г. Таҳлил.  
 Д. Аффектив.

Жавоблар: 1-Г,Б,Д; 2-А,Б,Д; 3-Б,В,Г; 4-А,В,Д.

IV. Объектларни, уларнинг табиий ўзаро боғлиқлигига асосланиб ва тоифалари мураккабланиб борадиган кетма-кетликда жойлаштириб туркумлаш ва тизимлаштириш \_\_\_\_\_ деб аталади.

- V. Блум таксономияси ўқув мақсадларини белгилашнинг когнитив (билиш) соҳасини Б – йўқ, ифодалайдими?

- VI. Блум таксономияси тоифаларининг кетма-кетлигини аниқланг.
- А. Билиш.  
 Б. Тушунishi.  
 В. Қўллаш.  
 Г. Баҳолаш.  
 Д. Синтез  
 Е. Таҳлил.

- VII. Идентификацияланувчи ўқув мақсадларига бу ўқитиш \_\_\_\_\_ ўлчаш мумкин бўлган ўқув мақсадларидир.

Тўғри жавоблар:

Тошириқлар	I	II	III	IV	V	VI	VII
Жавоблар	2.	а) ташқаридан б) феълларида	4.	Таксономия	А.	1-А, 2-Б, 3-В, 4-Д, 5-Е, 6-Г	интижадорлиги аниқ

## Фойдаланилган адабиётлар:

### а) асосий адабиётлар

1. Кларин М. В. Педагогическая технология в учебном процессе. М.: "Знание" 1989-80 с.
2. Фарберман Б. И. Прогрессивные педагогические технологии Т. : ИИВССШ. 1999. -84 с.

### б) қўшимча адабиётлар

3. Оконь В. Введение в общую дидактику. Пер. с польск. - Л.Г.Кашкуревича, Н.Г.Горина.-М.: "Высш.шк.", 1990.-387 с.
4. Усова А. В., Бобров А. А. Формирование у учащихся учебных умений М. : "Знание" 1987. - 80 с.

## 3. Эталон-мақсадларни шакллантириш ва уларни тест-топшириқларга айлантириш

Ўқув мақсадларини ташқаридан кузатиладиган ҳаракатлар билан ифодалаш

Ўқув мақсадларини ташқаридан кузатиладиган ҳаракат билан тўла-тўқис ифодалаш технологияси ўтган асрнинг 50-60 йилларида бихевиоризм ғояси ва услублари таъсирида вужудга келди. Бихевиоризм - (инглизча *behavior* - ҳатти-ҳаракат, ҳулқ) америка психологиясининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, у ўта амалий инструментал йўналишига эгадир. У инсон психикасини ўрганиш, фақат инсоннинг ташқаридан кузатиладиган ҳатти-ҳаракати ва нутқини таҳлил қилишдан иборат, деб тасаввур қилади. Бундай ёндашув ўқув мақсадларини ўқувчиларда ташқаридан кузатилиши мумкин бўлган аниқ ҳаракатлар орқали ифодалашга олиб келади. Гербарт Спенсер таърифлаганидек, "Таълимнинг буюк мақсади билим бериш эмас, балки ҳатти-ҳаракатларга ўргатишдир".

Мазкур оқим маълум давргача АҚШ психологиясида устиворлик ролинини ўйнади. Ҳозирги даврда бу оқим бир неча психологик мактабларга ажралиб кетган. Лекин уларнинг моҳиятида бихевиоризм руҳи сезилиб туради. Ҳаммаси учун умумий формула  $S \rightarrow R$ , яъни стимул - реакция ҳизмат қилиб келмоқда [4; 117 - 120]. Бихевиоризм собиқ иттифоқ олимлари томонидан дастлаб реакция «оқим» сифатида қаттиқ танқид қилинган бўлсада кейинчалик унга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Бихевиоризмнинг қатор фанлар (антропология, лингвистика, социология, семиотика, кибернетика) нинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги ҳамда психологиянинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлиги эътироф этила бошланди [3].

Фаолиятни фақат ташқаридан кузатиладиган ҳатти-ҳаракат билангина тевлаштириш уни ниҳоятда соддалаштириб тасаввур этишдир. Мураккаб билиш ва ҳиссий жараёнлар (хусусан, ҳиссий- пажодий фаолият тажрибаси) ни ташқаридан кузатиладиган алоҳида қисмларга ажратиш мумкин эмаслиги туфайли улар бихевиористик ёндашнинг доирасидан ташқарида қолади. Бихевиоризм ўқитишнинг репродуктив даражаси (ёдлаш, такроран айтиш, кўрсатиш бериш, намуна бўйича ҳаракат қилиш) билангина чегараланади. Бихевиоризмда ўзлаштиришнинг умумий шартли схемасини  $S \rightarrow R \rightarrow P$  кўринишида ёзиш мумкин [1; 73]. Бунда,  $S$  - стимул (ҳаракатга келтирувчи таъсир) ёки ҳатти-

ҳаракат қилишга ўқувчи назият. Масала шарт. савол, сигнал, буйруқ, команда ва ҳ.к. стимул вазифасини бажариш мумкин. R - организмнинг стимул (таъсир)га кўрсатган жавоби (реакцияси), яъни таъсир натижасида содир этилган ҳатти-ҳаракат. Саволга жавоб бериш, масалани ечиш, ўнганга ёничанга бурилиш, югуриш ва ҳоказолар организмни таъсирга кўрсатган реакциясини ифодалайди. P - (прог) мустаҳкамлаш, яъни бу- таъсирга жавобан реакция қилинганлиги, ҳаракатнинг тўғри бажарилганлигини мустаҳкамлаш-рағбатлантиришидир. Мустаҳкамлаш-моддий ва маънавий тақдирлаш шаклида бўлиши мумкин. Масалан, жониворларни ўргатишда бу - улар энг яхши кўрган овқат, инсонни ўқитиш-ўргатишда эса, мустаҳкамловчи сифатида оғзаки маъқуллаш, баҳо, илҳомлантиришлардан фойдаланиш мумкин. Бихевиористлар таъкидлаганларидек, мустаҳкамлаш (P) ўзлаштиришнинг муҳим ташкил этувчиси бўлиб ҳисобланади. У айниқса жониворларни ўргатишда мутлоқ аҳамият касб этади.

Лекин, бихевиористларнинг ўқитиш сифатини алоҳида қисмлар бўйича назорат қилиш ва тузатишлар киритиб боришнинг зарурлиги тўғрисидаги ҳулосаси - ўқитиш назарияси учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Бу ҳулоса дастурланган таълим услубини яратилишига асос бўлди. Унинг бихевиористик талқиндаги ўқитиш қондалари қуйидагилардан иборат:

- ўқув материални иложи борича алоҳида қисмларга ажратиш;
- ўқув элементларини фаолиятда намоён бўлишининг барча кўринишларини эътиборга олиш;
- ижобий реакцияни тезкорлик билан мустаҳкамлаш (назорат - тузатиш);
- машқ (ҳатти-ҳаракат)ларни кўп марта такрорлаш натижаси 0,95 дан кам бўлмаган ўзлаштириш кўрсаткичига эришиш.

Ўнда қилиб айтганда, ўқув мақсадларини тўла идентификациялаш (ўқув натижалари билан таққосланувчан ҳолда ифодалаш) ва қатъий бир хил маънода аниқлаш гоёси ўқувчилар фаолиятининг педагогик амалдаги ноаниқ тарзда эмас, балки уларни ташқаридан кузатиш ва ўлчаш мумкин бўлган аниқ ҳатти-ҳаракатлари орқали ифодаланишини билдиради. Масалан, «таниш», «қайтариш», «ёзиб олиш» сўзлари, «билиш» ва «тушуниш» ифодаларига нисбатан анчагина аниқроқдир. Шунинг учун ҳам, ўқув мақсадларини танлашга оид услубий кўрсатмаларда ўқитувчиларга «билиб олиш», «ўзи учун кашф этиш», «идроқ қилиш», «сеза олиш», «тушуниш» каби умумий маъно берувчи сўзлар ўрнига, талабаларда «танлаш», «номини айтиш», «санаб бериш», «ёзма ифодалаш», «таърифлаш», «кўрсатиш», «таҳлил қилиш» малакаларини шакллантириш тавсия этилади.


Ўқув мақсадларининг бундай аниқлаштирилиши ўқитувчи ишини анчагина соддалаштиради. Бу мақсадлар тўпламига, асосан, ўқув жараёни, унинг ҳар бир қисмининг ўзлаштирилишини таъминловчи, соддалантирилган ўқув цикллари йиғиндисининг кетма-кетлиги бўйича олиб борилади. Ўқув жараёнининг бориши ҳақида биз кейинроқ тўхталамиз. Ҳозир эса ўқув мақсадларини бундай усулда аниқланганда эришиладиган натижага тўхталамиз. Психолог Н. Ф. Тализина ўқув мақсадларини фақатгина ташқи ифодалашган ҳатти-ҳаракатлардангина иборат деб тушуниш, талабалар онгда содир бўлаётган ички ривожланиш ҳақида ишолчли фикр юритишга имконият бер-



маслигини таъкидлади. Бихевиоризмда онгги таҳлил қилиш эътиборга олинмайди, чунки уни тўғридан-тўғри «кузатиб» бўлмайди, инсон эса таъсирга жавоб (реакция) берувчи организм деб қаралади. Бундай ҳолларда Кратволнинг аффектив соҳаси бўйича таксономиясидан фойдаланилади.

Ўқитиш натижалари, уни алоҳида таркибий қисмларга бўлишга, бу қисмларни кетма-кет ўргатишга имконият берса, бу ҳолда бихевиористик схемага тўла амал қилиш мумкин (ишлаб чиқиш операцияларини ўргатиш, жисмоний тарбия машқларини бажариш, оғзаки нутқ малакасини шакллантириш). Бу айниқса, касб-ҳунар коллежлари талабаларининг меҳнат операцияларини алоҳида қисмларга ажратиб бажаришлари натижасида касбий малакаларни эгаллашларида муҳим аҳамият касб этади.

Агар ўқув натижалари яхлитликни ташкил этиб, уни алоҳида қисмлар йиғиндиси сифатида ифодаланиш мумкин бўлмаса ёки бу қисмларни аниқ ифо-



2-схема. Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари батареясини ишлаб чиқиш.

далаш мумкин бўлмаса, бундай ҳолда ўқув мақсадларини идентификациялаш маълум даражада мумкин бўлсада, ниҳоятда қийинчилик туғдиради ва уни қатъий амалга ошириб бўлмайди. Бу ҳолда Б.Блум таксономиясининг юқори даражаларидан фойдаланиш мумкин (синтез, баҳолаш).

Шундай қилиб, ўқув мақсадларини аниқлаштириш имкониятларига қуйидагича муносабат билдириш мумкин: ўқув мақсадларини ташқаридан кузатиладиган хатти-ҳаракат билан ифодалаш кўп ҳолларда умумий мақсаднинг хусусий ҳолларда намоён бўлишини аке эттиради. Шунинг таъкидлаш лозимки, умумий ўқув мақсадларини аниқ қисмларга ажратиб тўғридан-тўғри содда-лаштирилган характерга эга бўлмаслиги керак. Ҳар бир аниқ мақсадни белгилашда, у умумпедагогик мақсаднинг бир қисмининг аке эттиришининг лозимлигига жиддий эътибор бериш зарур. Умумпедагогик мақсадларни аниқ ўқув

мақсадларга айлантириши (Ўқув мақсадлари батареясини тузиш) 2-схемада кўрсатилади [3].

Эталон - мақсадларни яратиш, қўллаш ва уларни тест топшириқларига айлантириши.

Энди биз умумий ҳолда тасвирланган ўқув натижаларининг эталони-талабани унга эришиши мезонини аниқлаш ҳақида фикр юритамиз. Бундай ўтишининг умумий талаби талаба ўқитиш натижасида нималарни бажараолишини яъни, мақсадга эришганлик белгиларини аниқ ифодалашдан иборат. Масалан, а) талаба қондани ўзлаштириши керак ва б) талаба қондани маълум ва янги вазиятларда қўллаш олади, шаклида ифодаланган ўқув мақсадларидан иккинчисини, аниқроғини танлаш лозим.

Ўқув мақсадларини аниқлаштиришининг умумий усули уларни аниқ натижаларга эришишдаги ҳаракатларини англатувчи феълларда ифодалашдир. Масалан, «Об-ҳаво харитасида қўлланиладиган белгилардан фойдаланиш» мавзуси мақсадни, унга эришганлик натижасини англатадиган қуйидаги белгиларга ёйиш мумкин. Талаба: а) об-ҳаво харитасида қўлланиладиган белгиларни эслайди; б) бу белгиларни харитада кўрсатади; в) белгилардан фойдаланиб, харитани ўқийди; г) белгилардан фойдаланиб харита тузади; д) харитадаги белгилардан фойдаланган ҳолда об-ҳаво маълумотини тузади. Н. Гронлунд келтирган бу мисолдан кўриниб турибдики, бир томондан умумий мақсадларни содда, қуйи билиш даражаларидан иборат деб қараш ҳам мумкин (а ва б об-ҳаво харитасида қўлланиладиган белгиларни таниш ва кўрсатиш), иккинчи томондан эса турли билиш даражаларига мос келадиган ўқув мақсадларининг батафсил рўйхати шаклида ҳам ифодалаш мумкин. Ўқитиш натижаларининг бундай рўйхатини тузиш, ўқитувчига ўқув жарвёнини юқори дидактик мақсадларга йўналтирган ҳолда онгли ва узвий равишда ташкил этиш имкониятини беради. Бунинг анчагина мураккаб бўлган қуйидаги мақсадни ифодалашда кўриш мумкин.

«Талаба матнни ўқишда танқидий фикрлаш малакасини қўллайди» шаклидаги умумий мақсадни қуйидагича аниқлаштириш мумкин. Талаба: а) мавжуд маълумотлар ва хулосаларни бир-биридан фарқлайди; б) далиллар ва тахминларни бир-биридан фарқлайди; в) сабаб-оқибат алоқаларни ажратиб кўрсатади; г) мулоҳазалардаги хатоликларни аниқлайди; д) ҳодиса моҳиятига боғлиқ бўлмаган айрим муҳим фикрларни ажратади; е) асосланган ва асосланмай берилган баҳолар чегарасини аниқлайди; ё) матн бўйича асосланган хулоса ёзади; ж) хулосаларнинг ҳаққонийлигини асослайдиган белгиларни кўрсатади.

Ўқув мақсадларини аниқлаштиришга оид бу мисол уни айнан шундай ҳаракатлар тилига айлантиришда ҳар доим ҳам қўллаш мумкин, деган хулосани бермайди. Ҳар бир ўқитувчи ўзининг шахсий тажрибаси ва фикрлаш маданиятидан келиб чиққан ҳолда санаб ўтилган ҳаракатни англатувчи белгилардан мосини танлаши мумкин.

Умумий ўқув мақсадларини ифодаловчи феълларнинг намунавий рўйхати: таҳлил қилиш, ҳисоблаш, фикрни айтиш, намоён қилиш, билиш, интерпретация қилиш, баҳолаш, тунғуниш, ўзгартириш (бир шаклдан иккинчи шаклга), фойдаланиш, яратиш ва ҳ.к.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадларининг бир неча турлари бўйича феъллар рўйхатини келтирамиз.

Ижодий турдаги ўқув мақсадлари учун қўлланиладиган (изланувчи ҳаракатни англатадиган) феъллар: бир шаклни турли кўринишларда такрорлаш, шаклларни ўзгартириш, тақомиллаштириш, қайта гуруҳлаш, қайта кўриш, олдиндан айтиб бериш, савол қўйиш, қайта ташкил этиш, синтез қилиш, тизимлаштириш, соддалаштириш.

Озгачи ва ёзма путқ (нуққа онд ҳаракатлар) соҳасини англатувчи феъллар: мулоқотга киришиш, фикрни ифодалаш, розилик (норозилик) билдириш, мақтов (маъқуллаш)ни ифодалаш, ҳамкорлик қилиш, табассум қилиш, илтифат этиш. Феълларнинг юқоридагига ўхшаш рўйхати бошқа соҳалар (умумий мантикий операциялар, умумий ўқув ҳаракатлари, математика, физика, табиғишунослик, мусиқа, иш-ҳаракатлар бўйича ҳам ўқув мақсадларини аниқлаштириш учун тузилиши мумкин.

Биз юқорида умумтаълим мақсадларидан ўқув (фан, курс) мақсадларига ва улардан аниқлаштирилган мақсадларга ўтиш йўлини ифодалдик. Баъзи ҳолларда ўқув мақсадларини янада аниқлаштиришга эҳтиёж сезилмай қолиши, ёки у ниҳоят даражада мураккаб бўлиб, ўта соддалаштириш унинг маъносини бузилишига олиб келиши мумкин. Агар мақсадларни бундай қўшимча аниқлаштириш зарур бўлса, аниқлаштиришнинг учинчи босқичи - деталлаштириш (қисмларга ажратиш) ни ҳам қўллаш мумкин. Мисол тариқасида «Ёзма матн аҳамиятини тушуниш» бўйича ўқув мақсадининг уч босқичли аниқлаштиришни кўриб чиқамиз:

#### 1. Ёзма матн аҳамиятини тушуниш.

##### 1.1. Парчадаги яққол кўришиб турган маълумотларни белгиланг:

- аниқ деталлар (номлар, саналар, воқеалар)нинг тагига чизинг;
- парча мазмунини тўлароқ билдирадиган фикрларни ажратинг;
- парчанинг асосий маъносини тасдиқловчи далилларни сананг.

##### 1.2. Парчанинг асосий маъносини ажратинг:

- асосий маънони англатувчи гапнинг тагига чизинг;
- парча учун сарлавҳа ўйлаб топинг.

##### 1.3. Парча маъносини яқунланг:

- парча конспектини ёзинг.

##### 1.4. Парча мазмунидан унда яққол очилмаган ғоя ва муносабатларни ажратинг:

- парча мазмунида айтилмаган, лекин айтилиши назарда тутилган фикрларни айтинг;
- парчада белгиланган ҳаракат ва воқеаларни, уларнинг кўпроқ учрайдиган кетма-кетлиги бўйича сананг;
- парчада ифодаланган ҳаракат ва воқеаларнинг эҳтимоллиги кўпроқ учрайдиган натижаларини тاپлаб, ифодаланг;
- парчада келтирилган ғоя, ҳодиса ва нарсаларнинг ўзаро боғловчи ва умумлаштирувчисини тушунтиринг.

Баъзи ҳолларда белгиланган ўқув мақсадларига эришиш учун фаолиятнинг ўзинини аниқ тасаввур этиш етарли бўлмаслиги мумкин. Ваҳоланки, ўқув вақти танқислиги (яъни ташқи шароит) натижасида ҳам ўқитувчи бел-

гиланган натижага эриша олмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда айрим дидакт олимлар таклиф этган таъхисланувчан ўқув мақсадларининг қуйидаги тўрт компонентли таркибидан фойдаланиш лозим: а) ташқи шароитлар тавсифи; б) фаолият (ёки кузатиладиган ҳаракатлар) кутилидиган натижа; в) уларни эгалонга хос белгилари (мезонлари); г) баҳолаш (ўлчаш) услублари. Булар талаба эришини зарур бўлган эталон сифатида намоён бўлади.

Математика фанидан мисол келтирайлик. Умумий ўқув мақсадларидан бири - геометрик масалаларни ечишда ижодий ва тизимий ёндашишни уйғунлаштиришдан иборат бўлсин. Эталон-мақсад қуйидагилардан иборат бўлади:

**Шароит:** а) талаба учун янги турдаги геометрик масалани яхшилаб шакллантириш (тузиш); б) масалани ечиш учун зарур бўлган теоремани олдиндан ўзлаштириш.

**Кутилидиган натижа:** а) масала ечишга оид бир неча тенг кучли (альтернатив) усулларни илгари суриш; б) қўлланиладиган теоремага энг мос келадиган «чиройли» усулни танлаш.

**Баҳолаш мезони ва усули:** а) миқдори жиҳатдан бир соат давомида камида икки хил ечиш усулини эгаллаш, сифат мезони - 80 фоиз тўғри ечиш, 60 фоиз ўртачадан кўра юқорироқ энг «ажойиб» ечимлар (малакали эксперт-ўқитувчи мулоҳазаси бўйича).

Энди тарих фанидан мисол келтирайлик. Умумий мақсадлардан бири тарихни замонавий воқеалар билан боғлаб ўрганиш ва ўзининг манфаатдорлигини англаш. Эталон-мақсад қуйидагича ифодаланади:

**Шароит:** а) ҳозирги замон сиёсий ва иқтисодий воқеаларни билиш; б) тегишли тарихий воқеаларни олдиндан ўрганиш.

**Кутилидиган натижа:** а) тарихий ва замонавий ўхшашлиги ва фарқ қилувчи томонларини кўрсатиш; б) замонавий воқеалар оқибатини тахминини олдиндан тушунтириш ва олдиндан айтиб беришни илгари суриш; в) буларни тарихий воқеалардан фойдаланган ҳолда асослаш.

**Баҳолаш мезони ва усули:** - 60 фоиз жавобни ҳақиқатга ёки ўқитувчи фикрига мос келиши, қолган (40 фоиз) ҳолларда эса ўқитувчи фикрига бинноан ўртача баҳоланади.

Мақсадларни ҳамкорликда, ўқитувчи, услубчи ва фан бўйича мутахассисдан иборат экспертлар гуруҳи ёрдамида ишлаб чиқишга ҳам мурожаат қилиш мумкин. Лекин мақсадларни бу усулда аниқлашда ҳар бир мақсад қўй тортишувлар натижасида шаклланади ва бу анчагина вақтни талаб қилади. Ҳар бир экспертнинг индивидуал фикрларини умумлаштириш ҳам анчагина куч ва вақт сарфига сабаб бўлади. Бу ўринда, мақсадларга аниқлик киритишнинг педагог олимлар Р. Мейджер (АҚШ) ва А. Ромишовски (Буюк Британия) ғолларига асосланган тартиб фойдали бўлиши мумкин. Бу ғоя Америка ва Англия услубчи ўқитувчиларининг иш тажрибаларини ҳам акс эттиради.

Биз қуйида ана шу схеманинг М.В.Кларин томонидан бир оз такомиллаштирилган вариантини тавсия этамиз. Бунда Р. Мейджер ва А. Ромишовскилар фойдаланган ўлчанадиган ҳуққ (кузатиладиган ҳаракат, ҳуққ-итвор тури) ибораси ўрнига, унга нисбатан кенгрок маънога эга бўлган «идентификацияланувчи мақсад» ибораси ишлатилган (3-схема).


Шундай қилиб, ўқув жараёнини педагогик технология бўйича лойиҳалашда аниқлаштирилган, илмий борица идентификацияланувчи ўқув мақсадларни белгилаш жуда муҳимдир. Бунда уларнинг ҳар бир мавзу, бўлим ёки, умуман, фан бўйича сони қанча бўлишига алоҳида эътибор бериш керак.

АҚШ ва Буюк Британияда ҳар бир машғулотда ўқитувчи ва талаба учун алоҳида ўқув мақсадлари белгиланади. Бу жуда муҳимдир, чунки педагогик жараён икки томонлама характерга эга бўлиб, у ўқитиш ва ўқишдан иборат. Ўқув жараёни иштирокчиларининг ҳар бири учун алоҳида мақсадлар белгиланиши маънавий тўғри бўлади. Бунда ўқитувчи фаолиятига (ўргатиш, тушунтириш, намойиш қилиш, оғзаки баён қилиш), ўқитувчи мақсадлари ва талаба хатти-ҳаракати орқали ифодаланган ўқитиш натижаси эса топшириқ деб юритилади.

Яъни бу ҳолда талаба дарсдан олдин хабардор бўлмаган ва дарс охирида эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар топшириқ деб аталади. Ўқитишнинг мавжуд усулида айнан шунга эътибор берилмайди, яъни дарс жараёни бир томонлама (ўқитувчи ўзи учун) режалаштирилади

Ўқув топшириқлари ташхисланувчи, ўқув жараёни эса такрорланувчан тавсифга эга бўлиши учун ҳар бир мақсад, унга эришилганликни аниқ ва қатъий бир маънода ўлчаш мумкин бўладиган даражада белгиланиши зарур.

Ўқув мақсадларининг ташхисланувчи эканлиги талабаларда шаклланаётган маълум сифат ёки хусусиятларни ўлчаш ва баҳолаш мумкинлиги билан белгиланади. Бунинг учун ўқув мақсадлари аниқ ва равшан шаклда ифодаланиши, уларни ўлчаш усуллари ва баҳолаш мезонининг мавжуд бўлиши зарур.



3-схема. Идентификацияланувчи мақсадларни ўқитувчилар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилиши.

Республикамызда таълим стандартларига амал қилаётган ҳозирги даврда барча ўқитувчилар бу стандарт талабларига мос бўлган ягона ўқув натижаларига эришишлари, яъни ўқув жараёни ҳам ишлаб чиқариш жараёни каби такрорланувчан характерга эга бўлиши зарур. Бунинг учун энг аввало, ўқув мақсадларини аниқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Педагогик технология тарафдорлари ҳар бир машғулотнинг мақсадлари, ундаги янги ўқув бирликларининг сонига мос бўлиши ва уларни талабаларнинг ташқаридан кузатиладиган ҳатти-ҳаракатлари орқали ифодалашни таклиф қиладилар. Бундай ўқув бирликлар сони ҳар бир машғулотда 6-7 та бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади, чунки бундан ортиқ янги ахборотларни талабалар тўла идрок қила олмайсизлари ва хотирада сақлаб қола олмайсизлари аниқланган. Масалан, касб-ҳунар коллежлари ўқув режасидаги «Қурилиш машиналари ва кичик

механизмлар» фанининг «Машина деталлари тўғрисида умумий маълумотлар» мавзуси бўйича машғулотнинг аниқлаштирилган ўқув мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин.

Талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

*Когнитив (билишга оид) соҳада:*

- «машина» тушунчаси таърифини билади;
- машинани ташкил этувчи асосий қисмларни санаб кўрсатади;
- машина қисмлари қандай металллардан тайёрланганлигини фарқлайди;
- металлларнинг хоссаларини тушунтиради;
- машинасозликда стандартнинг аҳамиятини тушунтиради;
- машиналарнинг қурилишдаги аҳамиятини баҳолай олади.

*Психомотор (ҳаракатга оид) соҳада:*

- кичик механизмларни қисмларга ажратиш ва йиғишни удалайди.

*Аффектив (ҳиссийга оид) соҳада:*

- машина ва кичик механизмларни қурилишдаги аҳамиятини ҳис этади;
- қурилишда машина ва кичик механизмлардан самарали ва мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш зарурлигини англайди.

Ўқув мақсадлари бундай кўринишда аниқланганда, биринчидан, уларга эришилганликни аниқ ўлчаш имкониятига эга бўлинади, иккинчидан, тест ёки бошқа шаклдаги назорат топшириқлари бу мақсадларга мувофиқ ҳолда тузилганда ўқув материалининг асосий мазмунини тўла қамраб олишга эришилади, учинчидан эса, айнан бир машғулот ўқув мақсадларининг бир хил ва аниқ бўлиши муайян фандан дарс берувчи барча ўқитувчиларнинг бир хил (яъни таълим стандартидаги) якуний ўқув натижаларига эришишларини кафолатлайди. Бу бўлажак ўқув жараёнининг лойиҳалашда ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Яъни ўқитиш натижаларига қараб, ўқув мақсадлари (назорат топшириқлари) мазмунига ҳамда ўқув жараёни дидактик конструкциялари мазмунига тузатишлар киритиб борилади. Бу эса ўқув жараёнини доимо ривожланиб ва такомиллашиб боровчи педагогик тизим эканлигини таъминлайди. Педагогик технологияда аниқлаштирилган ўқув мақсадларининг талабаларни ташқаридан кузатиладиган хатти-ҳаракатини англатувчи феълларда ифодаланиш қабул қилинганлигини юқорида таъкидлаб ўтилган эди.

Ўқув мақсадларини аниқлаштиришга жуда кўп вақт сарфланади, лекин бу ўқитувчи фаолиятининг муҳим томонларини ўқув жараёнини режалаш, назорат қилиш ва баҳолашни қамраб олганлиги эса унинг аҳамиятини янада оширади. Шунингдек, ўқув мақсадларини аниқлаштиришнинг яна бир аҳамияти, уларни бевосита тест топшириқларига айлантириш мумкинлигидадир. Аниқ ўқув мақсадларини бевосита тест топшириқларига айлантиришга мисоллар 7-жадвалда келтирилган.

Ушбу қўлланмада ҳар бир мавзуга оид тест топшириқларининг тузилганлиги, ўқув мақсадларини тест топшириқларига айлантириш учун намуна бўлиши мумкин

Харакатли ифодаловчи феъллар	Аниқ ҳаракат турлари (кўринишлари)	Тест топшириқлар намунаси
Тадбиқ доирасини чегараланг	Объект ёки ҳодисаларнинг алоҳида қисмларини кўрсатиш, белгиланг, гуруҳларга ажратинг	«Қуйидагилардан қайси бири далил (Д), қайсилари эса фикр (Ф) эканлигини аниқланг».
Таърифланг	Аниқ қиймат ёки муҳим тавсифларни ифодалайдиган оғзаки ёки ёзма таърифни баён қилинг.	«Қуйидаги ибораларнинг ҳар бирига таъриф беринг».
Ёзма равишда ифодаланг	Асосий белгилар, хусусиятлар ва ўзаро мақсадларни характерловчи оғзаки, таърифни ёзма шаклда баён қилинг.	«Ҳаво намлигини ўлчаш йўллари баён қилинг».
Конструкцияланг	Акс эттириш, яшаш, йиғиш, тайёрлаш.	«Берилган катталарни акс эттирувчи диаграмма тузинг».

### Мустақил таълим учун топшириқлар

1. Биҳевиоризмга оид қўшимча маълумотни [4] адабиётдан ўқиб, конспекташтинг.

2. Мутахассислик бўйича касб-ҳунар коллежи ўқув режасидаги махсус (умумтехник) фан бўйича 10 та мавзу бўйича аниқлаштирилган ўқув мақсадларини тузинг.

3. Назорат тестларини ечиб, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражанигини аниқланг. Юқорироқ балл олмақчи бўлсангиз, мавзу матнига мурожаат қилинг.

### Назорат учун тест топшириқлари

1. Биҳевиоризм инсон психикасини ўрганиш фақат унинг ташқаридан кузатиш имконияти бўлган а) \_\_\_\_\_ ва б) \_\_\_\_\_ ни таҳлил қилишдан иборат деб тасаввур қилади.

II. Биҳевиористик ўқитиш схемасини кўрсатинг.

A.  $S \rightarrow P \rightarrow R$

B.  $S \rightarrow R \rightarrow P$

Г.  $R \rightarrow S \rightarrow P$

Д.  $P \rightarrow R \rightarrow S$



III. Биҳевиористик усулда ўқитишни талабаларга касб ўргатиш жараёнида қўллаш мумкинми?

- A) Ҳа.
- B) Йўқ.
- B) Билмайман.

IV. Этаюн - мақсаднинг таркибий қисмлари: а) шароит; б) \_\_\_\_\_; в) баҳолаш мезони.

V. Ўқув мақсадларини аниқлаштиришда \_\_\_\_\_ фойдаланилади.

VI. Агар ўқув мақсадларини ўта аниқлаштириш имконияти бўлмаса, \_\_\_\_\_ тоифаларидан фойдаланилади.

VII. «Об-ҳаво харитасида қўлланиладиган белгиларидан фойдаланиш» мавзуси бўйича ўқув мақсадларини аниқлаштириш кетма-кетлигини топишг.

- A. Об-ҳаво харитасида қўлланиладиган белгиларни эслайди;
- B. Белгиларни харитада кўрсатади.
- B. Харитадаги белгилардан фойдаланиб, об-ҳаво маълумотини тузади.
- Г. Белгилардан фойдаланиб харитани ўқийди.
- Д. Белгилардан фойдаланиб, об-ҳаво харитасини тузади.

VIII. Ўқув мақсадларини қимлар тузиши мақсадга \_\_\_\_\_ мувофиқ?

- A) директор, директор ўринбосари, ўқитувчи.
- B) ўқитувчи, услубчи, фан бўйича мутахассис.
- B) ўқитувчи, бош уста, устalar.

IX. Ўқув мақсадларини аниқлаштиришда «\_\_\_\_\_» усулидан фойдаланиши ижобий натижа беради.

X. Идентификацияланган ўқув мақсадлари бу:

- A) унга эришилганликни аниқ ўлчаш мумкин бўлган ўқув мақсадлари.
- B) талаба фаолияти билан ифодаланган ўқув мақсадлари.
- B) ўқитувчи фаолияти билан ифодаланган ўқув мақсадлари.
- Г) фан мавзуси бўйича белгиланган ўқув мақсадлари.

XI. Ўқув мақсадларини тест топириқларига айлантириш кетма-кетлигини кўрсатишг.

- A) аниқ ҳаракат турларини танлаш.
- B) ҳаракатни ифодаловчи феълни танлаш.
- B) тест топириқларини тузиш.
- Г) ўқув мақсадларини аниқлаштиришг.

Тўғри жавоблар

Тошми-риқлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI
Жавоблар	A) хатти-характерин B) нуқтини	Б	А	Қутилидан на-тижа	фасъларда	ташқи тахассустин сининг юқори	Г-А, 2-Б, 3-Г, 4-Д, 5-В	Б	«мия хужуми»	А, Г	1-Б, 2-А, 3-В

Фойдаланилган адабиётлар

а) асосий адабиётлар

1. Беспалько В.П., Татур Ю.Г. Системно-услужбическое обеспечение учебно-воспитательного процесса подготовки специалистов. -М.: "Высш. шк.", 1989. -144 с.
2. Кларин М. В. Педагогическая технология в учебном процессе.- М: "Знание", 1989. - 80 с.
3. Фарберман Б. Л. Прогрессивные педагогические технологии. -Т.: ИПВССШ. 1999. - 84 с.

б) қўшимча адабиётлар.

4. Фозиев Э. Тафаккур психологияси. Т.: "Ўқитувчи", 1990- 184 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юрғлари учун талабаларни тест усулида қабул қилиш тўғрисида»ги Қарори Ўзбекистонда МДХ давлатлари ичда биринчи бўлиб тестиуносликдан фойдаланишга кенг йўл очиб берди. Жаҳон педагогикаси ва психологиясида мустақкам ўрин олган тест усули мамлакатимиз таълим тизимида жадаллик билан тadbиқ қилинмоқда. Республика Давлат Тест марказининг фаолият кўрсатаётганлиги мамлакатимизда тестиуносликнинг давлат аҳамиятига эга бўлган масала даражасига кўтарилаётганлигининг яққол далилидир.

Педагогик тестлар АҚШ, Нидерландия, Англия, Туркия, Жанубий Корея, Япония ва бошқа кўпгина мамлакатларда кенг ривож топди. Ушбу рўйхатта асосан турмуш даражаси юқори бўлган мамлакатлар кирганлиги тасодиқ эмас. Бунда куйидаги занжирли боғланиш мавжуд: тестларни қўллаш таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади; таълим сифати эса бошқарув сифати билан боғлиқ; оқилона бошқарув эса аҳоли турмуш даражасини ошириш учун замин яратди.

Тестиунослик батафсил баён этилиши зарур бўлган алоҳида соҳа эканлиги ва шу билан бирга тест топшириқлари педагогик технология бўйича лойиҳаланган ташхисланувчи ўқув жараёнини амалга оширишнинг муҳим воситаси эканлигини ҳам эътиборга олиб, бу бўлимда тестиунослик тарихи (Ж. Фишер, Ф. Гамелтон, Ч. Грим, Ч. Рассел), тест усулининг афзалликлари, тест шакллари ва уларни тузишга оид дидактик талаблар ҳақида ихчам маълумот берилди.

## 1. Тест шакллари ва улардан фойдаланиш.

Тестнинг ривожланиш тарихи ва унинг ижобий томонлари

Тест (ингл. - синов) биринчи марта 1864 йилда Буюк Британияда Ж. Фишер томонидан талабаларнинг билим даражасини текшириш учун қўлланилган. Тест синовларининг назарий асосларини кейинчалик инглиз психологи Ф. Гамелтон ишлаб чиқди.

Тест синовлари дастлаб психология фани доирасида ривожланди. XX аср бошида эса тест синовларини ишлаб чиқишда психологик ва педагогик йўналишлар бир-биридан мустақил ажрала бошлади. Педагогик тест синовлари биринчи марта америкалик психолог Э. Торндайк томонидан яратилган. Психология ва педагогикада тест синовларининг ривожланиши математик услублар ҳам қўллашни тақозо қилди. Бундай услублар ўз навбатида тестларни ишлаб чиқишга ижобий таъсир кўрсатди. XIX аср охири XX аср бошларида тест синовларига талабаларнинг ўқув қобилиятларини баҳолаш воситаси сифатида қараш анча кучайди. Айнан шу даврдан бошлаб тест синовлари икки асосий йўналиш: аклий (интеллектуал) ривожланиш даражасини аниқлаш тестларини яратиш ва қўллаш ҳамда талабаларнинг ўқиш қобилиятларини ва билимларини баҳолашга мўъалланган педагогик тестларни яратиш ва улардан фойдаланиш соҳалари ривожлана бошлади. Тест тузувчилар турли одамларда таъсирга жавоб бериш вақти бир хил эмаслигини

аниқладилар, бу эса одамларнинг ақлий қобилиятларини ўрганиш зарурлиги ва турли даражадаги тестлар яратиш усули бўйича амалий ишлар олиб бориш лозимлигига олиб келади.

Тест синовларининг асосий мақсади: ҳам ўтилган дарсларни ўзлаштириш даражаси тўғрисида, ҳам навбатда ўрганилиши лозим бўлган дарс ҳажми тўғрисида ўқитувчига ахборот бериш; ўқитувчига ўқитиш услубини танлашда ёрдам беришдан иборат деб ҳисобланган.

Талабалар билимларини баҳолашнинг турли усулларини таҳлил этиб, тестларни гуруҳларга ажратишга ҳам уриниб кўрилган. Ч.Грин (1926) ўзининг «Тест нового типа» (Янги турдаги тест) номли монографиясида илгари яратилган ва ишлатиб кўрилган тестларнинг афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилиб қуйидаги тавсияларни берди [6]:

- тест синовлари учун мўлжалланган материал ҳажмини аниқ белгилаш ва унинг таркибидаги энг муҳим қисмларини ажратиб олиш;
- мазкур материал учун тест синовларининг энг мақбул шаклини тажриба йўли билан аниқлаш;
- талабаларнинг тест синовлари вақтида жавоб беришлари ўртача тезлиги тўғрисидаги амалий маълумотларни эътиборга олган ҳолда, тест синовларининг давом этиш вақтини белгилаш;
- тест синовлардаги фикрларни баён қилишнинг тилининг тўғри-лигини ва мантқиққа мувофиқлигини текшириш;
- тошпириқларни мураккаблиги ортиб бориш тартибида жойлаштириш, тўғри ва нотўғри жавобларнинг доим бир навбатда алмашилишига йўл қўймаслик.

Ч.Рассел тест синовларининг натижаларини ўрганишни давом эттириб, тест синовларининг мақсади тўғрисидаги саволга жавоб беришга эришди. Расселнинг фикрича, тест синовларининг мақсади талабаларнинг билимларини баҳолаш ёки уларнинг ақлий ривожланиши даражасини аниқлаш билан чекланмайди ва тестларни қуйидаги ҳолларда: қайси материалдан бошлаб ўрганиш зарурлигини таъминлашда; талабаларни гуруҳларга тақсимлашда; ўқитиш жараёнида содир бўладиган қийинчиликларни олдиндан аниқлашда; шунингдек, мамлакатнинг турли ҳудудларидаги ўқув юртиларида муайян ёш давридаги ёшдаги талабаларнинг ютуқларини таққослашда қўллаш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, Америка мактаб директорлари Ассоциациясининг тест синови ўтказмасдан таълим бериш мантқиқсизликдир, фақат тестни қўллаш натижасидаги нозоратдан таълимга йўналтирилган қайтувчан алоқа ҳақида фикр юритиш ва сўшра қандай йўналишда ҳаракат қилишни билдириш мумкин, деган фикрлар маълумдир. Франция парламенти 1989 йилда таълимни ривожлаштиришнинг асосий йўналишлари ҳақида қонун қабул қилди. Унда хусусан, талабалар билимини холисона баҳолаш усули бўйича ўқитувчилар мажбурий суратда тайёргарликдан ўтишлари кўзда тутилди: Бундан 1992 йилдан бошлаб Францияда ўқитувчилик қилишга рўхсат этилмайди. Шунини қизиқки, Франция тўқсон йиллик тест аяғалаларига эга бўлган давлатдир.

Ўтган асрнинг 70 йиллари охирида Питтербургдаги Карнеги-Мелон университетининг бир гуруҳ социал-психологлари АҚШда тест ўтказишнинг замонавий аҳволини ўрганишга бағишланган махсус тадқиқот олиб бордилар.

Аслида, тадқиқотчиларнинг мақсади ўқув юртларидаги тестларни кенг миқёсда қўллаш сабабларини аниқлаш эди. Бу тадқиқот натижасида қуйидагилар аниқланди: тест синови Америка ҳаётида чўқур илдиз отган, ҳеч ким Америка мактабларида турли хилдаги стандартлаштирилган тест бўйича синовдан ўтмасдан, бошқача йўл билан билим олишни давом эттира олмайди, ишга жойлашиш, кейинчалик эса юқори лавозимга кўтарилиш ёки малака ошириш тест билан чамбарчас боғланиб кетганлиги алоҳида қайд қилинди. Тадқиқотда америкаликларни тестларга бу қадар мойилликларининг учта сабаблари келтирилди:

а) инсон омилданп имкон борича самарали тарзда хизмат манфаатлари нўқтан назаридан фойдаланиш;

б) ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар истеъдодларни тақдирлашга интилиш;

в) америкаликларни миллий таълим стандартларни жорий этиш учун интилишлари.

Инсон эришган ютуқларни ҳолисона баҳолаш учун тестлаштиришдан оммавий суратда фойдаланиш, иқтисодий ривожланган мамлакатларда тест сановати ва тестлар бозорини вужудга келтирди.

*АҚШда тўрт юздан ортиқ марказ ўзаро рақобат остида турли-туман тестларни ишлаб чиқмоқдалар. Шунингдек, тестларни тузиш ва уларни қўллаш бўйича яхши мутахассисликлар юқори даражада кадр топганлар. 1992 йилда улар АҚШдаги энг нуфузли 20 та фаолият йўналишлари рўйхатида 8-ўринни эгаллаганлар. Ута кадрланадиган тизимлар бўйича таҳлил, маркетинг, соғлиқни сақлаш, экология, озик-овқат маҳсулотларини тақсимлаш ва компютер технологияси ихтисосликлари эса, тегишли тарзда 15-20-ўринларга жойлаштирилган.*

Собиқ Иттифоқ даврида тестларга асосланган фан педагогика деб юритилди ва тестлардан фойдаланишнинг дастлабки даврида жиддий хатоликларга ҳамда бузилишларга йўл қўйилди. 1936 йилдаги ВКП(б) МКнинг «Халқ маориф комиссарлиги тизимидаги педагогик бузилишлар тўғрисида»ги қарорида тестлар «буржуа» педагогикасига хос деб ҳисобланди. Бу қарор фани мафкуравийлаштиришга ва уни мажбуран сиёсийлаштиришга қаратилган бўлиб, унда жаҳон психологияси ва педагогикаси тажрибасидан фойдаланиш инкор қилинган эди. Бу қарорга биноан, 1936 йилдан тести-нослик бўйича илмий тадқиқотлар давлат миқёсида тўхтатилди. Педагогик-нинг «идеалистик ва механистик» кўрсатмалари, уларни «илмий асосланмаган» «тест»ларга берилиб кетганлиги қораланди. Педагогикани сохта фан сифатида қоралаш жараёнида совет педагоглари ва психологларининг талабалар билим-қўникмаларини баҳолашга қаратилган ижобий ютуқлари ҳам инкор этилди. Шунинг учун тест синовлари муаммоси педагогика ва психологияга оид адабиётларда узок вақт акс этирилмади. Юқорида таъкидлаганидек, мустақил Ўзбекистонда МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб, 1993 йилдан тести-носликдан фойдаланишга кенг йўл очиб берилди. Педагогик тестлар кенг миқёсда, дастлаб ўрта маълумот якунида, олий ўқув юртига кирувчиларни қабул қилишда қўлланила бошланди. Педагогик тестларнинг замонавий назарияси педагогика, психология, мангик, ўлчовлар назарияси, математик статистика, математика, ахборот назарияси: кибернетика ва бир қатор фанларнинг

тутан чегараларида ривожланмоқда. Шунингдек, тестлар илмий асосланган, энг ишончли педагогик ўлчовлар қуроли сифатида этироф этилмоқда. Педагогик тестлар инсоният тафаккури эришган муваффақиятлардан бири бўлиб, таълим жараёнининг самарадорлигини оширади. Шунинг учун ҳам келажак авлод психологик, педагогик ва касбий тестлар метёр бўлиб қолган даврда яшаб, фаолият кўрсатадилар.

Педагогик тестлар билимларга баҳо беришнинг истиқболли усули ҳисобланади. Унинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- тест топшириқлари ўқув фанининг асосий мазмунини қамраб олади (имтиҳон билети ўзида назорат қилинадиган ўқув материалининг 4-5 фоизи-ни қамрайди холос);
- ҳамма талабалар тестнинг бир хил саволларига жавоб берадилар, бу уларнинг билимларини таққослашга имкон беради;
- талабалар билимига ҳаққоний баҳо бериш мезони ошади;
- тест назоратида олдиндан яратилган, ҳамма учун бир хил бўлган шкала ёрдамида, талабалар билимига бир мунча аниқ ва табақалашган баҳо қўйишга имкон беради (рейтинг);
- ўқитувчи талабалар билимини назорат қилишга кам вақт сарфлайди;
- бошланғич даражасини ва ҳар қандай вақт оралиғида билимларни ошириш имкониятини ўлчашга шароит яратилади;
- тест назорати компьютерлаштиришга (автоматлаштиришга) қулай. Бу педагогик тестлашнинг асосий афзалликларидан биридир. Ўқув жараёнининг такрорланувчанлиги ҳам айнан шунда ўз ифодасини топади.

Умуман олганда, тест усули бирмунча технологик ҳисобланади. У билимларни ўзлаштириш сифатини назорат қилишда профессор-ўқитувчилар меҳнат унумдорлигини оширади ва ўқув дастурини чуқур ва ҳар томонлама ўзлаштирилишини таъминлайди. Педагогик тестлашнинг бу афзалликлари АҚШда муносиб баҳоланган. Абитуриент (талабгор)ларни университет ва коллежларга тест синови билан қабул қилинади. Педагогик тестларни кенг қўллаш бўйича АҚШ тажрибаси Канада, Япония, Туркия ва бошқа кўпгина мамлакатларга ёйилган.

*Сифатли тест топшириқларини тузишнинг қийинлиги, тестни кенг жорий этишни мураккаблаштиради. Бу иш юқори педагогик малака ва тажриба талаб этади. Шунинг учун ҳам, АҚШда тестнинг юқори сифатини таъминлаш учун педагогик тестлашнинг махсус хизмати (ПТХ) ташкил қилинган [2; 3.] Бу ташкилот тест ўтказиш амалиётини умумлаштириш ва оммалаштириш, стандартлаштирилган тестлар яратиш, тест ўтказишнинг ягона қоидалари ва тест ишлаб чиқиш усулларини такомиллаштириш масалалари билан шўғулланади. Педагогик тестлаш хизмати (ПТХ) Принстон университетиде жойлашган, унда 2300 нафар киши, шу жумладан, 250 нафар фалсафа, педагогика, психология, социология, статистик ва психологик услублар, касб танлаш бўйича фан докторлари, шунингдек, турли фанлар бўйича фан докторлари, 200 нафар магистр, ҳар хил фанлар бўйича ўқитувчилар хизмат қилади. Тестлар ЭҲМда ишланади ва синалади. Мамлакатда педагогик тестлаш хизматиға бўйсунадиган 5000 тест шахобчалари мавжуд. Тест ўтказиш учун Принстон маркази 53 ишончли шахсларға (одатда тест ўтказиладиган*

Ўқув юрглари педагогларига) тест материаллари ва тест ўтказиш бўйича йўлланмалар юборади.

Бу мисолдан маътумки, тестлашни самарали ўтказиш педагогик тестларнинг махсус ривожланган хизмати, кенг кулоч ёйилган тармоқ пунктлари, тестлар бўйича назария ва амалиётни ўзида акс эттирадиган катта ҳажмдаги адабиётлар мавжудлигига боғлиқ.

**Тест турлари ва тест топшириқлари шакллари**

Агар тестларни туркумлашда уларнинг қўллаш мақсади ва вазифаларига асосланадиган бўлса, психологик тестлардан бошқа барча тестларни қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- интеллектуал ривожланиш даражасини аниқловчи тестлар;
- педагогик тестлар;
- муайян касбга яроқлиликни аниқловчи тестлар;

Фаннинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда биз фақат педагогик тест ҳақида тўхталамиз. Адабиётларда бундай тест топшириқларининг қуйидаги шакллари баён этилади [2; 3]:

- бирдан-бир тўғри жавоби бўлган ёпиқ топшириқлар;
- бир неча тўғри жавоблари назарда тутилган ёпиқ топшириқлар;
- битта сўз (ёки сўзлар) тушириб қолдирилган гапдан ташкилтопган очиқ топшириқлар;
- тўғри кетма-кетликни аниқлаш учун топшириқлар;
- ўзаро боғлиқликни (мувофиқликни) аниқловчи топшириқлар;
- айрим фанлар бўйича билимларнинг чуқурлигини аниқлаш бўйича топшириқлари;
- сонни тўлдиришга мўлжалланган топшириқлар, бунда сонлар сериясини топиш усулини аниқлаш ва уни муайян тартибда белгилаш талаб қилинади;
- қарама-қарши муносабатларни аниқлаш тестлари;
- масалалар ечишга қаратилган (математик, физик ва б.) топшириқлар;
- чизмалар ва схемаларни тушунишга қаратилган топшириқлар;
- шакллар нисбатини аниқлашга қаратилган топшириқлар;
- олинган ахборотни ўзлаштириш даражасини аниқлаш топшириқлари;
- синонимлар ва антонимларни фарқлашга оид топшириқлар;
- аналогия (айнан ўхшашлик)га оид топшириқлар;
- ўқилган матнни тушунишга оид топшириқлар;
- кўрсатмаларни бажаришга оид топшириқлар;
- билимдонликни аниқлашга доир топшириқлар;
- тафаккурни аниқловчи тестлар;
- орфографик тестлар;
- тил масалаларига доир топшириқлар ва бошқалар.

Мутахассислик (умумтехник) фанлардан тест топшириқлари тузишда ёпиқ (бир ёки бир неча тўғри жавобли), очиқ, мувофиқликни ва тўғри кетма-кетликни аниқлашга оид тест топшириқларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда бир ўқув мақсадига эришганликни турли тест топшириқлари ёрдамида аниқлаш (инвариант) тестлар тузиш ҳам мақсадга мувофиқдир [2].

Очиқ топшириқлар. Агар тест топшириғи мяғнида, унинг таянч сўзлари ёки гап тушириб қолдирилган бўлса, бундай топшириқ очиқ (туғалланмаган) тест деб аталади.

Бу шаклдаги тестларда талабаларнинг битта, иккита сўздан иборат қисқа ва аниқ жавоб беришлари тахмин қилинади. Бу ҳақда тестга илова қилинган йўлланмада баён этиш керак. Бланканинг бўш жойида жавоб учун зарур бўлган жой қолдирилади. Масалан, «Тест тушунчаси» \_\_\_\_\_ йилда \_\_\_\_\_ томонидан биринчи марта ишлатилган.

Ёпиқ топшириқлар. Бундай топшириқ саволдан ва бир неча жавоблардан иборат бўлади, бу жавоблардан бири тўғри, қолганлари тўғрига ўхшаш, бироқ нотўғри бўлади. Таклиф қилинадиган жавоблар сони иккитадан бештагача ва бундан кўпроқ бўлиши мумкин. Синовдан ўтувчининг танлаган жавобига кўра, тест топшириғи тегишли иккита код: 1 ёки 0 билан кодланиб, сўнгра шу ҳолда ЭХМга киритилади.

1. Билимларни тест билан назорат қилиш адолатлилиги анъанавий шакллар билан таққосланганда:

А) ортади. Б) пасаяди.

2. Билимларни ҳар қандай вақт оралиғида ошишига баҳо бериш имконини берадиган назорат тури:

А) одатдаги

Б) тестли.

«Ҳа» ва «Йўқ» деган иккита жавобли ёпиқ тест топшириқлари устида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Баъзи бир топшириқлар уларнинг жавоблари икки хил маънони билдирадиган қилиб баён этилиши мумкин. Масалан: Сиз тестлар қўлланишини хуш кўрасизми? - Ҳа (хуш кўраман). Йўқ (хуш кўрмайман). Бундай ҳолларда жавоблар учун «тўғри» ва «нотўғри» сўзларни ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Масалан:

Ёпиқ тест топшириқлари билимларни компьютердан фойдаланиб назорат қилишга қулай.

А) Тўғри.

Б) Нотўғри.

Иккита жавоби бўлган ёпиқ шаклдаги топшириқлар қўлланишнинг асосий вазифаси - шу фандан синовдан ўтувчининг биринчи тест топшириқларидаёқ билим даражасини тезда текшириб кўришдан иборат. Автоматлаштирилган ўқитиш тизимларида (АЎТ) бундай топшириқлар бошланғич босқичнинг ўзидеёқ талабанинг умумий тайёргарлигини тахминий баҳолаш ва ўқитишнинг кейинги йўналишини - мураккаб ёки осонлаштирилган дастур бўйича олиб бориш масаласини ҳал қилишга имкон беради.

Тест топшириғида жавоблар қанча кўп бўлса, тўғри жавобни тасодифан топшиш эҳтимоли шунчалик кам бўлади. Амалиётда бешта жавоби бўлган топшириқларга эга бўлиш стардан ҳисобланади (бу ҳолда битта топшириқда тўғри жавоб бериш эҳтимоли 0,2 ни ташкил этади.) Жавоби бешта бўлган тест топшириқларига қўйидаги миқдорни келтириш мумкин.



«Тўртинчи ўлчов» деган физика-математика атамаси қайси тушунчага тааллуқли:

- А) Оғирликка.
- Б) Ҳажмга.
- В) Вақтга.
- Г) Тезликка
- Д) Тезланишга.

Тўғри жавоб: В.

Бу топшириқни латент, яъни яширин маъноли топшириқлар қаторига киритиш мумкин. Тўртинчи ўлчов - эҳтимоллик назариясида қўлланиладиган тушунчадир. Шунинг учун тўғри жавоб берган синондан ўтувчини бу назариянинг “хаммабон баёнидан хабардор” деб тахмин қилиш мумкин. Ёпиқ топшириқларда тўғри жавоблар бир нечта ёки, жавобларнинг ҳаммаси ҳам тўғри бўлиши мумкин.

Масалан: Педагогик инновацияни характерловчи белгиларини кўрсатинг.

- А. Педагогик тизимни такомиллаштиришга йўналтирилган барча ўзгаришлар.
- Б. Ўқув-тарбиявий жараён самарадорлигини ошириш учун киритилган янгилик.
- В. Педагогик тизимнинг айрим қисмларини юқори самара берувчи бошқа қисмлар билан алмаштириш.
- Г. Педагогик тизимнинг ички имкониятларини ишга солиш ва юқорироқ натижага эришиш.
- Д. Ҳамма жавоблар тўғри.

Тўғри жавоб: Д.

Ўзаро боғланган қисқа ёпиқ топшириқлар занжирчаси билимларнинг ҳар қандай мураккаб ўқув материални ўзлаштириш сифатини текширишга имкон беради. Ёпиқ тестларни ишлаб чиқишда нотўғри, бироқ тўғрига ўхшаб кўринган жавобларни таърифлаш асосий қийинчиликни ташкил қилади. Агар улар муваффақиятсиз тузилган бўлса, тўғри жавоб улар орасида ажралиб туради ва ҳатто яхши билмайдиган талаба ҳам уни осонликча топиши мумкин. Бу ҳолда топшириқ ўзининг текширувчи функциясини йўқотади. Топшириқ яроқли бўлиши учун ҳамма жавоблар талабани ўзига жалб этадиган бўлиши зарур. Шундагина тест муваффақиятли тузилган деб ҳисобланади. Ҳар бир нотўғри жавобнинг ўзига жалб этадиган томони, шу жавобни танланган талабларнинг салмоғи билан белгиланади. Бу улуш нечоғли юқори бўлса, мазкур жавоб яхши таърифланган бўлади. Агар талабалар яққол нотўғри жавобни тўғри жавоб сифатида танласалар, бундай жавобни алмаштириш лозим.

Мувофиқликка оид топшириқлар. Уларнинг моҳияти бир қўл сонли элементларининг бошқа элементларга мувофиқлигини аниқлашга асосланган. Бу топшириқлар «мувофиқлик аниқлансин» деган иккита сўздан иборат конструкция асосида тузилади.

Масалан:

«Тико» автомобили двигателидаги асосий деталларнинг қуйидаги механизмларга мувофиқлиги аниқлансин.

1. Кривошип-шатун механизми.
2. Газ тақсимлаш механизми.



- А. Тирсакли вал
- Б. Коромисло
- В. Клапан
- Г. Поршен
- Д. Шатун
- Е. Пружина
- Ё. Қистирмалар
- Ж. Тақсимлаш вали
- З. Поршен бармоқлари
- И. Йўналтирувчи втулка
- К. Халқалар
- Л. Тишли вилдирак

Тўғри жавоб: 1-А,Г,Д,Е,З,К; 2-Б,В,Е,Ж,И,Л

Кетма-кетликнинг тўғрилигини аниқлашга оид топшириқлардан асосан касб-хунар тайёргарлиги даражасига баҳо бериш учун фойдаланилади. Улар ҳаракатлар, операциялар, муҳокамалар, ҳисоб-китоб малакаларини эгаллаш, механизмларни йиғиш ва ажратиш кетма-кетлигининг ўқлатирилганлигини текшириш учун қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда синовдан ўтаётганга «тўғри кетма-кетлик аниқлансин», деган йўлланма берилади. Масалан:

1) ЗИЛ-131 автомобили ўзгарувчан ток генератори ток занжирининг уланилишининг тўғри кетма-кетлигини аниқланг

- А. Чўтка
- Б. Улаш қалпоғи
- В. Вольтметр
- Г. Якор чўлғами
- Д. Статор
- Е. Амперметр
- Ё. Аккумулятор
- Ж. Босим датчиги

Тўғри жавоб: 1-А, 2-Г, 3-Д, 4-Б

2) Тўғри кетма-кетлик аниқлансин: «Занжирнинг бир қисми учун Ом қонунини таърифланг».

- А. Тўғри пропорционал
- Б. Тесқари пропорционал

Бундай топшириқлар тартибсиз сўзлар йнғиндисидан таърифлар, конунлар, муҳокамалар яратипга ҳам имкон берадн. Механизмларнинг қисмларга ажратипш ва йнғиш, технологик жараёнларнинг кечип кетма кетлигига оид тестлардан кенг қўламда фойдаланиш мумкин.

### Мустақил таълим учун топшириқлар

1. Қуйидаги матни ўқиб конспеклаштиринг:

«Ютуқлар тестлари ва мезоний йўналтирилган тестлар» [2]:

Ютуқлар (меъерий йўналтирилган) тестлар - синалаётган талабанинг муайян билимлар ва малакаларини ағаллаш даражасини аниқлайдиган педагогик тапхислаш услубларидан биридир. «Ютуқлар тестлари» деган атаманинг ўзи ҳам педагогикадан олинган. Ютуқлар тестлари ўқитиш жараёнида ўзлаштирилган билимларни аниқлайди. Одатда, ютуқлар тестлари саволлари бўлган махсус бланкаларда тўлдирилади. Синовдан ўтаётганларга бир неча қўникмалар орасидаги сўзлардан ташкил тошган тўғри жавобни танлаш ёки графикдаги саволлар тасвирланган шароитни тўғри акс эттирадиган эгри чизиқлардан бирини кўрсатиш талаб этилади. Агар улар тегишлича батартиб тузилган бўлса, уларнинг мазмуни ўрганилаётган фанга мос бўлади. Улар баҳо қўйиш тартибига тасодифий далиллар таъсир қилишига йўл қўймайди. Ютуқлар тестлари ўқитилаётган талабаларнинг билимлари ва қўникмаларининг ҳақиқатан ҳам ўзлаштириш лозим бўлган билимларга мувофиқ келиши тўғрисидаги ахборотни акс эттиради [2].

Ютуқлар тестларининг натижалари биринчи галда уларни олдиндан тузилган меъёрлар билан солиштирилганда изоҳланади. АҚШда репрезентатив танлашларда мактабнинг ҳар бир синфи ва коллежнинг ҳар бир курси учун асосий ўқув фанларидан ютуқларнинг меъёрлари ишлаб чиқилган. Шундай қилиб, мактабда маълум синф талабаларини тестдан ўтказишда, уларнинг натижалари давлат миқёсидаги танловда олинган ўртача натижалар билан солиштирилади (репрезентативлиги аниқланади).

Ютуқлар тестлари муайян қондаларга биноан тузилади, унинг қийинлик даражаси Гауссинг нормал тақсимот қонунига мувофиқ аниқланади.

$P = n/N$  Бу ерда  $N$  - тестдаги топшириқларнинг умумий сони,  $n$  - тўғри бажаришган топшириқлар сони.

Қийинлик даражаси 0,5 бўлган тест энг юқори даражадаги ажратипш қобилиятига эга бўлади. Топшириқ қийинлиги 1,0 ва 0 га нечоғлик яқин бўлса, унинг ёрдамида шунчалик оз табақалашган ахборотни олиш мумкин. Ва аксинча, қийинлик даражаси 0,50 га нечоғлик яқин бўлса, унинг биладиган талабаларни билмайдиган талабалардан ажратипш қобилияти шунчалик юқори бўлади. Бу  $50 \times 50 = 2500$  та таққослаш ахбороти ёки битларни беради.  $P=0,70$  да  $70 \times 30 = 2100$  бит ҳосил қиламиз. Шунга мувофиқ ҳолда  $P=80$  бўлганда,  $80 \times 20 = 1600$  бит,  $P=0,10$  бўлганда  $90 \times 10 = 900$  бит,  $P=1,00$  да  $100 \times 0 = 0$  битга эга бўламиз.

Шундай қилиб, ютуқлар тест топшириқларининг 50 фоизини бажариш яхши натижани билдириши мумкин, бу ўқув мақсадларини 100 фоиз рўйга чиқарилганига мос келади. Ютуқлар тестларида  $P=0,80-1,00$  га тенг натижани амалда фақат аълочилар ва ўта истеъдодли талабалар олишлари мумкин.

Мезоний йўналтирилган тестлар ўқув натижаларига бошқа тамойилда баҳо беришга асосланган. Улар талабанинг ўқув ёки касб-хунарга оид муайян топшириқларини бажариш учун зарур ва етарли бўлган билимлар, кўникмалар ва ақл-заковатини аниқлаб беради. Бу билимларнинг борлиги ёки йўқлиги унга мезон бўлиб ҳисобланади. Тест натижалари, одатда, тўғри ечилган топшириқлар сонининг топшириқларнинг умумий сонига нисбати билан баҳоланади.

Ҳозирги даврда педагогика амалиёти ютуқлар тестларига ҳам, мезоний йўналтирилган тестларга ҳам муҳтож. Муайян педагогик вазифаларни аниқ ҳал қилишда бу тестлардан қай бири афзал? Ютуқлар тестларини тайёрлаш кўп вақт ва воситалар сарфлашни талаб этади, бироқ бундай тест текширилатган ўқув фанига оид билимларни интеграл, комплекс баҳолаш имконини беради.

Ютуқлар тестлари кўпинча ўқув юрklarига кириш имтиҳонлари, конкурс ва олимпиадаларда, мезоний йўналтирилган тестлар эса бевосита ўқув жараёнида қўлланилади.

2. Назорат тестларини ечиб, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражанигини аниқланг. Юқорироқ балл олмақчи бўлсангиз, мавзу матнига мурожаат қилинг.

3. Мутахассислик бўйича коллеж ўқув режасидаги махсус (умумтехник) фандан 20 та турли шакл ва кўринишдаги тест топшириқлар тузинг.

#### Назорат учун тест топшириқлар

I. Тест синови биринчи марта а) \_\_\_\_\_ йилда Буюк Британияда б) \_\_\_\_\_ томонидан талабалар билим даражасини текшириш учун қўлланилган.

II. Тест синови дастлаб психология фани доирасида ривожланиб борди.

A - Ҳа, Б - Йўқ, В - Билмайман.

III. Тест синовини ривожланишига ҳисса қўшган олимлар:

A. Гамелтон

Б. Торидайк.

В. Грин.

Г. Рассел.

Д. Ҳаммаси тўғри.

IV. Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маққамасининг \_\_\_\_\_ да қабул қилган қарорига бивож мамлакатимизда тест синовларидан фойдаланишга кенг йўл очилди.

V. Тест топшириқлари гуруҳларини аниқланг.

A. Психологик тестлар.

Б. Педагогик тестлар.

В. Интеллектуаллик коэффициентини аниқловчи тестлар.

Г. Муайян касбга яроқлиликни аниқловчи тестлар.

Д. Орфографик тестлар.

Е. Ўқилган матнни тушунишга оид тестлар.

VI. Техник фанларни ўқитишда педагогик тест топшириқларнинг қуйидаги шаклларида кўпроқ фойдаланиш мўмкин:

А. Очиқ топшириқлар.

Б. \_\_\_\_\_

В. Бир неча тўғри жавобли ёпиқ топшириқлар.

Г. \_\_\_\_\_

Д. \_\_\_\_\_

VII. Мувофиқлики аниқланг.

1. Ютуқлар тестлари. А. Ўқув жараёнида қўлланади.

2. Мезоний йўналтирилган тестлар. Б. Олимпиада, танлов, кириш имтиҳонларида қўлланади.

VIII. Мезоний йўналтирилган тестлар фойдаланишга яроқли бўлиши учун  $P=0,5$ , яъни синалувчиларнинг 50 фоизи топшириқларнинг \_\_\_\_\_га тўғри жавоб беришлари зарур.

IX. Ютуқлар тест топшириқларининг ажратил қобилияти \_\_\_\_\_бит бўлганда, у фойдаланишга яроқли бўлиб ҳисобланади.

Тўғри жавоблар

Топшириқлар	I	II	III	IV	V	VI	VI I	VIII	IX
Жавоблар	а) 1864; б) Финнер	А.	Д.	5 феврал 1993 йил	А, Б, В, Г.	В. Битга тўғри жавобли ёпиқ тест. Г. кетма-кетликни аниқловчи тест. Д. Узаро	1-Б, 2-А	50 фокаига	2500

Фойдаланилган адабиётлар

а) асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юрглари учун талабаларни тест усулида саралани тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 1993 йил 5 февраль (Наманган ҳақиқати 1995 й. 6 феврал).

2. Фарберман Б.Л. Составление педагогических тестов. Т.: ТАДИ. 1992. - 74 с.
3. Фарберман Б.Л. Услуги разработки и применение педагогических тестов. Т.: РУМЦ. 1995. - 116 с.
4. Вендровская Р. Б. Тесты в американской системе образования. // Педагогика, 2001, №2. С. 96-102.

#### б) қўшимча адабиётлар

5. Михайличев Е. А. Норов Ш. К. Дидактические тесты в системе многоэтапного контроля знаний студентов. Вух.ИЛПП, 1995. - 24 с.
6. Усмонова М. Н. Педагогические тестирование: история развития и современное состояние. Т.: "Адолат", 1995. - 160 с.
7. Фарберман Б. Л. Таълимда энг муҳим янглик. // "Маърифат" 1995 йил. 24 май.

## 2. Тест топшириқларини тузиш услуги

Тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талаблар

Тузилган тест топшириқларининг ҳаммасини ҳам бирдек қўллашга яроқли деб бўлмайди. Тест саволлари мукаммал бўлиши учун уларни тузишда бир қанча талабларга риоя қилиш зарур [4]. Булар куйидагилардан иборат: тест топшириқлари мазмунининг ўқув мақсадига мувофиқлиги; материалнинг аҳамиятлилиги; илмий аниқлик; изчиллик; тўқислик ва уйғунлик; ўзлаштириш даражасига кўра табақалашганлиги; самарадорлик (кумулятивлик); тил раволиги ва аниқлиги; бир маъноликлик; вақтининг қатъий белгиланиши; ихчамлик; мураккаблик меъёри; тўғри жавобдан қўшимча белгиларининг мавжуд эмаслиги; вариативлик; шаклан ва мазмунан ўзаро боғлиқлик.

Энди мазкур талабларни бирма-бир қисқача кўриб чиқайлик.

1. **Ўқув мақсадига мувофиқлиги.** Тест топшириқларининг мазмуни аниқлаштирилган (идентификацияланган) ўқув мақсадларига мувофиқ бўлиши лозим. Ўқув мақсадлари мажмуи Блум таксономияси бўйича иерархик тузилишига эга. Шунинг учун нисбатан яқин мақсадни амалга оширмай туриб, умумий (нисбатан олис) мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳар бир тест саволи маълум бир ўқув мақсадининг рўёбга чиқишини таъминлаши зарур.

2. **Материалнинг аҳамиятлилиги.** Тест саволларига ўқув материалининг энг муҳим, асосий қисмларини киритиш лозим. Тестда топшириқлар сон, одатда, чекланган бўлади. Бинобарин, тўғридан-тўғри қўйилаётган масалада барча мавзулар тўлиқ қамраб олинмаган бўлиши мумкин. Талабанинг умумий ҳолатдан хусусий ҳулосага келиши (дедуктив) ва аксинча, айрим далиллардан умумий ҳулосалар (индуктив) чиқара олиши, унинг назарий қондаларни алоҳида ҳолатларда қўллашни нечоғлиқ ўзлаштириб олганини, тафсилотларни билиши эса назарий асосларни тушунтира олиш қобилиятларини кўрсатади.

3. **Илмий аниқлик.** Тестга мушоҳада, билим орқали асослаш мумкин бўлган ҳаққоний маълумотлар киритилади. Фандаги мунозарали қарашларини

тест саволларига киритиш тавсия этилмайди. Тест топшириқлари табиати, аввалдан маълум, аниқ жавоб беришни тақозо этади.

4. Изчиллик. Тестдаги топшириқлар маълум бир фанга таалуқли, умумий билим моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ бўлиши лозим. Изчиллик айни бир топшириқ жавобини умумий тест натижаларига nisбатан муносабатида (коррелятив) кўринади.

5. Тўқислик ва уйғунлик. Тестдаги топшириқларнинг умумий сони мавзу ва қисмларга nisбатан мувофиқ тақсимланиши аҳамиятли. Бу талаб тест режасини ишлаб чиқишда амалга оширилиши лозим.

6. Ўзлаштириш даражасига кўра табақаланганлиги. Ўқув материалнинг маълум бир таркибий қисмига оид ўзлаштириш даражаси турлича (билиш, эслаб қолганини тасвирлаш, самарадор билимлар ва ижодий фикрлаш) бўлган тест топшириқларини тузиш лозим. Бу талаб ҳам тест режасини ишлаб чиқишда амалга оширилиши лозим.

Билиш даражасидаги тест топшириқлари аввал ўзлаштириб олинган маълумотларни қайта тиклашга асосланади. Бунда хотира қуввати катта аҳамиятга эга бўлади.

Репродуктив даражадаги тестларда эса, талаба олдин ўзлаштирилган маълумотлар асосида мустақил фикрлайди, топшириқ бажарганда эса, фанда аввалдан маълум бўлган қоида ва алгоритмларга (йўланмаларга) суянади. Бундай ҳолда у, эса қолганини тасвирлаш, қайта тиклаш йўлидан боради.

Самарадор мустаҳкам билимлар ва ижодий фикрлашга оид тест топшириқлари эса синалаётган шахснинг маълум умумий услубларни топшириқда кўрсатилган аниқ шарт-шароитларга мустақил қўллаш лаёқатини синайди. Самарадор билимлар ва ижодий фикрлаш фаолияти тайёр қондалар ва алгоритмлар асосида эмас, маълум қондаларга кўра яратилган ёки янги шароитдаги фаолият жараёнида қайта яратилган қондаларга биноан амалга оширилади.

Ижодий фикрлаш даражасига оид тузилган тестларда топшириқ умумий ҳолда баён этилади, мақсадга эришиш учун зарур бўлган хатти-ҳаракатлар ва вазиятларни талаба ижодий фикрлаш натижасида аниқлайди. Бундай тест топшириқларини ечиш жараёнида бутунлай янги ахборот (қоида, хулоса, шакл ва ҳ.к.) яратилади.

7. Самарадорлик (кумулятивлик). Самарадорлик тест топшириқларининг борган сари мураккаблашиб боришини назарда тутати. Бу қатъий талаб эмас. Чунки замонавий компьютер тест тизимида талабага навбатдаги тест топшириғи, аввалгисини қандай еганига қараб берилади. Яъни аввалги саволга нотўғри жавобдан сўнг унга nisбатан мураккаб бўлмаган тест топшириқлари берилиши мумкин.

8. Вақтнинг қатъий белгиланганлиги. Бу шартнинг моҳияти шундан ibоратки, ўйлаш учун 2 дақиқадан ортиқ вақт талаб этиладиган тест саволлари бўлмаслиги лозим. Бирқанча хорижий тест топшириқларини таҳлил этилганда, математика бўйича 65 секунд, тил ва адабиёт бўйича 32 секунд, ижтимоий ва табиий фанлар бўйича 41 секунд, дадиллар ва иборалар учун 20-25 секунд, чизмалар учун 90 секунд, шаклларни аниқлаш учун 90-120 секунд вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ деб топилган.

9. Ихчамлик. Тест топшириқларининг маъни чўзилиб кетмаслиги, қалаштириб ташланмаслиги лозим. Мураккаб кўламли ўқув саволини ўзлаштиришни аниқлаш зарур бўлган ҳолларда, уни бир қанча ихчам тест топшириқларига бўлиб тузилгани маъқул.

10. Тил раволиги, аниқлиги ва бир маънолилиги. Тест топшириқларида қўи маънолилиги ва ноаниқликка йўл қўйиб бўлмайди. АҚШда тест топшириқларини тузувчилар гуруҳига муайян бир ўқув фаши бўйича тажрибали педагог ва руҳшуносдан ташқари адабий муҳаррир ҳам киритилиши анъанага айланган.

11. Мураккаблик меъёри (яроқлилиги). Тест топшириқлари педагогик жиҳатдан самарали бўлиши учун улар оддий ахборот бериб қолмаслиги, жавоби очиқдан-очиқ аён бўлмаслиги лозим. Натижаси ярмига тенг (Рқ0,5) бўлган тест топшириқлари нисбатан самарали ҳисобланади. Бундай натижа ўқув материални яхши ўзлаштирган ёки чуқур тайёргарлик кўрмаган талабани аниқлашни осонлаштиради. Шунинг учун ҳам абитуриентларни танлаш, битирув имтиҳонлари каби муҳим тадбирлар учун тест топшириқлари ўқув дастурини тўлиқ ўрганган талабаларнинг 50 фоизи бажара олиши мумкин бўлган даражада тайёрланади. Демак, маълум бир йўналишдаги тестлар учун 50 фоизлик натижа яхши кўрсаткичдир. Шунини унутмаслик керакки, ўз синфи учун муаллимлар томонидан тайёрланган тест топшириқлари бошқачароқ меъзон билан баҳоланади. Бунда 50 эмас, балки 85 фоиз кўрсаткич мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ҳақда олдинги мавзуда баён этилган.

12. Тўғри жавобда қўшимча белгиларнинг мавжуд бўлмаслиги. Тест турида тажрибасиз киши тушунарли бўлсин, деган мақсадда тўғри жавобни бошқа жавобларга нисбатан кенгроқ ва батафсилроқ баён қилади. Талабалар бу фарқни тез англаб оладилар ва жавобни ана шу белгига қараб аниқлашади. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

13. Вариативлик. Ўқув материалдаги маълум бир мавзунини ўзлаштиришни назорат қилиш учун мантиқий фикр баёни, синтактик тузилиши, морфологик белгилари ёки мураккаблик даражасига кўра турлича бўлган, лекин битта ўқув материалга тегишли тест саволлари тузиш мумкин. Бу бир ўқув мақсадига эришиш йўлида топшириқлар турқумини яратиш имконини беради (инвариант тестлар). Шу боис компьютер тест тизими топшириқларнинг вариативлик хусусиятига асосланган. Бунда компьютер навбатлаги топшириқни аввалги саволга берилган жавобга кўра танлайди.

14. Шақлан ва мазмунан ўзаро боғлиқлик. Бу талаб фалсафадан, унинг қоидаларини санъат асарларини ўрганишга қиёсладан олинган. Гегел фикрича, ҳақиқий санъат асари шақлан ва мазмунан яқлит асардир. Биобарин, тест топшириқлари ҳам шақлан ва мазмунан уйғун бўлиши лозим. Тест топшириқларини юқоридаги талаблар асосида тузиш, ўқитувчиларнинг тест турида назарияси бўйича маълумотга эга бўлишларини талаб қилади. Бунинг учун тестшунослик курсларида ўқиш ва тегишли адабиётларни мустақил ўзлаштириб бориш зарур.

Тест топшириқлари тузишга оид юқоридаги талабларга риоя қилиш, уларнинг талабалар билиминини ҳаққоний ва аниқ ўзлаш хусусиятларини таъминлайди. Бунинг учун тест топшириқлари турида мутахассис олимлар,



фан ўқитувчиси, услубчи, тилшунос, педагог ва психологларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлаш зарур.

**Тест режасини ишлаб чиқиш**

Ўқув фан бўйича тест топшириқлари тузишни унинг режасини ишлаб чиқишдан бошлаш тавсия қилинади. Аввал фан бўйича тест топши-

риқларининг умумий сони белгиланади. Тегишли кафедра бу масала бўйича қарор қабул қилади. Бунда мазкур ўқув фанини ўрганишга ажратилган умумий соатлар сони ва тест тузишга оид талаблар ҳисобга олинади. Дарсхона машғулотларининг ҳажми катта бўлган курслар учун ўқув режаси бўйича мазкур ўқув фани соатларидан кўпроқ тест топшириқлари сонини танилаш мақсадга мувофиқ. Бу машғулотларнинг ҳар бир ўқув соатига тестда 1-2 та савол қўйишга имкон беради. Масалан, ҳажми 144 соатлик ўқув фанига бир вариант учун 150-160 топшириқни ишлаб чиқиш мумкин. Агар ўқув фанининг соати кўп бўлмаса, (мас. 36 соат) тест топшириқлар сонини белгилашда, унинг ишончлилиги билан боғлиқ бўлган фикрларга асосланиб ил қўрилади. Бунга асосан 50 топшириқда ишонччилик (билимларни ўлчаш аниқлиги) тахминан 0,7 бўлади, ишонччиликни 0,9 га етказиш учун топшириқлар сони 130 та [4], бўлиши керак. Ишонччилиги 0,7 дан кам бўлган топшириқлар яқуний баҳолаш учун яроқсиз ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, яқуний баҳолаш учун тузилган тест топшириқларининг сони энг камда 50 та бўлиши қабул қилинган.

Тест режаси ишлаб чиқилгандан кейин, талабаларнинг тегишли ўқув фанини ўрганиш натижасида, улар оладиган билимларни эгаллашга ва кўникма ҳосил қилишга оид талаблар шакллантирилади. Бу талаблар одатда ўқув фани бўйича ишчи дастурнинг «фанининг мақсад ва вазифалари» бўлимида ёзилади. Тест топшириқлари талаб этиладиган билимлар, кўникмаларни эгаллаш даражасини тўла-тўқис аниқлаши керак. Бунинг учун тест топшириқларида аке эттирилиши зарур бўлган муайян масалалар рўйхати (тест спецификацияси) ишлаб чиқилади. Масалан:

А - таърифлашни билиш;

Б - қонунлар, формулалар, тамойилларни билиш;

В - масалалар ечишда қонунлар, формулаларни қўллашни билиш;

Г - ўхшашлик ва тафовутни топишни билиш;

Д - схема ва графикларни ўқишни билиш;

Е - аппаратлар (техник мосламалар)нинг тузилиши ва ишлатиш қоидаларини билиш;

Ж - ЭҲМ қўллаб математик моделлар ва энг мақбул ҳисоб-китоб услубларидан фойдаланишни билиш;

З - оддиндан таниш бўлган шароитда қарор қабул қила олиш (беморга таъхис қўйиш, машинани техник ҳолати тўғрисида ахборот бериш, мавжуд маълумотлар асосида бошқаришни билиш ва ҳ.к) ва бошқалар.

Ўз-ўзидан равшанки, келтирилган рўйхат универсал характерга эга эмас, у ҳар бир ўқув фанининг ўзига хослиги асосида тузилади. Масалан: чет тиллар бўйича жумла тузиш каби элементлар: тарихдан муҳим воқеалар,

атоқли арбобларнинг исми-шарифлари, жамият ривожланишининг изчиллиги каби элементлар рўйхатда акс эттирилиши мумкин.

Ҳар бир билим ва кўникмани текширишга тест топшириқларининг муайян фоизи ажратилиши зарур. Тест режасини ишлаб чиқишда бу роъят муҳим ишдир, тест валидидиги, яъни унинг ўқув дастурига мувофиқлиги кўп жиҳатдан ана нунга боғлиқ бўлади.

Бу масала бўйича тест ишлаб чиқувчилар ўқув фанининг илчи ўқув дастурини таҳлил қилиш асосида муайян бир фикрга келишлари мумкин. Сўнгра қабул қилинган топшириқлар сонини ўқув фани бўлимлари ва ўзлаштириш даражалари бўйича тақсимланади. 8-9 жадвалларда 120 та топшириқни ўқув фанининг 4 та бўлими ва ўзлаштириш даражалари бўйича тақсимлаш мисол келтирилган. Бундай режасиз тузилган тест тасодифий материалда оид тузилган бўлиб, унинг сифатсиз чиқиши табиийдир.

**Фан бўлимлари бўйича  
т е с т р е ж а с и.**

8-жадвал.

Ўқув фани бўлимлари	Топшириқлар сони	Умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида
1.	12	10
2.	36	30
3.	48	40
4.	24	20
<b>Ж а м и :</b>	<b>120</b>	<b>100%</b>

**Ўқув материални ўзлаштириш даражалари бўйича  
т е с т р е ж а с и.**

9-жадвал

Бўлимлар ва уларни текшириш бўйича топшириқлар фоизи.	Бўлимлар, ўзлаштириш даражалари бўйича топшириқлар сонининг тақсимланиши.												Баҳолаш учун жами топшириқлар сони.		
	1-10%			2-30%			3-40%			4-20%					
	$\alpha_1$	$\alpha_2$	$\alpha_3$	$\alpha_1$	$\alpha_2$	$\alpha_3$	$\alpha_1$	$\alpha_2$	$\alpha_3$	$\alpha_1$	$\alpha_2$	$\alpha_3$			
А-5%	1			2			2					1			6
Б-15%		2			6			7					3		18
В-30%	1	1	2		5	5		9	1					3	36
Г-10%		1			4			5					2		12
Д-5%		1			2			2					1		6
Е-15%		1		2	3	1		5	3				1	1	18
Ж-10%			1			4				4				3	12
З-10%		1				2				1					12
<b>Жами</b>					12			36					48		120

Бундай режани ишлаб чиқиш тест валиднингга, унинг ўқув дастури мазмунига мувофиқлиги ва талабалар олган билим, кўникма ва малакаларининг пухта бўлишини кафолатлайди. Тестнинг умумий режаси ишлаб чиқилгандан сўнг, топшириқларни танлаш ва тузиш - энг масъулиятли босқич ҳисобланади. Юқориди айтилганидек, бу вазифа, одатда, курс бўйича бир неча марта дарс берган ва тест бўйича талабалар билимини синаб кўрган энг тажрибалир ўқитувчилар иштирокида амалга оширилади.

Жадвалдаги  $\alpha_1$ ,  $\alpha_2$ ,  $\alpha_3$  - ўзлаштириш даражалари (билиш, репродуктив, самарадорлик). Бу мисолда ўзлаштиришнинг энг юқори даражасини жодий фикрлашга оид тест топшириқларни тузиш назарда тутилмаган.

Ишлаб чиқиладиган тест топшириқлари сони, режалаштирилган сондан тахминан икки-уч марта кўпроқ бўлиши керак. Бу, бир хил ўқув фани бўйича тестларнинг бир неча турли вариантларини яратиш учун зарур бўлади. Тажриба кўрсатишича, топшириқларнинг тахминан ярмидан кўпроги биринчи синовдан кейин, бошқалари эса кейинги чуқур таҳлил жараёнида яроқсиз деб топилгани мумкин [1].

**Тест тузишдаги энг характерли хатоларнинг таҳлили**

Ўзбекистон Республикасидаги 10 та олий ўқув юртида (1995й.) тузилган дастлабки 369 та тест топшириқлари профессор Фарберман Б. Л. раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар томонидан экспертиза қилинди [2].

Бу тест тузувчиларнинг энг характерли қуйидаги хатоларини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва даражаларга бўлиб чиқишга имкон беради.

1. Ёпиқ тест топшириқларига таклиф қилинаётган жавоблар миқдорининг камлиги (4-5 та жавоб бўлиши тавсия этилади). Уларнинг сони камроқ бўлганда, тўғри жавобни тасодифий танлаш эҳтимоли анча ошади.

2. Тестда оддий далиллар, воқеаларнинг саналари, атамалар, исм-шарифлар, яъни фақат эслаб қолишни талаб этадиган топшириқларнинг кўплиги. Бундай топшириқларни тузиш осон, бироқ бу ҳолда тест фақат хотира билан боғлиқ билимларнигина назорат қилади, холос. Танқидий баҳо бериш, мустақил фикрлаш турли хил далилларни умумлаштириш ёки ўрганилган таъмоилларни янги шароитларда қўлланишга доир тест топшириқларини тузиш қийин, лекин ана шундай топшириқларгина талаба билимини тўлақон баҳолайди. Ўтказилган текширувлар шунини кўрсатадики, ўрганилган материалнинг ўзи кўпинча маълум вақт ўтгач, унутилади, ўзлаштирилган асосий таъмоиллар ва уларни янги шароитларда қўллаш эса, умуман, унутилмайди ёки ўқини тугаллангандан кейин хотирада узоқ вақт сақланиб қолар экан.

3. Тест топшириқларининг шу фан бўйича дарсликка ўта боғлиқ бўлиб қолганлиги. Тест топшириқлари талабанинг ўзлаштириб олиши шарт бўлган билимлар, кўникмалар ва малакаларга мувофиқ келиши лозим. Тест топшириқларини ўқув фанининг бўлимлари ёки мавзулари ўртасида муносиб равишда тақсимлаб, бу масалаларни тест режасини ишлаб чиқиш босқичида ҳал қилиш зарур. Тест режасини тузаётганда кўпинча адабиётлардан мустақил ўрганиш учун тузиладиган тест топшириқларини ҳам эътиборга олиш зарур.

4. Тестда шу ўқув фази асосий қоидаларинан умумлаштирадиган мажмуали характердаги топшириқларнинг йўқлиги. Бу алоҳида вазиятга онд масалалар: келтирилган маълумотлар асосида техник, боикарув ва бошқа қарорлар қабул қилиш, беморга ташхис қўйиш учун клиник маълумотлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Бундай топшириқлар миқдори талаба, албатта, тўғри қарор қабул қилиши лозим бўлган (оддидан таниш бўлган) вазиятлар сопи билан белгиланиши мумкин.

5. Таклиф қилинадиган жавобларнинг катталиги (бесўнақайлиги). Тест топшириқларида жавобларнинг кўп сатрли бўлишига йўл қўйиб бўлмайди, уларни англаб олиш қийин бўлади ва талаба бешинчи жавобни ўқиб бўлгунча, биринчи жавоб мазмунини унутиб қўяди. Мураккаб топшириқни бир неча оддийларига бўлиб тест тузилиши зарур. Кўп сонли қоида ва мулоҳазаларни билишни ҳамма вақт талаб қилавериш тўғри эмас, баъзан таянч сўзларни ажратилшининг ўзи талабанинг катта ҳажмдаги ўқув материални билиши ҳақида маълумот бериши мумкин.

6. Тест топшириғи шартларини (саволларини) таърифлашдаги кўп сўзликлик. Тест топшириқларидаги оддий ва лўнда қилиб баён қилинган фикр синовдан ўтувчининг фикрлаш ва тафаккур жараёнини енгилаштиради. Бу холда у талаб қилинган фикрни ва ўзаро мантқиқий боғланишларни тезроқ топиш имкониятига эга бўлади.

7. Шундай тест топшириқлари ҳам учрайдики, уларга тўғри жавоб топиш учун унга бир қарашнинг ўзи кифоя қилади. Масалан: бирор топшириқ, тестнинг бошқа қисмида жойлашган топшириқнинг жавоби бўлиб қолган. Айтайлик, бир топшириқда Ернинг тортиш кучи қонунини таърифлаган олимнинг фамилиясини айтиб бериш талаб қилинади, айни вақтда бошқа топшириқ қўйидагича ифодаланган: «Ньютоннинг Ерни тортиш кучи формуласи...».

8. Таърифлашдан икки хил маъно чиқиши ёки унинг аниқмаслиги, топшириқни нотўғри тушунишга олиб келиши мумкин. Бу, ўз фикрини савол ёки тест топшириғини тасдиқловчи жавоб тариқасида аниқ ифодалаб берадиган битта гап тузиш малакасининг етарли эмаслигидан келиб чиқади. Ёзилган матнни бошқа кишига ўқитиб кўриш тест равонлигини аниқлашнинг энг яхши йўлидир. Топшириқ тузувчи талабалар фикрига берилиб, кўпинча у ўз таърифларининг бошқача мазмунини англай олмайди. Шунинг учун ҳам, тест тузувчилар ўз тасавурида тест топшириғини бажариш жараёнидаги талаба тафаккури моделини тасаввур этиш қобилиятига эга бўлиши муҳимдир. Тест топшириғининг сифатига бевосита таъсир этмайдиган, лекин тест тузишда ҳисобга олинishi зарур бўлган қўйидаги жиҳатларни ҳам эътиборга олиш лозим.

Тест фақат осон ёки фақат қийин топшириқлардан иборат бўлиш керак эмас, у деярли ҳамма талабалар тўғри жавоб бера оладиган энг осонидан, то битта-иккита талаба тўғри жавоб бера олиши мумкин бўлган мураккаб топшириқларни ўз ичига олиши зарур. Энг яхши биладиган талабаларни аниқлаш учун тестга шунчалик қийин битта савол киритиш мумкинлики, унга мингта талабадан тахминан биттаси тўғри жавоб бера олсин. Бордию, таҳлил қилинаётган саволга биронта ҳам талаба жавоб топа олмаса, бу савол захирага ўтказиб қўйилади.

Тест топшириқлари тузишда ўқитиш даврида келтирилган мисоллардан фойдаланиш ёки яқунловчи тестга жорий баҳолашда илгари фойдаланилган

шаклдаги топшириқларни киритиш маъқул эмас. Чунки, бундай ҳолларда унумли фикрлашни текшириш ўрнига амалда ўқув материални ўзлаштиришнинг бир мунча паст даражада, яъни хотира, эслаб қолиш қобилиятгина синалади ҳолос.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тестларнинг мураккаблик даражасини фақат 10-25 фоиз ҳоллардагина тўғри аниқлаш мумкин экан. Шу сабабли тестни талабалар гуруҳларида текшириш йўли билан тажриба (эмпирик) усулида синаш лозим. Бунинг учун тузилган тест топшириқлари биринчи марта уларнинг сифатини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Унинг натижаси жадвал ёки график кўринишда тасвирланиб, талабаларнинг кўпроқ ёки озроқ қисми жавоб берган тест топшириқлари аниқланади. Зарур бўлган ҳолларда улар тақомиллаштирилади.

Агар тест топшириқларидаги тўғри жавоблардан биротасини тестдан ўтаётганларнинг 5 фоизидан камроғи танласа, бу жавобни алмаштириш керак, чунки у талабани ўзига жалб этмайди. Агар тестни умуман яхши бажарган талабаларнинг кўпчилиги бирор тест топшириғини удалай олмаса, бу ҳолда топшириқ ё етарлича ўрганилмаган материалга тегишли, ёки у шакли - мазмун бўйича яхши тузилмаган. Тест тузувчиларининг энг кўп учрайдиган хатоларини таҳлил қилиш, уларнинг сифатини, ишончлилиги ва валидлик жиҳатдан текширишни ўз ичига олади. Шунга қарамай, замонавий тестинослик ихтиёрида тест топшириқлари сифатининг аниқ миқдорини таърифлаш имкониятини берадиган услублар мавжуд. Чунончи, Георг Раш статистик маълумотлар бўйича синодан ўтаётганлар гуруҳида қўлланадиган тест топшириғи учун характеристик эгри чизиқ тузиш услубини таклиф қилди. Бу услуб билимларнинг битта элементини назорат қилиш учун тузилган бир неча тест топшириқлар вариантларини ўзаро таққослаб кўриш имкониятини беради. Тестнинг ахборот узатиш функциясини ҳисоблаб чиқиш учун математик аппарат ёрдамида топшириқларининг бир неча вариантларидан, ахборотни кўп сақлайдиган турини танлаб олиш ҳам мумкин.

Юқоридаги икки мавзуда тестинослик тўғрисидаги ахборотлар, ўқув қўлланманинг мақсади ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда, энг ихчам ва умумий тарзда баён қилинди. Тест топшириқларини сифатли тузиш янада мукамалроқ маълумотга эга бўлишни талаб қилади. Бунинг учун мавзуга оид кўрсатилган адабиётларга мурожаат қилиш зарур.

### Мустақил таълим учун топшириқлар

1. Фарберман Б.Л. *Прогрессивные педагогические технологии* китобидан 46-54-бетларни ўқиб конспеклаштиринг.
2. Мутахассислик бўйича касб-ҳунар коллежи ўқув режасидаги махсус (умумтехник) фан бўйича 10 та тест топшириқни турли ўзлаштириш даражаларига мувофиқ ҳолда тузинг.
3. Назорат тестларини ечиб, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни аниқланг. Юқоридаги балл олмоқчи бўлсангиз, мавзу матнига мурожаат қилинг.

## Назорат учун тест топшириқлар

- I. Билимларни ўзлаштириш сифатини назорат қилишнинг аъъанавий услубларидаги камчиликлар.
- А. Баҳолашдаги субъективлик.
  - Б. Имтиҳон олувчининг талаба билан мулоқотда бўла олмаслиги.
  - В. Назорат саволлари тузишдаги қийинчиликлар.
  - Г. Баҳолаш шкаласининг аниқмаслиги.
  - Д. Билимларни назорат қилиш, танлаш характерига эга эканлиги.
  - Е. Ўқитувчилар вақтининг кўп сарфланishi.
  - Ж. Компьютер қўллашнинг қийинлиги.
  - З. Жавобларни таърифлашнинг чекланганлиги.
- II. Тест режасини ишлаб чиқиш кетма-кетлигини аниқланг.
- 2 А. Тест топшириқларини сонини аниқлаш.
  - 1 Б. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини белгилаш.
  - 3 В. Тест топшириқларини фан бўлимлари (боблари) бўйича улушларини аниқлаш.
  - 4 Г. Тест топшириқларини ўзлаштириш даражаларига мувофиқ ҳолда тақсимлаш.
- III. Тест режасини тузишда тестларнинг умумий сони фаннинг А. \_\_\_\_\_ ва Б. \_\_\_\_\_ бўйича тақсимланиши лозим
- IV. Тест топшириқларини кимлар тузадилар?
- А. Фан ўқитувчилари ва талабалар.
  - Б. Тажрибали ўқитувчилар ва услубистлар.
  - В. Услубий бирлашма бошлиқлари.
  - Г. Фан ўқитувчиси ва директор ўринбосари.
- V. Билимларни ўзлаштириш даражалари кетма-кетлигини аниқланг.
- А. Билим-таннишув.
  - Б. Самарадор билимлар.
  - В. Билим-нуска.
  - Г. Ижодий даража.
- VI. Тест тузишдаги энг характерли хатоликларни сананг.
- А. Ёпиқ тест топшириқларида таклиф этилаётган жавоблар сонининг озлиги.
  - Б. Фақат билиш даражасига оид тестларнинг кўплиги.
  - В. \_\_\_\_\_
  - Г. Тўғри жавоблар матнининг катталиги.
  - Д. \_\_\_\_\_
  - Е. Тест саволларининг ихчам ва лўйда баён этилмаганлиги.
  - Ё. \_\_\_\_\_
  - Ж. \_\_\_\_\_

Тўғри жавоблар

Тошши- риклар	I	II	III	IV	V	VI
Жавоблар	А, Г, Д, Е, Ж	1-Б, 2-А, 3-В, 4-Г	А. Фан бўлимлари; Б. Ўзлаштириш даражаси- ри;	Б.	1-А, 2-В, 3-Б, 4-Г	В. Дарзликка ўта боғлиқ бўлиб қоғанилик; Д. Тўғри жавобларнинг каччаси (бек- нақайлиги) Е. Тўғри жавобни танбит- даги тестда ифодаланган- лиги; Ж. Таърифлардан икки хил маънони аниқлаши

Фойдаланилган адабиётлар

а) асосий адабиётлар

1. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Т.:ИПВССШ. 1999. -84 с.
2. Фарберман Б.Л., Асомов Д.К. Педагогик тестлар ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг усули. Т.: РЎУИ. 1995. -102 б.
3. Михайлычев Е.А., Норов Ш.К. Дидактические тесты в системе многоэтапного контроля знаний студентов Бухара. Бух.ТИПШ. 1995.-36 с.

б) қўшимча адабиётлар

4. Фарберман Б.Л. Дидактик талабалар. "Маърифат". 1995. 21 июн.
5. Фарберман Б.Л. Оценки-только обоснованные. "Народное слово". 1996 г. 20 ноябр.

### III бўлим. Тўла ўзлаштириш технологияси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовнинг: «Ўзимизнинг юқори малакали кадрларимизсиз Ўзбекистон келажакини тасаввур этиб бўлмайди», - деб таъкидлаганлари бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиб бориш ва уни барқарорлаштиришда содир бўладиган барча муаммоларни ўзимизнинг юқори малакали кадрларимизгина ҳал қилиши мумкин.

Ҳақон педагогикасида ижобий баҳоланган тўла ўзлаштириш технологияси барча ўқув юрғларига тайёрланаётган кадрлар сифатини оширишда бевосита таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу бўлимда мезоний ўқитиш педагогик технологиянинг асоси эканлиги, педагогик технологиянинг тамойиллари ва қоидалари, ижодий изланувчанлик даражасига оид педагогик технология (Р. Ганье, Л. Бригс), тўла ўзлаштириш технологияси (Ж. Блок, Л. Андерсен), тўла ўзлаштириш технологиясининг эстонча варианты (П. У. Крейтсберг, Э. В. Крули), тўла ўзлаштириш технологиясини амалга оширишда қўлланадиган турли хил дидактик конструкциялар баён этилади.

#### I. Педагогик технологиянинг тамойиллари ва қоидалари

##### Такрорланувчан ўқитиш цикли

Ташҳисланувчан ўқув мақсадларини қўллашга ўтилиши, ўқитиш технологиясида лашнинг ўзига хос янги маъноларни бўлишига олиб келиди. Мақсадди ташҳисланувчан усулда аниқланар экан, ўқув жараёнининг боришида унинг белгиларига ҳам эталон сифатида қараш мумкин бўлади. Ўқини жараёнида жорий баҳо қайтувчан алоқа ролини ўйнайди ва эталон мақсадга (ёки унинг қисмларига) эришишига қаратишга бўлади. Агар мақсадга эришилмаган бўлса, унда жорий назорат натижалари асосида ўқув жараёнига тузатишлар киритилиши лозим. Шунинг учун ҳам жорий баҳолар билан шакллантирувчи (ўргатувчи) функцияни бажаради. Демак, жорий назоратлар баҳоланмайди. Жорий мулоҳазалар мазмуний характерга эга бўлиб, улар талабага ва унинг фаолиятига тегишли тузатишлар киритишига ёрдам бериши лозим. Якуний (сумматив) баҳо балларда ифодаланади. Жорий баҳо каби якуний баҳо ҳам ташҳис усулида қўйилган мақсадларнинг эталон мезоний белгилари асосида аниқланади ва шунинг учун ҳам мезоний характерга эга бўлади. Ўқув жараёни ҳам шунга мўвофиқ йўналишига эга бўлади. Мезоний баҳолаш бу усулда ўқитишнинг асосини ташкил қилади.

Талаба билан шакллантирувчи жорий мулоҳазалар, уларга фан (курс)нинг ҳар бир бўлими бўйича тавсия этилган назорат топшириқлари билан аниқланади. Бундан мақсад, талабаларда содир бўладиган қийинчиликларни тезкорлик билан бартараф қилишдир. Бундай тест вариантларининг бири бўлим материални тўла қамраб олган бир неча саволлардан иборат бўлиши мумкин. Ҳар бир савол рўпарасида 4-5 та жавоблар (танлаб белгилаш учун) ёзилади. Ҳар бир жавоб варианты бир қарашда тўғрига ўхшаган бўлиши, лекин фақат биттаси аниқ тўғри бўлиши зарур. Жавоблар А, В, С, Д, Е каби ҳарфлар билан белгиланади. Жавоблар ўз-ўзини текшириш



бланкасига ўтказилади. Уни тўлдириб бўлгандан сўнг талаба ўз жавобларини тест калитги билан таққослайди ва қайси саволларга тўғри (нотўғри) жавоб берганлигини ўзи аниқлайди. Жавоб бера олмаган саволларни ўзи мустақил равишда (зарур бўлса ўқитувчи ёрдамида) ўзлаштиради. Бунда у альтернатив ўқув материаллари (ўқув қўлланмалари, видеоматериал, лаборатория ишларини бажариш учун кўрсатмалар) дан фойдаланиши ҳам мумкин. Бундай тест топишиқининг намунаси 10-жадвалда берилган.

Педагогик технологиянинг энг муҳим ютуқларидан бири тестлар фондини, ўқув жараёнининг боришини тўла қамраб олган назорат-текширув топишиқлар тўпламининг яратилишидир. Тестлар ўқув юртидаги ташқарида (экспертлардан иборат махсус хизмат томонидан) ёки ўқув юртида (тажрибали ўқитувчилар томонидан) тузилиши мумкин. Олдиндан тайёрланган, стандартлашган тестлар ишда анчагина қулайлик туғдиради. Ҳар бир ўқув циклида тест ёрдамида баҳолаш тезкор қайтувчан алоқа ўрнатишга имкон беради ва ўқув жараёнини белгиланган мақсад томон кетма-кет равишда йўналтириб боради.

10-жадвал.

№ \_\_\_\_\_ Назорат иши  
(жавоблар бланкаси)

Гуруҳ № .....  
Талабанинг фамилияси, исми.  
.....  
.....

Ҳар бир савол жавобини донра чизиб белгиланг. Ўзингизни ўзингиз текшириб бўлгандан сўнг тўғри жавобларингизни (К) ишора билан белгиланг.

Бу тест ўқишингизда рўй бераётган қийинчиликларни баргараф қилишда сизга ёрдам бериш мақсадида тузилган. Тест натижалари баҳоланмайди. Тўғри жавоб бера олмаган ҳар бир савол учун жавобни қўлланмадан топинг ва мустақил ўзлаштиришига ҳаракат қилинг.

№	Танланган жавоблар.	Тўғри жавоб (К)	Ўқув қўлланмалар		
			1...бет	2...бет	3...бет
1.	ABCDE				
2.	ABCDE				
3.	ABCDE				
ва хоказо.					

Аниқ мақсадга йўналганлик, жорий натижаларга ташҳис қўйиш, ўқитишни алоҳида ўргатувчи кўриниш (эпизод)ларга ажратишлар ўқув жараёнининг такрорланувчанлигининг асосий белгилари бўлиб, улар ўргатувчи цикллар ғояси атрофида мужассамлашган. У кўйидаги омишларга асосланган: умумий ўқув мақсадларини белгилаш, уларни аниқлаштириш, талабалар билим даражасини (натижаини) олдиндан ташҳис усулида а

Аниқ мақсадга йўналганлик, жорий натижаларга танҳис қўйиш, ўқитишни алоҳида ўргатувчи кўриниш (эпизод)ларга ажратишлар ўқув жараёнининг такрорланувчанлигининг асосий белгилари бўлиб, улар ўргатувчи циклилар гоёис атрофида муҳассамланган. У қўйидаги омилларга асосланган: умумий ўқув мақсадларини белгилаш, уларни аниқлаштириш, талабалар би-



4-схема. Такрорланувчан ўқув циклининг таркибий тузилиши

лим даражасини (натижани) олдиндан танҳис усулида аниқлаш, ўқув машқлари тўплами (буца тезкор қайтувчан алоқа натижасида ўқитишга тузатишлар киритилиши лозим), якуний натижани баҳолаш. Қўп ҳолларда ўқув жараёнига мана шу босқичда тузатишлар киритилади (бунда мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнининг бир қисми ўқув машқларининг маълум вариацияси бўйича такрорланади). Ўқув жараёнининг бундай такрорланувчан хусусиятга эга бўлиши туфайли, у алоҳида ажралган блоklar, ўқув бирликларидан тузилган «модульлар»дан иборат бўлиб қолади. Ҳар бир модуль турлича мазмунга ва бир хил таркибий тузилишга эга бўлади (4-схема).

Умуман олганда, бу схемада ўқитувчининг қўп марта такрорланадиган ҳаракатининг алгоритми кўрсатилган. Ҳар бир такрорланиш янги бўлим мазмунига ҳос ҳолдаги мақсадлар варианты, назоратнинг аниқ усули ва ўқув машқларидан иборат бўлиб, ўқув жараёнининг тўла ёйилмасини ифодалайди. Гўё бундай таркибий тузилиш ҳеч қандай янгилик эмасдек, ҳатто баъзилар учун беъманидек бўлиши ҳам мумкин. Лекин технологик ёндашишнинг ўзига ҳослиги шундаки, у оқибат натижада белгиланган мақсадга эришишнинг ёзма тафсилотини эмас, балки конструктив (амалий) схемасини беришда намоён бўлади.

Бу алгоритмнинг аниқ ва муваффақиятли амал қилиши, ўқув мақсадларининг тўла-тўғис стандартиштиришга боғлиқ бўлади. Юқорида

таъкидлаганидек, бундай стандартлаштириш: а) юқори даражада, лекин тўла эмас; б) тўла-тўқис даражада бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда ўқув цикли тўла такрорланувчан хусусиятга эга бўла олмайдди. Иккинчи ҳол эса ўзига хос конвейер жараёнига ўхшаш репродуктив ўқитишга ўхшайди. М. В. Кларин таъкидлашига қараганда [2:46], такрорланувчан ўқитиш циклининг яна бир ўзига хослиги шундан иборатки, унда ўқитиш жараёнининг маъмун очилмай қолади. Бу педагогик технологиянинг энг нозик жойларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, ўқув мақсадларининг юқори даражада аниқланганлиги (алоҳида қисмларга ажратилганлиги), ўқув жараёни ҳақида тўла тасаввурни ҳар доим ҳам акс эттира олмайди. Айниқса, бу унинг асосий қисми - белгиланган мақсадларни амалга оширишда яққол намоён бўлади. Бундай ўқитиш, ўқув материали билан ишлаш қодалари ва уларни талабалар томонидан мустақил ўзлаштиришни ташкил этиш маъносиде ишлатилади.

### Педагогик технология тамойиллари

Беспалко В.П., Скиннер Б., Никандров Н. Д., Тализина Н. Ф., Фарберман Б. Л. ва бошқаларнинг илмий изланиш натижаларини таҳлил қилган ҳолда, дастурланган таълим миқёсиде педагогик технологиянинг қуйидаги тамойилларини ажратиб кўрсатиши мумкин:

1. Талабалар билиш фаолиятини бошқарувчи қурилмалар тизимининг қатъий кетма-кетлигини яратиши.

Педагогик технологиянинг кўп поғонали таркибий тузилишининг ўзи ҳам ягона тизимни ташкил этувчи бошқариш қурилмалари кетма-кетлигини яратишни тақозо қилади. Бу кетма-кетликнинг бошланғич босқичиде педагог туради. У фанни ўзлаштиришга оид дастлабки йўлланмалар яратади ва зарур бўлган мураккаб ҳолатларда талабаларга яқка тартибде ёрдам кўрсатиб, ўқув жараёни кечувига тегишли ўзгартиришлар киритиб боради, лекин қисман бўлсаде автоматик қурилмалар ҳам иштирок этадилар. Улар фанни ўрганишга оид яратилган йўлланмаларда ахборотларни тўлароқ қамраб олиши ва ўз имкониятларига биноан зарур бўлган ҳолларда талабаларга ёрдам кўрсатиш функциясини бажарадилар. Ўқув жараёнининг умумлашган жиҳатларини бошқаришни педагог, талаба фаолиятининг алоҳида қисмларини бошқаришни эса, бошқарув қурилмалар томонидан олиб борилиши бевосита педагог томонидан қайта ишланадиган ахборотлар камайтиради. Бунинг натижасиде ўқув жараёнини бошқариш мақбуллашади ва унинг самарадорлиги сезиларли даражада ошади. Талабалар билиш фаолиятини бошқарувчи қурилмалар педагог ёки услубнет томонидан олдиндан тузилган дастур асосиде ишлайди. Шунинг учун ҳам, улар фақат олдиндан дастурланган ҳолатларнигина назорат қилади холос. Ўқув жараёниде вужудга келган, лекин олдиндан дастурланмаган вазиятларни бошқариш учун педагог фаолияти зарур бўлади. Бугунги кунде тўла-тўқис дастурланган электрон дарслик яратилмоқде. Бунде талабалар билиш фаолиятини бошқаришда - ўқитувчи, машина ёрдамида (автоматик) ва уларнинг биргаликтиде ҳамде ўз-ўзини бошқариш турларидан унумли фойдаланишни лойиҳалашга эътибор берилиши лозим.

2. Талабалар билиш фаолиятининг ҳар бир қисми бўйича ўқув жараёнини бошқаришни цикеллар бўйича ташкил қилиши. Педагогик технологиянинг бу тамойили, унинг биринчи тамойили билан бевосита боғлиқ бўлиб, педагог

ва бошқарув қурилмаларининг фаолияти унинг тўла-тўқис амалга оширилишини таъминлайди. Бунда, талабаларга тўғридан-тўғри ахборот узатиш билан бирга, улардан ҳам ахборот олиш - қайтувчан алоқа эътиборга олинади.

Бизга кибернетикадан маълумки, бошқарув тизимининг меъёردа фаолият кўрсатиши учун бу машина ва объект (талаба) ўртасида тўғри ва қайтувчан алоқа ўрнатилиши лозим. Қайтувчан алоқа ўқитувчига ҳам, талабага ҳам бирдек - талаба учун ўқув материалини ўзлаштирилишининг бориши аниқлаш, ўқитувчи учун эса йўл қўйилган хатоликларни таҳлил қилиб, педагогик жараёнга тегишли тузатишлар киритиб бориш учун муҳимдир. Талаба мустақил равишда ўз фаолиятига тегишли тузатишлар киритиш учун зарур бўлган қайтувчан алоқа - ички, тузутишлар бошқарувчи қурилма ёки ўқитувчи томонидан бажарилса, ташқи қайтувчан алоқа деб аталади. Ички қайтувчан алоқа туфайли талаба билим ва кўникмаларни онгли равишда ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Бунда ҳеч қандай тушунтириш, маслаҳат бериш, йўлланма бериш кабиларга йўл қўйилмайди.

Маълумки, фақат ташқи қайтувчан алоқа ўрнатилсагина ўқув жараёнини циклик тарзда бошқариш мумкин бўлади, лекин у жуда қимматга тушади. Шунинг учун ҳам, ташқи қайтувчан алоқа баъзан (сўраш ва назорат учун), ички-оператив (тезкор) қайтувчан алоқа эса бевосита ўқув жараёнида амалга оширилади.

3. Ўқув материалини узатишда, унинг моҳиятини очиб бериш учун алоҳида қадамлардан фойдаланиш учинчи тамойилни ташкил қилади. Бу талабнинг бажарилиши дастур материалини барчага тушунарли бўлишини таъминлайди. Қадамлар бўйича ўқитиш-ўқув дастури материалларини алоҳида, мустақил ва ўзаро боғлиқ, ахборотлар сифими жиҳатдан энг мақбул қисм(модул)ларга ажратишни англатади. Бунда талабаларга бир қисмдан иккинчисига ўтиш учун тавсиялар ҳам берилиб, уларнинг тўла ўзлаштирилишини эътиборга олинади. Тўғридан-тўғри ва қайтувчан алоқаларнинг ахборот сифими ва билишга оид ҳаракатларнинг бажариш қоидалари, ўргатувчи дастурнинг қадамини ташкил қилади. Талаба бу қадамларни навбатма-навбат ўзлаштириб, умумий ўқув мақсадларига эришиш томон ҳаракат қилади. Ҳар бир ўқув қадам таркиби ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги учта қисм (кадр)ни қамраб олади: ахборот, қайтувчан алоқа операцияси ва назорат. Ўқув қадамларининг кетма-кетлиги педагогик технологиянинг асосини ташкил қилади. Талабаларнинг дастур (ҳар бир ўқув қадами) бўйича фаолияти ўта индивидуаллашган бўлади.

4. Шунинг учун ҳам тўртинчи тамойил - ўзлаштирилишининг индивидуал суръати деб аталади. Бу тамойилга амал қилиш барча талабалар томонидан (турли вақтларда бўлсада) ўқув материални тўла-тўқис ўзлаштирилишини таъминлайди. Бунда ҳар бир талаба учун алоҳида - унинг руҳий (идроки, диққати, тафаккури) ривожланиши учун энг мақбул бўлган ўқув материални танилаш ва унинг ўзига энг мақбул бўлган ўзлаштириш траекторисини белгилаш зарурати туғилади. Талабанинг ўзлаштириш (сиلاجиш) троекториясини мақбуллаштириш деганда, билиш фаолиятини талабанинг ўзлаштириш имкониятлари - у дучор бўладиган қийинчилик ва хатоликларни баргараф қилишга мос ҳолда ўзгартиши тушунилади. Булар махсус техник қурилмалар ёрдамида амалга оширилади. Бундай воситалар ҳар бир талаба учун энг

мақбул ўқиш режимини излаб тоини ва уни сақлаб туриш бўйича тузилган дастур асосида ишлайди.

5. Бепилчи тамойил талаба шахсининг айрим хислатлари (тезкор реакция, йўналганлик ва ҳ.к.) ни ривожлантирувчи фанларни ўқитишда ўқув материални дастурлаб узатадиган махсус техник воситалардан фойдаланишдан иборат. Бу воситалар ўргатувчи машиналар бўлиб ҳисобланади, чунки улар ёрдамида педагог ўқув жараёнида ўз фаолиятини турли тўлақонликда моделлаш имкониятига эга бўлади. Махсус техник қурилма дейилганда, ҳар бир ўқув қадамини - унинг тўла маъносида (ахборот, операция, қайтувчан алоқа, назорат) амалга оширувчи техник қурилмалар тушунилади. Фақат битта функцияни бажарувчи техник восита шартли дастурловчи восита деб аталади.

6. Билимларни табақалашган ҳолда мустаҳкамлаш қондаси ҳар бир ўқув қадами (бирлиги) турли хил мазмун ва жиҳатларда такрорланади ҳамда пухта ўйлаб танланган бир неча мисолларда кўрсатилади.

7. Топшириқларнинг аста-секин қийинлашиб бориши. Бу тамойил тушунтиришда дидактиканинг осондан-қийинга, соддадан-мураккабга томон юриш тамойилига мувофиқдир.

Юқоридаги тамойиллар педагогик технологиянинг дидактик тизим сифатидаги ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Лекин, улар ўқув жараёнини ташкил этишга оид барча талабларни ўзида акс эттиради, деб бўлмайди. Педагогик технологияда хусусий ҳол сифатида анъанавий ўқитишдан ҳамда дидактиканинг барча тамойилларидан ҳам фойдаланилади (онглилик ва фаоллик, кўргазмалilik, назарияни амалиёт билан боғлиқлиги, ўқитишда узвийлик ва кетма-кетлик, ўқитишни тушунарли ва билимларнинг пухта бўлиши). Педагогик технология тамойиллари ва умумдидактик тамойиллар бир-бирини тўлдиради ва бойитади.

Педагогик технологиянинг қондалари
--

Ўқитишга технологик ёндашувда, аввал ўзлаштирилган ва янги билимларнинг ўзаро боғлиқ бўлишига жуда катта эътибор берилди. К. П. Макварднинг таъкидлашича, ўзлаштирилаётган билимларнинг пухталиги ана шу боғланишнинг мустаҳкамлиги ва кўламига боғлиқ бўлади. Агар бу боғланиш бўлмаса, ўрганилаётган ўқув материални ёдлаш ҳам билимларни шакллантирмайди. Агар янги ва олдинги ахборотларнинг қисмлари, шунингдек, уларнинг ўзлари орасидаги боғланишлар қанчалик мустаҳкам (бой) бўлса, демак, ана шундай мустаҳкам (бой) билимларга эга бўлинди [2;51].

Бу боғланишларнинг энг юқори даражада мавжуд бўлиши педагогик технологиянинг қуйидаги қондаларига биноан амалга оширилади:

1. «Эквивалентли амалиёт» қондаси. Талабани ўқитиш ва бу жараёндан кўзланган ҳаракатлари ва унинг якуний тест топшириғида белгиланган ўқув ҳаракатлари айнан бир хил шароитда ўтказилиши лозим. Бу қонда педагог фаолиятига йўналтирилган.

2. «Аналогик амалиёт» қондаси. Талабалар якуний тест (имтиҳон)да қандай ҳаракатларни кўрсатишлари талаб қилинса, улар ўқув жараёнида

ҳам ана шунга ўқинаш ҳаракатларда машқ қилишлари лозим. Бу қонда талабанинг ўқув фаолиятига йўналтирилган.

3. «Натижани билиш» қондаси. Ҳар бир ўтказилган назорат натижаси талабага тезлик билан маълум қилиниши зарур. Бу қонда Б. Скиннер ва Э. Торндайклар томонидан дастурланган таълимда ҳам қўлланилган эди.

4. «Ижобий мустаҳкамловчи реакциялар» қондаси. Талабанинг эришган ҳар бир ютуғига ўқитувчи ўз вақтида реакция қилиб, уни рағбатлантириб бориши керак. Талабаларнинг нотўғри ўқув ҳаракатлари жазоланмайди. Бу ҳолда талабаларни «Яна бир марта уриниб кўр», «Бу бўлимни бошқатдан ўрганиб чиқишинг лозим» каби илҳомлантирувчи сўзлар билан уларни ишлатишга ундаши лозим.

Педагогик технология қондаларининг қатъий ифодаланганлиги ва уларнинг ўқув жараёни боришини аниқлаши, бу қондалар фақат ўзлаштиришнинг репродуктив даражасидагина (охирги қонда бундан мустасно), ўринли эканлигини, яъни унинг жиддий чекланганлигини кўрсатади. Шунинг учун бўлса керак, кўпгина ғарб педагоглари ўқув жараёнини стандартлаштириш, стеріотип малакаларни шакллантириш, бихевиористик тавсияларнинг камчиликлари эканлигини танқид қилиб, булар талабани ўқитишдан кўра кўпроқ «судраб юришга» йўналганлигини таъкидлайдилар. Шунинг учун ҳам, ўқув фаолиятини бихевиористик дастурлаш ўзлаштиришнинг дастлабки босқичларида қўлланилиши лозим деб ҳисоблайдилар. Лекин талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантиришда эса ижодий изланувчанликка оид педагогик технологиядан фойдаланишини ҳам эътироф этиш лозим.

**Ижодий изланувчанлик даражасига оид педагогик технология**

Агар ўқув мақсадларини майда қисмларга ажратиш яхлит ўқув жараёнини ташкил этишда жиддий қийинчиликлар туғдирса, технологик ёндашувдан воз кечмаган ҳолда унга тенг кучли (альтернатив) ёндашувни топиш мумкинми? Маълумки, ўқув жараёнини ташкил этиш қондасини ўқитиш назариясидан излаш керак. Демак, ўқув фаолиятини бошқача ташкил этиш учун бошқа ўқитиш назариясига мурожат қилиш зарур. Масалан:

1. Бизнингча, ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш (П. Д. Галперин, Н. Ф. Талызина) назарияси ана шундай имкониятлардан бири бўлиши мумкин. Бу назария бихевиоризмдан фарқи ўларок, бевосита кузатиловчи ҳаракатларга эмас, балки идентификацияланувчи ички, ақлий (аффектив) ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантиришни эътироф этади. Шунингдек, Д. Кратволнинг аффектив соҳа бўйича мақсадлар таксономияси ҳам ақлий ҳаракатларнинг босқичма-босқич шаклланишини таъминлайди.

2. Мавжуд психологик-педагогик концепциянинг технологик-амалий томонларини ажратиш.

3. Ўқитувчилар иш тажрибаларининг такрорланувчан томонларини психологик-педагогик нуқтан назаридан таҳлил қилиб оммалаштириб бориш.

Чет эл олимлари педагогик технологиянинг баъзи «қатъий» томонларини бартараф қилишни икки йўналишда олиб бормоқдалар: ўқув фаолиятининг альтернатив моделига мурожаат қилиш (бу қўшнича бихевиористик модельга

жуда яқин), талаба фаолиятини аста-секин репродуктив ўзлаштиришдан юқори даражасига кўтарши.

АҚШ психолог-дидактлари Р. Ганге ва Л. Бритслар томонидан ишлаб чиқилган дарсинг таркибий тўзилишини кўриб чиқайлик. У ахборотларни қайта ишлаш назариясига асосланган бўлиб, аниқ мақсадларга эришиш қўйидаги босқичларда амалга оширилади: 1. Талабалар диққатини жалб қилиш. 2. Дидактик мақсадни тушунтириш. 3. Фаоллаштирилган билим ва кўникмаларни рағбатлантириш. 4. Аниқ реакция пайдо қилувчи ўқув материални тушунтириш. 5. Талабалар реакциясини рағбатлантириш. 6. Қайтувчан алоқани ўрнаттиш. 7. Талабалар эгаллаган билим ва кўникмаларни рағбатлантириш. 8. Талабалар ҳатти-ҳаракатларини баҳолаш. Бироқ бунда репродуктив ўқитишдан кейинги асосий 4, 5, 6, 7, 8 қадамлар ўзининг технологик қайтувчанлик хусусиятини йўқотиб қўймоқда.

Репродуктив кўникмалардан изланувчан (ижодий) кўникмаларни шакллантиришга қандай ўтиш мумкин? Инглиз дидакти А.Ромишовски қўйидаги вариантни таклиф этади: 1. Керакли билимларни етказиш; 2. Репродуктив даражадаги кўникмаларни шакллантириш: а) фаолиятни яхлитлигича ва қисмларга бўлиб кўрсатиш (кўрсатишқўтушунтириш); б) кўникмаларни соддалаштирилган шароитда ўзлаштириш (масала шартини сунъий соддалаштириш, уни айрим қисмларга ажратиш); в) узлуксиз қайтувчан алоқа ва ижобий мустақкамлашга асосланган мустақил ишни ташкил этиш; 3. Изланувчан яратувчанлик фазасига ўтиш: а) турли хил муаммоли вазиятларни - ностандарт мисолларни ечиш, англиатувчи (имитицион) моделлаш; б) талабаларнинг ўз фаолиятларини ўзлари албатта таҳлил қилишлари ва уни ўқитувчи билан мулоҳаза қилиш.

Мисол тариқасида геометриядан теоремани исбот қилишни келтириш мумкин. Ўқитувчи мулоҳазанинг асосий усуларини тушунтиради (1-қадам), уларни бир неча мисолларда кўрсатади (2а-қадам), берилган катталиклардан фойдаланиб, осонроқ йўл билан исботлашга (2б-қадам), сўнгра қийинроқ йўл билан исботлашга оид машқлар ечади (2в-қадам). Сўнгра талабаларга исботлаш учун ностандарт масалалар берилди ва улар кичик гуруҳларга бўлиниб ёки ёзув тахтасида ишлайдилар (3-қадам). Бир вақтни ўзида берилганларни исботлаш бўйича дастлабки фикрларини, таянган ечим усулини, исботлашнинг боришини овоз чиқариб гапирадилар, ўз усулининг самарадорлигини ўзлари баҳолайдилар, уни қайта кўриб чиқадиладар, тенг кучли ижодий ёндашишларни излайдилар (3а-қадам).

Автомобил ҳайдаш кўникмаларини шакллантиришини яна бир мисол тариқасида келтириш мумкин: керакли маълумотларни излаб бориш (1-қадам), кўрсатиш (2 қадам), соддалаштирилган шароитда (тренажерда) машқ қилиш (2б-қадам), сўнгра инструктор ёрдамида мураккаб шароитда машқ қилиш (2в-қадам). Анъанавий усулда ўқиш шу ерда тўхталади. Лекин, баъзан транспорт ҳайдаш машқи шаҳарларнинг турли транспорт зоналарида бир неча соат давомида олиб борилади (3а-қадам). Бунда ҳайдовчи-стажёр йўлда ўзгариб турадиган вазиятларни, ўзининг мулоҳазасини овоз чиқариб гапиради, уларни орқа ўриндида ўтирган инструктор билан таҳлил қилиб боради (3б-қадам).

Биз юқорида бир неча олимларнинг педагогик технология қондаларини қўллашнинг чегаралари тўғрисидаги қарашларин баён қилдик. Булар, албатта, субъектив фикрлардир. Бу танқидий фикрларга қисман қўшилган ҳолда шунин таъкидлаш лозимки, педагогик технология ўқитишнинг фақат репродуктив даражаси учунгина яроқли, деган нуқтаи назарга тўла-тўқис қўшилиб бўлмайди. Тўғри, педагогик технология даслаб ўқитишнинг ана шу даражаси учун ишлаб чиқилган, зеро, ҳар қандай ўзлаштириш жараёнининг негизида хотира кучи ётади. Лекин В.Блум таксономиясининг юқори босқичлари (таҳлил, синтез, баҳолаш) талабаларнинг аффектив (ички) ривожланишини акс эттиради ва бу тоифадаги ўқув мақсадлари Д. Кратвол томонидан тўла-тўқис баён этилган. У ўқитишга муаммоли изланувчанлик бўйича ёндашишда ўз аксини топган. Д. Кратвол бўйича ўқув мақсадларининг тоифалари, П. Д. Галперин ва Н. Ф. Тализина таклиф этган ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш билан уйғуллашиб кетади.

Демак, педагогик технология қондаларини ўқув жараёнига тўла-тўқис тадбиқ этилишини таъминлаш, бу қондаларнинг моҳияти, имкониятлари ва уларнинг умумдидактика қондалари билан уйғуллашиш имкониятларини тўлароқ таҳлил қилиш билан чамбарчас боғлиқ.

#### Мустақил таълим учун топшириқлар

1. Мутахассислик бўйича касб-ҳунар коллежи ўқув режасидаги махсус (умумтехник) фанидан 10 та ўргатувчи (ўқитувчи) тест тузинг.
2. Педагогик технология тамойилларини дидактика тамойиллари билан таққослаб, ўз фикрингизни ёзма равишда баён қилинг.
3. Педагогик технология қондаларига нисбатан ўз мулоҳазангизни ёзма равишда баён қилинг.
4. Назорат тестларини ечиб, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни аниқланг. Юқорироқ балл олмақчи бўлсангиз, мавзу матнига муурожаат қилинг.

#### Фойдаланган адабиётлар

##### а) асосий адабиётлар

1. Беспалько В. П., Татур Ю. Г. Системно-услугбическое обеспечение учебно-воспитательного процесса подготовки специалистов.-М.: «Вўсш.шк.»,1989.-144 с.
2. Кларин М. В. Педагогическая технология в учебном процессе.-М.: «Знание»,1989.-80 с.
3. Фарберман Б. Л. Прогрессивные педагогические технологии. -Т.: ИПВССШ 1999.-80с.


#### Назорат учун тест топшириқлари

1. Мезолий ўқитишда жорий ва оралиқ назоратлар баҳоланадими?  
Жавоблар: А - Ҳа; Б - йўқ; В - Билмайман.



- II. Ўргатувчи (ўқитувчи) тестларда тўғри жавоблар 1) \_\_\_\_\_ ва 2) \_\_\_\_\_ қайси бетида жойлашганини кўрсатилади.
- III. Ўргатувчи (ўқитувчи) тестлар ўқув материаллини \_\_\_\_\_ ўзлаштирилишини таъминлайди.

IV. Такрорланувчан ўқув цикли таркибий тузилиш схемасини тўлдиринг ва мазмунини тушунтиринг.



V. Мувофиқликни аниқланг.

- A. Эквивалентли амалиёт  
 Б. Аналогик амалиёт  
 В. Бошқарувчи қурилмалар тизими  
 Г. Натижани билиш  
 Д. Циклик бошқариш  
 Е. Ўқув қадамлари  
 Ё. Индивидуал суръат  
 Ж. Циклий мустақамловчи реакциялар  
 З. Махсус техник қурилмалар  
 И. Топшириқларнинг қийинлашиб бориши

VI. Педагогик технология тамойиллари дидактика тамойилларини инкор қиладими?

Жавоблар: А - Ҳа; Б - Йўқ; В - Билмайман

VII. Педагогик технология қондалари ўзлаштиришнинг \_\_\_\_\_ даражасида кўпроқ амал қилади.

VIII. П. Д. Галперин ва П. Ф. Талызина назарияси \_\_\_\_\_ босқичма-босқич шакллантиришини ифодалайди.

IX. Р. Ганье ва Д. Бригелар таклиф этган дарс таркиби:

- А. Талабалар диққатини жалб қилиш.  
 Б. \_\_\_\_\_ тушунтириш.  
 В. Фаолаштирилган билим ва кўникмаларни \_\_\_\_\_  
 Г. Аниқ реакция пайдо қилувчи \_\_\_\_\_ тушунтириш.  
 Д. Талабалар реакциясини рабатлантириш.  
 Е. Қайтувчан алоқа ўрнатиш.  
 Ё. Эгалланган билим ва кўникмаларни \_\_\_\_\_  
 Ж. \_\_\_\_\_

Х. Репродуктив кўникмалардан ижодий кўникмаларга ўтиш варианты

- а) \_\_\_\_\_ томонидан таклиф этилди. У куйидаги босқичлардан иборат:  
 1. \_\_\_\_\_

2. Репродуктив даражадаги кўникмаларни шакллантириш;

- а) Фаолиятни яхлитлигига ва \_\_\_\_\_ кўрсатиш.  
 б) Кўникмаларни соддалаштирилган шароитда \_\_\_\_\_ ўзлаштириш.  
 в) \_\_\_\_\_ ташкил қилиш.

3. Изланувчан, яратувчанлик фазасига ўтиш.

- а) Турли хил \_\_\_\_\_ ностандарт мисолларни ечиш ва \_\_\_\_\_  
 б) Талабалар томонидан ўз фаолиятларини ўзлари \_\_\_\_\_ ва \_\_\_\_\_

Тўғри жавоблар

Топшириқлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX
Жавоблар	А	1) дикция. 2) кўлаша	мустиқил.	93-бетга қаранг	Г-В, Д, Е, З, И; 2-А, Б, Г, Ж	Б	Репродуктив.	Ақлий ҳаракатлар.	2. Диджитик мақсадини тушултириш. 3. Рабағат лаштириш. 4. Уқув материаллини 7. Рабағатлаштириш. 8. Баҳолаш.

Х

А.Ромищевски

1. Керакли билимларни етказиш;  
 2. а) қисмларга ажратиш; в) узлуксиз қайтувчан алоқани  
 3. а) муаммоли вазиятларини, имитацион моделлани;  
 в) таҳлил қилиш ва ўқитувчи билан мулоҳаза қилиш.

**Тўла ўзлаштиришга эришнинг гоёсининг вужудга келиши ва ривожланиши**

Ҳаммага ҳамма нарсани ўргатиш - педагогиканинг асосий вазифаси бўлиб, у ўз даврида Я. А. Коменский томонидан олға сурилган эди. Ҳозирги тил билан айтганда, ўқув юрти битирувчилари

қандай билимга эга бўлиши зарурлигини аниқлаш шу куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Чунки Ўзбекистон Республикаси таълим стандартларида узлуксиз таълимнинг ҳар бир бўғини битирувчиларига аниқ талаблар қўйилган. Бу муаммонинг мураккаблиги шундаки, у ўқув режасига қанча ва қайси фанлар киритилиши ва бу фанларни барча талабаларга ўқитилиши билан боғлиқ эмас. Маълумки, барчага бир хил тушунтирилган ўқув материални турли талабалар турлича даражада ўзлаштирадилар. Натижада ўзлаштириш ёйилмаси пайдо бўлади, унинг энг кўп қисми ноаниқ тасаввур соҳасида ёки ундан ҳам пастда бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, қандай қилиб ўзлаштириш ёйилмасини ихчамлаш ва ўзлаштирмаслик сабабларини қандай бартараф этиш керак?, каби саволларга жаҳон педагоглари жавоб излай бошладилар. Дастлаб, ўрта мактабда иккинчи йилга қолдириб, ўқув циклини тўла қайтариш лозим деган фикр пайдо бўлди. Сўнгра эса ақлий ривожланиши бир хил талабаларни алоҳида (гомоген) синфларга ажратиш зарур, деб топилди. Лекин булар мактабнинг ҳамма талабаларини ўқитишда юқори натижаларга эришиш вазифаларини ҳал этишнинг шошилмиш чоралари эди, холос.

Бу вазифа айнан тўла ўзлаштириш услуби номи билан юритилган ўқитиш ситемасида тўла-тўқис ҳал этилди. Тўла ўзлаштириш услуби ўтган асрнинг 60-йилларда Америка психологлари Ж. Кэрролл ва Б. Блумлар таклиф этган гоёга асосланган. Улар қўйидаги фикрлардан келиб чиқдилар: ўзлаштириш ёйилмаси пайдо бўлишининг асосий сабаби - талабалар ўқиш қобилиятининг турлича эканлигидир. Шу билан бирга, Ж. Кэрролл мавжуд ўқиш жараёнининг барча шартлари (ўқиш вақтининг бир хиллиги, ахборотни узатиш усуллари ва фанларнинг бир хиллиги ва ҳ.к.) тўла аниқланганлиги ва фақат ўқитиш натижасигина аниқ белгиланмаганлигига жиддий эътибор берди. Ж. Кэрролл ўқитиш натижаларини аниқ ва ўзгармас бўлишини таклиф этди. Унинг фикрича, ўқув жараёнининг барча шартларини олдиндан белгиланган натижага мувофиқ ҳолда ўзгартириш мумкин бўлади.

Бундай ёндашиш Б.Блум томонидан ҳам маъқулланди. У талаба қобилиятини ўртача шароитда эмас, балки ҳар бир талаба учун энг мақбул танланган шароитдаги ўзлаштириш суръати билан аниқлашни таклиф этди. Б.Блум талабалар қобилиятини турли фанларнинг ўқитилишида, материални ўрганиш учун чекланмаган вақтдан фойдаланишни таклиф этди. У талабаларни қўйидаги топфаларга ажратади [1]:

1. Кам қобилиятлилар (5 фоиз атрофида) жуда кўп вақт сарфланганда ҳам белгиланган билим ва кўникмалар даражасини эгаллай олмайдилар.
2. Иқтидорли болалар (5 фоиз атрофида) бошқаларнинг кучи етмаган топшириқларни уддалайдилар ва юқори суръатда ўзлаштирадилар.
3. Олдий қобилиятли талабалар кўпчиликни ташкил этадилар (90 фоиз атрофида) ва ўзлаштириш қобилиятлари ажратилган вақтга боғлиқ бўлади.

Бу маълумотлар асосида ўқув жараёни тўғри ташкил этилса ва унга ажратилган вақт қатъий чекланмаса, 95 фоз талабалар материални тўла ўзлаштиришга эришишлари мумкин, қолганлари эса тўла ўзлаштири олмайдилар, деган фикрга келинди. Агар ўқиш шартлари (услублар, усуллар, ўқув материали, ажратилган вақт) барча учун бир хил бўлса, талабаларнинг кўпчилиги билим ва кўникмаларни эгаллашда «ўртача» натижага эришадилар. Талабаларнинг қобилияти бўйича тақсимланиши ва улар эришган ўқув натижалари ёйилмаси орасидаги бундай боғлиқлик Б. Блум тажрибасида тасдиқланди. У талабалар қобилиятларини ўқитишдан олдин аниқлади ва ўқув натижаларига кўра юқори қобилиятли талабалар юқори кўрсаткичга, ўртача қобилиятлар эса ўртача ва паст қобилиятлилар паст кўрсаткичларга эришганликларини кайд қилди. Лекин одатдаги ўқитишдан фарқи холда, ўқув жараёнини энг мақбул ҳолда ташкил этилса (энг аввало, ўқитиш суръати бўйича), ўқув материални деярли барча талабалар томонидан ўзлаштиришга эришилган. Бу ҳолда талабалар қобилиятлари ва ўзлаштириш натижалари ўртасидаги боғлиқлик сезиларли даражада пасаяди, яъни фақат юқори қобилиятли талабаларгина эмас, балки ўртача ва паст қобилиятлилари ҳам юқори даражаларга эришишлари мумкин. Шундай қилиб, тўла ўзлаштириш моделига асосланган ўқитишнинг асосий белгиларидан бири, деярли барча талабалар эриша оладиган юқори даражадаги ўқув натижаларининг белгиланишидир. Ж. Кэрролл ва Б. Блумларнинг бундай назарий ёндашишларини амалга ошира бориб, Ж. Блок ва Л. Андерсенлар тўла ўзлаштириш асосида ўқитиш услубини ишлаб чиқдилар.

Бу тизимда ишлайдиган ўқитувчи: барча талабалар ўқув материални тўла ўзлаштири оладилар, менинг вазифам ўқув жараёнини тўғри ташкил этиб, уларга ана шунинг учун имконият яратилиши зарур, деб ўз олдига мақсад қўйиши - тўла ўзлаштириш услубининг дастлабки қоидаси бўлиб ҳисобланади. Сўнгра ўқитувчи тўла ўзлаштириш моҳияти ва барча талабалар қандай натижаларга эришишлари зарурлигини аниқлаши лозим.

Фан (курс) бўйича ўқув материални тўла ўзлаштириш эталонини аниқ ифодалаш, бу тизимда ишлашнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Юқорида баён этилганидек, (2,3 мавзулар) ўқув мақсадларини аниқлаштириш бўйича ҳаракат тартиби ва ўқув мақсадлари таксономиясидан фойдаланган ҳолда ўқитувчи ўз фани бўйича ўқув мақсадларини мумкин бўлган даражагача майда бўлақларгача аниқлаштиради. Эришиш лозим бўлган аниқ якуний натижалар рўйхати тузилади. Булар асосида белгиланган мақсадларга эришилганликни аниқлаш учун тест топшириқлари тузилади. Демак, якуний назорат тест топшириқлари сони, кўйилган ўқув мақсадлари сонига тенг бўлиши зарур. Сўнгра ўқитувчи ўқув материални батафсил таҳлил қилиб, уни алоҳида қисмларга - фрагментлар (ўқув бирликлари) га ажратади. Ҳар бир ўқув бирлиги маънавий якунланган яхлит қисм бўлиб, уларни аниқлашда ўқув соатларининг ҳафталик тақсими ҳам эътиборга олинishi лозим.

Ўқув бирликлари аниқлангандан сўнг, уларнинг ҳар бири бўйича ўқитиш натижалари аниқланади ва улар асосида жорий назорат тест топшириқлари тузилади. Бу топшириқлар ҳар бир ўқув бирлигини ўзлаштирилган сўнг талаба эришиши зарур бўлган натижаларга мос ва уларни аниқ ифо-

далани зарур. Иборат назорат тест топшириқлари таъхис характериға эға бўлиб, улар ўз вақтида тегишли ўқув жараёниға тузатишлар киритилишини, қўшимча ўқув ҳаракатлар тартиби киритилишини аниқлашға ёрдам беради.

Навбатдағи босқич ҳар бир тест саволлари бўйича унга тенг кучли (альтернатив) қўшимча ўқув материални тайёрлашдир. Булар, айрим талабалар ўзлаштира олмаган материалларни қўшимча ўрганишларига мўлжалланган ва дастлабки (асосий) ўқув материалдан фарқи бўлиб, ўзлаштириш усулларини танлашда талабаларға ёрдам берадилар.

Бу услуб амалда қуйидағи қадамлар кетма-кетлиғидан иборат бўлади:

- кириш қисми - талабаларни тўла ўзлаштириш услуби бўйича ишлашға йўналтириш;
- ҳар бир ўқув бирлигини тўла ўзлаштирилишини таъминлаш;
- ўқув материални ҳар бир талаба томонидан ўзлаштирилиши тўлақонлигини аниқлаш (тест);
- ҳар бир талабаға қўйилган баҳони тезлик билан изоҳлаш;

Қўшимча материал тузиш талабаларни тўла ўзлаштириш услуби бўйича ишлашға йўналтирилишининг энг муҳим вазифалардан бири бўлиб, у қуйидагилардан иборат. Энг аввало, ўқитувчи ўзлаштириш тўла бўлиши учун ҳар бир ўқув бирлиги бўйича нималарни ўзлаштириш зарурлиғига батафсил тўхталади. Бунда у фан бўйича ўзи тузган, аниқлаштирилган мақсадлар жадвалини талабаларға кўрсатиши мумкин. Янада батафсилроқ тушунтириш мақсадида олдиндан тузилган тест топшириқлардан фойдаланиб, талабаларға яқуний баҳолаш топшириқларини кўрсатади. Лекин яқуний баҳолаш айнан шу тест билан ўтказилмайди, балки у саволлар ёки жавоблар тартиби, саволларнинг маъноси сақланган ҳолда бошқача шаклда тузилган топшириқлардан фойдаланилади. Сўнгра, ўқитувчи талабаларға материални тўла ўзлаштириш учун қандай ўқиш кераклигини тушунтиради. Бунда қуйидагиларға алоҳида эътибор берилади:

1. Синф (гурух) талабаларнинг ҳаммаси яхши натижаларға эришадиган янги услуб билан ўқийди.

2. Ҳар бир талаба фан бўйича баҳони фақат яқуний назоратдан кейингина олади.

3. Ҳар бир талабанинг билими бошқаларға нисбатан эмас, балки фақат олдин тузилган эталон-мақсадға солиштириб баҳоланади (эталоннинг энг юқори кўрсаткичини айтиш керак).

4. Ушбу эталонға эришган ҳар бир талабаға юқори баллар қўйилади.

5. «Аъло» баҳолар (юқори баллар) сони чегараланмайди. Шунга мувофиқ ўзаро ёрдам ҳар бир талабанинг аъло баҳо олишиға имконият беради. Агар барча талабалар бир-бирини ёрдам берсалар, синфдағи барча талабалар ҳам аъло баҳо олишлари мумкин.

6. Ҳар бир талабаға зарур бўлган ҳар қандай ёрдам кўрсатилади. Агар бир усулда ўзлаштира оломаса, унга бошқа усулдан фойдаланиш таклиф этилади.

7. Фанни ўқитиш жараёнида ҳар бир талаба таъхисли текиширув ишлар тўнлами билан таъминланади. Улар талабани ўзлаштирилишида аста-секин силжишини таъминлайди. Бундай текиширишлар натижаи баҳоланмайди, улар фақат талабаларға ўз хато ва камчиликларини аниқлашға, уларни ўз вақтида тузатишға ёрдам беради.

8. Жорий текириув тоншириқларини бажара олмаган талабага дарҳол альтернатив (тег кучли) ўқув тоншириқларини танлаш таклиф этилади. Уларга йўл қўйилган хато ва тушунмовчиликларини бартараф қилишга ёрдам берилади.

9. Бундай имкониятлардан ўз вақтида зудлик билан фойдаланиш керак, акс ҳолда хато ва тушунмовчиликлар йиғилиб, келгуси ўқув материални ўрганишда жиддий қийинчиликлар туғдиради.

Бундан ўқитишнинг дастлабки босқичидаёқ бу тизимнинг асосий технологик белгиси - ўқув жараёнини олдиндан белгиланган аниқ мақсадга йўналганлиги сезилиб турибди. Ўқув жараёни олдиндан тузилган ўқув бирликларига мувофиқ ҳолда блокларга ажратилади. Ўқув бирликларининг кетма-кетлиги ўқитувчи томонидан танланган қўлланма (дарслик) асосида тузилади. Янги материални тушунтириш ва уни қайта ишлаш одатдагидек олиб борилади. Лекин ҳар бир талабанинг фаолияти аниқлаштириб белгиланган ўқув мақсадларига мос ҳолда ташкил этилади. Барча талабалар ҳар бир ўқув бирлигини тўла ўзлаштирганларидан сўнг ташхис тести ўтказилади ва унинг натижаси дарҳол эълон қилинади. Билим ва кўникмаларнинг тўла ўзлаштирилиши, баҳолашнинг асосий мезони бўлиб ҳисобланади. Текширув иши баҳолашиб бўлгандан сўнг талабалар икки гуруҳга: билим ва кўникмаларини тўла ўзлаштирганлар ва тўла ўзлаштирмаганларга ажратилади. Тўла ўзлаштирганлар қўшимча материаллар ўқиши, бошқаларга ёрдам бериши ёки навбатдаги ўқув бирлигини ўқиш бошлангунча бўш бўлиши мумкин. Ўқитувчи асосий эътиборни тўла ўзлаштира олмаган талабаларга қаратади, улар билан ёрдамчи (коррекция) ўқув ишларини олиб боради. Бунинг учун аввал, талабаларнинг билими ва кўникмаларидаги камчиликлар, материалнинг энг қўп талабалар ўзлаштира олмаган қисми аниқланиб, машғулотлар синфнинг барча талабаларига ўттилади. Баён этиш яна қайтарилади, лекин у бошқа усулда, олдин қўлланилмаган кўргазмалар ва техник воситалардан фойдаланган ҳолда олиб борилади. Якка тартибдаги камчилик ва хатоларни тузатиш учун ҳар бир талаба билан алоҳида иш олиб борилади. Бунда 2-3 кишидан иборат кичик гуруҳлар билан ишлаш, уларнинг бир-бирига ёрдам бериши ёки мазкур ўқув бирлигини тўла ўзлаштирган талабаларни уларга бириктириши кабилар ишнинг ташкил этишнинг асосий шакллари бўлиши мумкин.

Ёрдамчи машғулот ташхис тести ўтказилиш билан якунланади, ундан сўнг материални тўла ўзлаштираолмаганлар билан яна қўшимча машғулот ўтказилади. Гуруҳдаги (гуруҳдаги) барча талабалар белгиланган даражадаги билим ва кўникмаларни тўла ўзлаштирганларидан сўнг навбатдаги ўқув бирлигини ўрганиш бошланади.

Жорий ўзлаштиришдаги баҳолар асосан оғзаки шаклда бўлиб, талабалар руҳини кўтариш учун хизмат қилади. Уларнинг умумий маъноси: «Сен шунча саволга тўғри жавоб берибсан, бу яхши натижа, агар бошқа бўлимлар бўйича ҳам мана шунақа натижаларга эришсанг, якуний назоратда «аъло» баҳо олишинг мумкин», ёки «Агар мана бу саволларга ҳам жавоб берганингда, у сени яхши ўзлаштираётганингни билдирар эди, ҳозирча қайси саволларга эътибор бериш кераклигини кўриб чиқайлик» (Ижобий мустаҳкамловчи реакциялар қондаси).

Бу услубнинг муҳим томони-тўла ўзлаштириш эталонини аниқ белгилаш ва ифодаланидан иборат. Унинг асоси эса ўқув мақсадларини аниқлаштириш бўлиб ҳисобланади. Уларни қуйидагича ифодалаш мумкин: а) талабанинг аниқ ифодаланган ўқув ҳаракатлари билан; б) кўрсатилган тўғри жавоблар сони билан. Иккинчи ҳолда мезон 80-90% даражасида белгиланади. Илмий текширишлар кўрсатганидек, бундай даражани белгилаш мустақкам ижобий натижа беради ва кўпчилик талабаларни фанга қизиқинчи, умуман, ўқишга бўлган ижобий муносабатлари сақланиб қолади. Мезонни 75 фоизга тушириш эса натижани ёмонлаштиради.

Ҳар бир ўқув бирлиги доирасидаги ўқитувчи фаолияти қуйидаги кетма-кетликни ташкил этади:

1. Талабаларни ўқув мақсадлари билан таништириш.
2. Мазкур бўлим (ўқув бирлиги)ни ўқитиш режаси билан барча талабаларни таништириш.
3. Ўқишни ташкил қилиш (илжи борича дастлаб ўқитувчи томонидан материални баён қилиш шаклида).
4. Жорий текширувни ўтказиш (ташҳис тести).
5. Текширув натижаларини баҳолаш ва материал мазмунини тўла ўзлаштирган талабаларни аниқлаш.
6. Тўла ўзлаштирмаган талабалар билан қўшимча машғулот ўтказиш.
7. Ташҳис тести ёрдамида ўқув бирлигини тўла ўзлаштирган талабаларни қайта аниқлаш.

Ўқув фани бўйича якуний текшириш ўқитувчи томонидан ўқишнинг бошланишида тузилган бир ёки бир неча назорат ишлари асосида ўтказилади. Уни ўтказиш вақти олдиндан талабаларга маълум бўлиши керак. Талабалар ишни бажара бориб, жавобларни ўқитувчи олдиндан тайёрлаб қўйган бланкаларга белгилайди. Ишни тўғри бажарилганлигини талабаларнинг ўзлари текширадилар. Жавобларни тест калити билан таққослаб, нотўғри жавоб берилган топшириқларни чизиб, тўғри жавобларни эса доира билан белгилаб, бланкаларни ўз эгаларига қайтарилди. Ўқитувчи жавоб бланкаларига қарамасдан ёзув тахталарига фан бўйича тўла ўзлаштириш эталонини осиб қўяди. Талабалар эталон бўйича ўзининг якуний баҳоларини аниқлайдилар. Якуний баҳога бундай очиқ ва ошқора ёндашиш, ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни баҳолашнинг бирдан-бир асоси эканлигини тўғридан-тўғри исботлайди.

Одатда, якуний баҳо икки хил: «тўла ўзлашгирди» ва «тўла ўзлаштира олмади» кўринишида бўлиши лозим. Лекин бу услуб билан ишлаш тажрибаси уни дастлабки қўллашда талабаларнинг 30-50 фоизигина материални тўла ўзлаштири олишини кўрсатди. Шунинг учун ҳам дастлабки ҳолларда ўқитувчи олдиндан ўзлаштири олмаган талабалар учун «яхши» ва «қониқарли» баҳолар эталонини ҳам тайёрлаб қўйиши зарур.

Ўқитувчи текширув варақларини ҳамма талабалардан йиғиштириб, ҳар бир талаба учун батафсил ахборот тайёрлайди ва ўқув бирлиги бўйича якуний назорат натижаларига аниқлик киритади. Бунинг учун ўқитувчи томонидан тўла курс бўйича тузилган ўқув мақсадлари жадвалидан фойдаланилади (4-жадвалга қarang). Ўқув мақсадларини белгилашда ишлатилган (К -) белгилари - «т»-тўла ўзлашгирди ва «ч»-чала ўзлашгирди белгилари билан алмаштирилади. Бу талабаларга ўз билим даражасини аниқлаш ва ундаги камчи-

ликларни тезроқ бартараф қилиш. агар лозим бўлса, қайта тонширини ҳамда навбатдаги материални ўзлаштиришга тайёргарлик кўришда уни эътиборга олиш имкониятини беради.

**Тўла ўзлаштириш технологиясининг ютуқ ва камчиликлари**

Тўла ўзлаштириш технологияси бўйича ўқитиш халқаро миқёсда кенг тарқалган. Бу тизим бўйича тажрибавий ишлар Австралия, Буюк Британия, Бельгия, Бразилия, Индонезия, Жанубий Корея, Тайван, Малайзия ва бошқа мамлакатларнинг кўпчилик мактабларида олиб борилмоқда. Бошқа педагогик тизимларга нисбатан технологик ўқитиш тизими ўзининг муқаррарлиги ва кўпгина кўрсаткичлар бўйича такрорланувчанлик хусусиятига эга бўлганлиги, олиб борилаётган тажрибавий ишлар натижаларини қиёсий таҳлил қилиш имкониятини беради. Ўтказилган тажрибалар 90 фоиз ҳолатда бу тизимнинг самарали эканлигини кўрсатди. АҚШда бу тизим турли ёшдаги болаларни ўқитишда қўлланилди, энг юқори натижа эса 5-6 синфларда кузатилди. Уни юқори синфларда ва коллежларда қўллаш ҳам ижобий натижа берган.

Америка, Австралия ва Жанубий Корея олимларининг маълумотларига қариганда, тўла ўзлаштириш технологияси бўйича ўқитиш тизими турли ақлий ривожланиш даражасидаги болаларни ўқитишда ҳам яхши натижа беради. Шу билан бирга интеллектуал тест натижасида «кучси» деб топилган ўқувчиларнинг ўзлаштириши ҳам сезиларли даражада кўтарилади, юқори ривожланиш даражасига эга бўлган ўқувчилар янада юқори ўзлаштириш кўрсаткичларига эришганлар.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Жанубий Кореяда ўтказилган тажрибаларда 50 минг ўқувчи қатнашган бўлиб, улардан 75 фоизи энг юқори кўрсаткичларга эришган. Одатдаги ўқитиш тизимида бундай юқори кўрсаткичларга фақат ўта қобилиятли болаларгина эришганлар. Бошқа бир қатор мамлакатларда ўтказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, бу тизимнинг қўлланиши натижасида ўртача қобилиятли талабалар ҳам юқори натижаларга эришиш учун имкониятга эга бўладилар (90 фоиз). Одатдаги ўқитиш тизимида эса бундай натижаларга жами талабаларнинг фақат 80-85 фоизигина эришишлари мумкин бўлган.

Лекин тўла ўзлаштириш услуби баъзи камчиликлардан ҳам холи эмас. Бунинг моҳияти нундаки, бу услубнинг самардорлиги фақат аниқлаштириб ифодалаш мумкин бўлган ўқув мақсадлари билангина баҳоланади. Юқорида таъкидланганидек, фақат ўқув жараёнида такрорланувчан мақсадларгина аниқлаштиришга мойил бўлади. Бу услуб имкониятларининг чекланганлик характерга эга эканлигини норвегиялик олимлар ҳам таъкидлаб ўтганлар. Улар бу тизимни фақат кўйидаги хусусиятларга эга бўлган ўқув жараёнларига қўллаш мумкинлигини кўрсатиб ўтадилар: а) ўқув материални алоҳида, аниқ таркибий қисм (фрагмент)ларга ажратилиш мумкин бўлиши керак; б) ўқув материални узвий ва ўзаро боғлиқ бўлиши керак (масалан: математика ва табиий фанлар бўлимлари), яъни фанлараро боғланишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Эстония педагоглари П. У. Крейтсберг ва Э. В. Круллар ҳам тўла ўзлаштириш тизимига ижодий ёндашиб, унинг асосида ўзига хос ўқитиш услубини янгилаб чиқдилар. Улар тўла ўзлаштириш концепциясига кўйидаги ўзгар-



тиришлар киритилиши лозимлигини таъкиф этидилар: а) унинг қўлланиш чегарасини аниқлаш; б) ўқув материални асосий ва ёрдамчи қисмларга ажратиш; в) бу услубда ривожлантирувчи ўқув фаолияти имкониятларини ҳам эътиборга олиш. Улар тўла ўзлаштириш услубини такомиллаштиришда бу услубни муаммоли (изоланувчанлик) характерга эга бўлмаган ҳамда аниқ ва кетма-кет жойлашган ўқув бирликларга бўлини имкониятини эга бўлган фанларни ўқитишга қўллашга асосландилар.

Тўла ўзлаштириш услубининг эстонча варианти қуйидаги характерли белгиларга эга: а) тўла ўзлаштириш талаби ўқув материалининг тўла ҳажмига эмас, балки билим ва кўникмаларнинг ажратилган энг зарур, минимал қисмигагина қўйилади; б) қўшимча ва ривожлантирувчи характердаги машғулотлар ўтказиш махсус тарзда белгиланади. Ташхис тестидан ўта олмаган талабалар фақат яна икки марта тестга киритилади, агар бунда ҳам тўла ўзлаштириш олмасалар, бутун синф билан навбатдаги материални ўзлаштиришга рухсат берилади.

*Эстонияда сўнги йилларда ўтказилган тажрибалар тўла ўзлаштириш технологиясини синф-дарс тизимида қўллашга ҳам имкон берди. Натижада ўзлаштириш 60 фоизга, ўқув материални тушуниш ва қўллаш даражасида ўзлаштирилганлар сони эса уч марта ортди. Ўқитувчиларнинг вақт сарфи меъёри ҳам аниқлаштирилди. Агар у чет эллик олимлар томонидан 10-50 фоиз деб қайд қилинган бўлса, эстон олимлари томонидан қўлланганда дастлабки пайтларда, у 50 фоизни ташкил этиб, сўнгга аста-секин камайиб борди. Лекин қўшимча вақт сарфи узоқ муддатли тўла ўзлаштириш самарадорлиги билан қопланади, чунки бу ўқинишнинг кейинги босқичларида юқори кўрсаткичларга эришишнинг муҳим омилларидан биридир. Эстон педагоглари услубининг ўзига хос самараси яна шундан иборатки, улар дастур бўйича ўқув материални ўтиш вақтига ҳам аниқлик киритдилар (ташхис тести фақат икки марта топширилади). Бу юқоридан мажбурий тарзда белгиланган ўқув вақти тақсироти асосли равишда қайта кўриб чиқиш ва бу блокда талабалар фаолиятидаги ортинча зўриқишларни бартараф қилишга имконият яратади.*

Кўп ҳолларда тўла ўзлаштириш технологияси бир ёки бир неча чуқурлаштириб ўқитиладиган фанларни ўқитишда қўлланилади. Бунда қўшимча зарур вақт дарсдан ташқари ўтказиладиган машғулотлар ҳисобидан қопланиши мумкин. Агар бу технология бир неча фан ўқитилишида қўлланиладиган бўлса, ўзлаштириш суръати паст бўлган талабалар аничагина қийин аҳволда қолидилар. Бундай талабаларга ёрдам бериш мақсадида қўшимча машғулотлар ўтказишдан ташқари бир неча ўқитувчилар ўзаро келишиб, уй вазифасини бажаришнинг махсус дастурини ишлаб чиқишлари лозим. Танлаб ўқитиладиган фанлардан бир-иккитаси бекор қилинади. Бу асосий фанларнинг талабалар томонидан тўла ўзлаштирилишига имконият яратади. Умуман олганда, иккит муаммоси тўла ўзлаштириш тизимида ҳам, одатдаги ўқитиш тизимида ҳам охиригача ҳал этилмаганлигини (талабаларнинг бир қисмини чақин ўқитириши билан чегараланганлигини) таъкидлаш лозим.

Тўла ўзлаштириш назарияси ва технологияси ўқув юрслари муаммосига янгича назар ташлашни дегуват этади. Ушн оммавий тарзда қўлланиши, ё ўқитиладиган материал мазмунини қисқартириш ҳисобига вақт меъёрини

сақлаш ёки вақт метёрини кенгайтириб, ўқув материали ҳажмини сақлаб қолишни тақозо этади. Биз фақат Б. Блум таксономиясининг «тушунish» топфаси даражасигача ўзлаштириш ҳақида фикр юритянимиз.

Агар барча талабалар учун эталон-мақсад сифатида изланувчанлик фаолиятини ҳам ўз ичига олган янада юқори даражадаги ўқув мақсадлари (тахлил, синтез) белгиланган бўлса, ўқитиш учун ажратиладиган вақт қанча бўлиши керак? Бундай ўқув мақсадларига эришиш учун талаба улардан олдинги даражаларни ҳам эгаллаган бўлиши лозим. Демак, ўқитиш вақти, шунингдек, ўқитувчи меҳнати ҳам сезиларли даражада ортиб кетади.

Юқоридагиларни хулосалаб шуни айтиш мумкинки, тўла ўзлаштириш асосида ўқитиш барча фанларни ўзлаштиришнинг идеал шакли бўлиши билан бирга бир неча муҳим муаммоларнинг ҳал этилишини ҳам тақозо қилади: барча талабалар қайси фанлардан қандай даражадаги натижага эришилари, бунинг учун қандай шарт-шароитлар яратиш лозим ва уларнинг самараси қандай бўлади? Бунинг учун қандай моддий ва кадр ресурслари зарур бўлади? Келажакдаги педагогик изланишлар ана шу каби саволларга жавоб топиши лозим.

Умуман олганда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнини, айниқса касб ўргатиш жараёнида тўла ўзлаштириш технологиясига амал қилишни юқори натижа бериши муқаррардир. Чунки бу битирувчилар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Давлат стандартларида билимларини ва касбий кўникмаларининг тўла-тўқис ўзлаштиришлари, яъни, уларнинг келажакини ҳам тўла-тўқис лойиҳалашларини таъминлашлари зарур.

Тиббиёт, санъат ва бошқа олий ўқув юрглари тажрибалари тўла ўзлаштириш технологиясини олий ўқув юргларида қўллаш ҳам ижобий самара беришни кўрсатмоқда.

### Муस्ताқил таълим учун топшириқлар

1. Назорат тестларини ечиб, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни аниқланг. Юқорироқ балл олмақчи бўлсангиз, мавзу матнига мурожаат қилинг.
2. Тўла ўзлаштириш технологияси бўйича машғулотни лойиҳалашни машқ қилинг.

### Назорат учун тест топшириқлари.

I. Ж. Кэррол ва Б. Блум таклиф этган тўла ўзлаштириш ғояси ўқув мақсади, \_\_\_\_\_ ва якуний натижанинг ўзаро мослиги асосланган.

II. Талабалар билим қобилиятлари бўйича қуйидаги уч топфага ажратилдиллар:

A. \_\_\_\_\_ (5 фойз атрофида).

B. \_\_\_\_\_ (5 фойз атрофида).

B. Оқдий қобилиятлилар (90 фойз атрофида).

III. Ж. Блок ва Л. Андерсенлар ишлаб чиққан услубда тўла ўзлаштириш эталонини аниқ ифодалангани, ўқув мақсадлари I) \_\_\_\_\_ бўлишиди, эри-

Шини лозим бўлган аниқ 2) \_\_\_\_\_ рўйхати тузилади, уларга мувофиқ ҳолда 3) \_\_\_\_\_ тузилади, қўшимча 4) \_\_\_\_\_ тайёрланади.

**IV. Тўла ўзлаштириш технологиясида қадамлар кетма-кетлиги аниқлансин.**

- A. Кириш қисми ўқувчиларни тўла ўзлаштириш услуби бўйича ишлашга йўналтириш.
- B. Ўзлаштириш тўлақонлигини аниқлаш.
- B. Ҳар бир ўқув бирлигини тўла ўзлаштирилганлигини таъминлаш.
- Г. Ҳар бир талаба олган баҳони тезлик билан изоҳлаш.

**V. Тўла ўзлаштириш технологияси билан ўқитишда:**

- A. Жорий текширувлар баҳоланмайди.
- B. Талаба билими бир-бирига нисбатан баҳоланади.
- B. Талаба билими эталон мақсадига таққосланиб баҳоланади.
- Г. Ҳар бир талабага зарур бўлган ҳар қандай ёрдам кўрсатилади.
- Д. «Аъло» баҳо (юқори балл)лар сони чегараланмайди.

Жавоблар: 1-А,Б,В,Г; 2-Б,В,Г,Д; 3-А,В,Г,Д; 4-А,Г,Д,В.

**VI. Тўла ўзлаштириш услубининг ўзига хос технологик белгиси ўқув жараёнининг \_\_\_\_\_ га йўналтирилганлиги.**

**VII. Тўла ўзлаштириш услубининг эстонча варианты (П. У. Крейтсберг, Э. В. Крулл) қуйидагилар билан характерланади:**

- A. Тўла ўзлаштиришни ўқув материалининг асосий қисмига тадбиқ этиш.
- B. Қўшимча ва ривожлантирувчи машғулотларни махсус тарзда ўтказиш.
- B. Талабаларни тапхис тестидан фақат икки марта ўтказиш.
- Г. Айрим фанларнигина тўла ўзлаштирилишини талаб қилиш.
- Д. Ҳамма жавоб тўғри.

**VIII. Тўла ўзлаштириш технологиясини академик лицейи ва касб ҳунар коллежларида қўллаш ижобий натижа беради.**

- A. Ҳа; B. Йўқ; B. Билмайман.

Тўғри жавоблар

Топшириқлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII

Жа- воблар	Шароит.	1. Кам қобилиятли. 2. Иқтидорли.	1. майда бўлаклар- га бўлилади. 2. ўқув мақсадлар. 3. тест тоши- рислари. 4. ўқув материалли.	А, В, В, Г	3.	яқиний шижжа	А.	А.
---------------	---------	-------------------------------------	--	------------	----	--------------	----	----

### Фойдаланилган адабиётлар

#### а) асосий адабиётлар

1. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. М. : «Зна-ние». 1989. -80 с.
2. Никандров Н.Д. Программированное обучение и идеи кибернетики (Ана-лиз зарубежного опыта). М. : «Наука». 1970 -206 с.
3. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Т. : ИПВССШ. 1999. -80 с.

#### 3. Тўла ўзлаштириш технологиясини амалга ошириш усуллари

Ўқитишнинг индивиду-  
ал ёзма - кўрсатмали  
ва индивидуал-бригада  
усуллари

Аниқ ўқитиш тизимини тузишга технологик ёндашиш турлича усулда шакллантирилади. Жуда кўп бундай вариантларни кўриб чиқиш имконияти бўлмагани учун биз қуйидаги ҳар бири ўзича қизиқиш уйғотадиган икки усулга тўхталамиз. Биз

уларда мезоний йўналтирилган ўқитишнинг ақс этанлигига ишонч ҳосил қилиш имкониятига эга бўламиз. (6-мавзуга қаранг).

Индивидуал ёзма-кўрсатмали ўқитиш тизими ўтган асрнинг 60-йилларида Питтербург (АҚШ) университетининг таълим бўйича тадқиқотлар олиб бориш ва услубий материаллар ишлаб чиқиш Марказида яратилган. Ўқитишнинг бундай индивидуаллаштирилган усули дастлаб бошланғич синфлар (тайёрлов синфидан то 6-синфгача) учун мўлжалланган. У ўқиш, ёзув, хусниҳат, математика ва табиатшунослик фанларида қўлланилган.

Ўқув материали юзлаб аниқлаштирилган мақсадлардан иборат бўлиб, улар фан ва унинг бўлимлари ҳамда ўзлаштириш даражалари бўйича гуруҳларга ажратилган ва ўқув мақсадлари қатъий кетма-кетлик бўйича жойлаштирилади ва ўрганиладиган материал ва ўқув фаолиятининг турлари таиланмайди, балки улар ўқув дастурида баён этилади. Бунда кўпроқ яқка тартибда ўқитиш устиворлик қилади, баъзи ҳолларда кичик гуруҳлар билан машғулот танқид этилиши ҳам мумкин. Ўқувчи ўзининг индивидуал улгуриш суръати бўйича дастурни ўзлаштириб боради. Бунда ўқув мақсадлари ташқаридан кузатиладиган ҳаракатлар билан қатъий бир хил маъноли тарзда ифодаланиши зарур. Ўқитишнинг бу тизимини амалга оширишда ўқув мақсадларининг характери муҳим роль уйнайди. Ўқув мақсадларига эришишнинг меъёри сифатида шартли белгиланган даражаси (85 фоиз) - ҳар бир мақсад учун бир неча

намуналар тавсия этилишини талаб қилади. Бу қуйидаги тарзда амалга оширилади.

1. Ўқув йилининг бошида ўқувчилар ўрганишни лозим бўлган аниқ дастурга оид бошланғич билимлар даражасини аниқлаш учун тест синовидан ўтказиладилар. Бунда ушбу бўлимнинг ҳар бир ўқувчи томонидан тўла ўзлаштирилиши назарда тутилади.

2. Сўнгра дастлабки блок бўйича тест ўтказилади. Унинг вазифаси ўқувчи қайси ўқув мақсадларини қайси даражада эгаллаганлигини аниқлашдир (меъёр 85 фоиз).

3. Дастлабки тест синови натижасига асосан ўқитувчи ҳар бир талаба учун кўрсатма тузади, унда ўқув фаолиятининг барча турлари: ўқитувчидан яқка тартибда маслаҳат олиш, дарслик ва бошқа нашр этилган материаллар билан ишлаш, техник воситалардан фойдаланиш, гуруҳ (синф) бўйича машғулот ўтказиш ва ҳоказолар баён этилади.

4. Ўқувчи ўқув материални олади ва уни қисмлар бўйича ўзлаштириб боради. Ҳар бир қисмни ўзлаштириб бўлгандан сўнг тестдан ўтади ва у талаб этилган даражада (85 фоиз) ўзлаштирилганини кўрсатиши зарур. Фақат шундан сўнггина унга бошқа ўқув мақсадини ўзлаштириш учун ўтишига рўхсат берилади.

5. Ўқувчи барча ўқув мақсадларини ўзлаштириб бўлгандан сўнг у мазкур блок бўйича якунловчи тест-синовидан ўтади. Бу тест дастлабки тестнинг бир варианты бўлиб, ушбу блокдаги ўқув материалининг барча қисмларини тўла-тўқис қамраб олади.

6. Агар ўқувчи бир ёки бир неча ўқув мақсадларини ўзлаштира олмаса, ўқитишнинг бу қисми бошидан такрорланади. Агар якуний тестда талаба 85 фоиздан юқори кўрсаткичга эришган бўлса, мазкур бўлимни тўла ўзлаштирган ҳисобланади ва навбатдаги бўлимни ўрганишга ўтади. Бу бўлимга тегишли ўқув мақсадлари блоки бўйича яна дастлабки тестдан ўтади. Ўқув ҳаракатларининг бундай тартиби ҳар бир блок учун такрорланаверади.

Бу тизимнинг юқори даражада аниқлиги ва тушунарли эканлигини тан олиш лозим. Ўқув материални ўқувчи ҳаракатида ўз ифодасини топадиган айрим қисмларга ажратилганлиги, унинг калити бўлиб ҳисобланади. Ўқитишнинг бу тизими маълум даражада муваффақият қозонди, чунки унинг асосини мезоний баҳолаш ва аниқ мақсадга йўналганлик ташкил этади. Лекин, бу тизим фақат репродуктив ўқитиш даражаси билангина чегараланади. Иккинчидан, бу тизим ўз моҳияти билан ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдамга асосланган фаолиятини чегаралайди ва уларни бир-биридан ажратиб қўяди. Фақат яқка тартибда ишлашга асосланиши талабада бўлакларга бўлинган ўқув жараёнининг сезилмас доираси билангина чекланиб қолиш сезгисини вужудга келтиради. Албатта, тизимнинг бу камчиликларни ўқитувчи ўзининг ҳушмуомалалиги, эътибори, мулоқоти билан бартараф қилиши лозим.

Ўқитишнинг индивидуал-бригада тизими ўтган асрнинг 80-йилларида Жонс Ҳопкинс университетиде (АҚШ) ишлаб чиқилган ва бошланғич синфларда математика дарсларида қўлланган. Сўнгра, у коллежалар ва бошқа ўқув юртиларида ҳам тадбиқ қилиниб, ижобий натижага эришилган.

Бунда индивидуал тартибда ўқитиш кичик гуруҳларда ишлаш билан ўйғунлаштирилиб олиб борилади. Талабалар 4-5 кишидан иборат гуруҳларга бўлинадилар. Ўқитувчи гуруҳни ҳар томонлама (жинси, билим даражаси, миллати) турлича бўлишга алоҳида эътибор беради.

Ўқув материални дастурланган қисмларга-бўлимларга бўлинади. Ҳар бир талаба материални ўзининг улгуриш суръатига мувофиқ ҳолда ўзлаштиради. Уларнинг ҳаракат тартиби қуйидагича: а) мазкур бўлимни ўзлаштиришга оид ўқитувчи тузган (у ёки бу кўникма ва малакани эгаллашга мўлжалланган) кўрсатма билан таништириш; б) кўникма ва малакаларни ташкил этувчиларига оид бўлган бир неча ишчи режаларни ишлаб чиқиш; в) кўникмаларни эгаллаганлик даражасини мустақил тарзда текшириб кўриш; г) якуний тест синови ўтказиш.

Бригада аъзолари жуфт бўлиб ишлайдилар, текширув ва рақамларини ўзаро алмашадилар ва бир-бирларини бажарган ишларини 100 балли шкала бўйича текширадилар. Агар талаба мустақил ишлашда ва ўзаро текширишда 80 фоиздан юқори кўрсаткичга эришса, унга бу кўникма бўйича якуний тестдан ўтишга рухсат берилади. Бу текширувни ўқитувчи тавсисига кўра энг яхши ўзлаштирган талабалар ўтказилади. Ҳар бир талабанинг ҳафта давомидаги тест кўрсаткичлари ва тест синовлари сони бўйича бригаданинг умумий кўрсаткичи аниқланади. Ўқитувчи олдиндан эълон қилган кўрсаткичларга эришган бригада ҳафта якуни бўйича синовдан ўтган ҳисобланади. Жорий назоратлар асосан талабалар томонидан ўтказилгани учун ўқитувчи айрим гуруҳга ёки талабаларга алоҳида эътибор бериш имкониятига эга бўлади. Ўқув фаолиятини ташкил этишда талабаларнинг ўзаро ёрдам ва ўзаро ҳамкорлиги алоҳида ўрин тутати. Бу эса, айниқса, ўзлаштириши бўш талабалар учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўқитишнинг индивидуал-бригада усули асосан гуруҳ бўйича ўзлаштириш ёйилмаси жуда катта ва ўзлаштирамовчиларнинг кўплиги сабабли гуруҳ бўйича ўзлаштиришни яхшилаш қийин бўлган ҳоллар учун мўлжалланган.

Ўқитишнинг бу тизими бўйича ўтказилган экспериментларнинг кўрсатишича, ундаги ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва ўзаро назоратга асосланган меҳнат, айниқса, ўзлаштириши паст бўлган талабалар учун шохоятда фойдали бўлиб, уларга ўқув материални ўзларининг улгуриш суръатларига мос ҳолда ўзлаштириш имкониятини беришнинг кўрсатади. Ўзлаштиришнинг яхшилланиши билан бирга талабаларда (айниқса, ақлий ривожланиши орқада қолганларда) ўз-ўзини баҳолашга ўрганишлари ҳам сезиларли даражада ривожланган. Турли миллатга мансуб талабалар ўртасидаги шахслараро муносабатлар ҳам яхшилланган. Бундай ижобий натижалар ўқув жараёнида «шахс омили»ни тўғридан-тўғри ҳисобга олишнинг самарадорлигини кўрсатади. Афсуски, кўпгина услубий ишланмаларда ўқитишнинг бу муҳим жиҳати эътибордан четда қолади. Аксинча, уни ҳар бир дидактик ишланмалар таркибига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Машғулотларни дидактик конструкциялаш усуллари

Педагогик технология бўйича ўқув жараёнини режалашда ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги муҳим аҳамият касб этади. Юқорида мақсадларни аниқлаштириш, ўқув материални ва

назорат инларини тайёрлаш, ўқув фаолиятининг шаклини таялаш ҳақида фикр юритилди. Педагогик амалиёт кўрсатганидек, айнан ўқув фаолиятини режалашда ўқитувчилар жиддий қийинчиликка учрайдилар ва бу улардан юқори малака ва тажрибага эга бўлишни талаб қилади. Чунки бунда аниқ кўрсатмалар (алгоритмлар) тузиш нисбатан кўпроқ ижодий ёндашишни талаб қилади.

Янониялик олимларнинг ўқитувчилар билан ҳамкорликда ўқув фаолиятни ташкил этиш бўйича таклиф этган усулларини кўриб ўтамиз. Бу усулларга хос бўлган умумий белги шунки, уларда ўқитувчи ажратиб олган ўқув материал блокига олдиндан тайёргарлик кўришни назарда тутилади. Ўқитувчи бу блок учун асосий ўқув мақсадлари ва умумий иш режасини тузган бўлиши лозим. Уларга хос яна бир муҳим жиҳат бу усулларда англаторвчи (имитация) моделлаштиришнинг у ёки бу шаклидан фойдаланиш бўлиб ҳисобланади. Бу усулларда қисқача тўхталиб ўтамиз:

1. «Тафаккурни моделлаш». Ўқитувчи барча талабалар учун режа асосида муайян бўлим бўйича ўқув материалнинг бошланиши, ўртаси ва охирига боғлиқ бўлган умумий кўрсатмаларни тайёрлайди. Сўнгра, у талабаларнинг ўқув материалга онд фикрлаш жараёни йўналишларини ўз тасаввурнда ёзма равишда ифодалайди (моделлайди), ёзувлар алоҳида карточкаларга ёзилади. Сўнгра карточкалар талабалар фикрлаш йўналиши турлари бўйича туркумлианиб, тартиб бўйича жойлаштирилади ва улар орасидаги боғлиқлик аниқланади. Бу усул ўқитувчига талабалар идроки ва тафаккурига асосланиш, ўқув материални уларнинг билиш қобилияти йўналишларига мос ҳолда тушутириб ўқитишни индивидуаллаштириш имкониятини беради.

2. *Ролларга бўлиб ижро этиладиган ўйинлар*. Бу усулни бир фан, бир циклга кирувчи фанлар ёки бир синфда дарс берувчи турли фан ўқитувчилари амалга оширишлари мумкин. Ўқитувчиларнинг ўйинларда ўз ихтиёрлари билан қизиқиб иштирок этишлари бу усулнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади. Иштирокчилар сони 4-6 кишидан иборат бўлиши етарли. Ўқитувчилар талабалар қиёфасига кириб, уларнинг идроки, реакцияси ва улар дарс давомида дучор бўладиган қийинчиликларни англаторвчи ҳаракатларни бажарадилар. Ўйин натижалари асосида ўқитувчилар фаолияти ҳам моделланади.

3. *Имитацион-ролларга бўлиб моделлаш*. Бу усулда 4-6 кишидан иборат ўқитувчилар гуруҳи талабалар қиёфасига кирадилар ҳамда ўқитувчи улар билан аниқ ўқув мақсадлари ва мезоний йўналган тестлар бўйича машғулот ўтказилади. Талабаларнинг фикрлашдаги ҳаракат моделлари яратилади ва улар алоҳида карточкаларга ёзилади. Ўқитувчи қиёфасини бажарувчи ўйин иштирокчиларининг ўз хатти-ҳаракати, фикрлашнинг борини бўйича берган маълумотларни саралаб карточкаларга ёзиб боради. Шунингдек, карточкага ўз хатти-ҳаракатларини ҳам ёзиб боради.

Сўнгра ўқитувчи ва «талабалар» фаолиятининг умумий манзараси ва ҳар бир иштирокчи фикрлашнинг борини схемаси чизмақашлик варағига туширилиб, дарсининг ўзига хос схема-диаграммаси яратилади.

Бу усул альтернатив (турли вариантли) режаларни синиб кўришда, уларга тегишли тузатишлар киритишда қўлланилади ва бу билан ҳақиқий

Ўқув жараёнини ихчамлаштириб, унинг самарадорлигини оширишга эришилади.

4. Тугаштирилувчи чизиклар усули. Бу усул талабаларни ўқув жараёнининг боришига нисбатан ўз муносабатларини тезкорлик билан билдиришларини таъминлайди. Ўқитувчи ўқув жараёнини бир неча (100 тагача) муҳим қисмларининг рўйхатини тузади. Масалан: а) ўқув мақсадлари; б) ўқув материаллари; в) топшириқлар; г) техник воситалар; д) талабалар қобилиятлари ва хатти-ҳаракати; е) талабаларни гуруҳларга ажратиш; ё) ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро мулоқоти; ж) ўқитувчи хатти-ҳаракати ва сўнгра ўқитиш самарадорлигини бир неча кўрсаткичлари ёзилади (масалан: ўзлаштириш, кўргазмали баён қилиш, тушунарли бўлиш, талабаларда умумий қониқиш ҳосил бўлиш, вақт сарфи ва ҳ.к.). Ўқитувчи варақларни талабаларга тарқатади. Бу варақлар уч қисмга бўлинган ҳолда: а) чап устунга ўқув жараёни қисмлари; б) ўртага ҳар бир ўқув қисмининг белгилари (масалан: «Топшириқ» - оғзаки, ёзма, ижодий, қайтариш, «Талабаларни гуруҳлаш» - фронтал иш, унга бригадага бўлиш, беш-олти кичик гуруҳларга ажратиш), в) ўнг устунга эса, самарадорлик кўрсаткичлари рўйхати ёзилади. Ҳар бир талаба ўз мулоҳазаси бўйича бу уч устунчада ёзилганларни чизиклар билан тугаштиради ва варақни дарҳол ўқитувчига топширади. Ўқитувчи варақларни таҳлил қилиб, қўллаётган усул ва услубларнинг тўғри ёки нотўғрилигини, фаолияти самарадорлигини ҳар бир талабада аке этиши тўғрисида тезкор маълумотга эга бўлади.

Япон педагоглари томонидан яратилган бу усуллар ўқув мақсадларини аниқлаштириш ва ўқитиш босқичларини режалашни талаба тафаккури, фантазияси ва ижодий ёндошуви билан уйғунлаштириб олиб боришга имкон беради.

Ўқитувчи машғулотларни педагогик технология бўйича лойиҳалар экан, у қуйидагиларга амал қилиши зарур:

- машғулотнинг ташкилий (бошланғич қисмида) талабаларда ушбу мавзунини ўрганишга ички эҳтиёж (иштиёқ) уйғотади;

- ҳар бир машғулот ўқув мақсадлари (кутилаётган натижалар)ни талабаларга эълон қилади ва зарур бўлса, улар иштирокида муҳокама қилиб, ўзгартиришлар киритади;

- машғулотларда 15-20 дақиқали мини маърузалар (маъруза машғулотлари)ни талабаларнинг мустақил ўқиши, кўргазмаларни намойиш қилиш, асосий қондаларни консектлаштириш, 5-10 дақиқали ёзма иш ва ҳ.к. ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари билан алмаштириб туради;

- маъруза ва амалий машғулотларда ўқини ва ёзиш орқали танқидий фикрнинг ривожлантирилиш ҳамда «инсерт», «синквейн», «кластерли таҳлил» каби усуллардан оқилона фойдаланади;

- машғулотларда ўқитишнинг интерактив услублари, жумладан, машғулотларнинг бир қисmini кичик гуруҳларда ўтказиш ва муҳокама қилиш, «мия ҳужуми», «талабалар бир-бирини ўргатадилар» ва талабалар билан фаолиятини фаолаштирувчи бошқа услублардан самарали фойдаланади.

Шунингдек, педагогик технология бўйича фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ҳар бир машғулот учун технологик карта тузиши зарур. Технологик карта — машғулот давомида ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорлигидаги фао-



лиятининг кетма-кетлиги ҳамда қўлланиладиган воситаларнинг намойиш қилиш схемаси бўлиб ҳисобланади. Технологик картага — маърузалар матни, маълумотномалар, дидактик ва ахборот узатувчи материаллар илова қилинади. Ҳар бир машғулот технологик картасининг намунавий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: мавзу ва унга ажратилган соат; ўқитувчи мақсадлари ва талабалар вазифалари (кутилаётган натижалар); талабаларнинг ҳар бир вазифасига оид тест ёки бошқа шаклдаги назорат топшириқлари; мавзунинг мазмунан (энг муҳим саволлар); таянч тушунчалар; ўқитувчининг талаба ўқув фаолиятини бошқаришининг асосий онлари. Шунингдек, унда талабалар билиш фаолиятини бошқаришининг услуби ва шакли, ўқитишнинг график ва техник воситалари, тапҳислаш усуллари кўрсатилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўқитишга технологик ёндашиш ўқитувчи учун бир қанча машаққатлар, янги кутилмаган вазиятлар ва талабаларни вужудга келтиради. Гап фақат ўқитишнинг янги техник воситаларини ишлатиш, янги ахборот каналларидан фойдаланиш (катталикларнинг компьютерлашган банк, ахборот тармоқлари, видеотехника) тўғрисида бораётгани йўқ. Унинг моҳияти шундаки, ўқитувчи мустақил равишда ўқув мақсадларини тузиши ва уларни мумкин бўлган чегарасигача аниқлаштириши, сўнгра уларни амалга оширишдан иборат. Ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлган омиллардан яна бири педагогик технологияда у ўз имконияти чегарасида етарли даражада амалий, шу билан бирга ихчам ва вариатив сценарий-режалар яратиш лозимлигидир. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, аниқлаштирилган ўқув мақсадларини тузиш, айниқса улар асосида тест топшириқлари фондиди яратиш бир ўқитувчи уйдalayдиган иш эмас. Бу эса ўз навбатида ўқитувчилар ва услубчиларни ҳамкорликда ишлашларини ҳамда уларни ягона педагогик талаб асосида аниқ мақсад йўлида фаолият кўрсатишларини тақозо қилади. Шунингдек, ўқитувчининг билимларни баҳолашга ва бу билан боғлиқ ҳолда ўқув жараёнининг ҳар бир қисмига баҳо беришга бўлган муносабатини ҳам ўзгартириши муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, педагогик технология ютуқларидан фойдаланувчи ўқитувчи, ўзи кўникиб қолган анчагина одатдаги иш усулларидан воз кечиши, шу билан бирга, педагогик технология имкониятларини чуқур ўзлаштириб, ундан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш йўллари топиш бўйича ижодий изланиб бориши зарур.

### Мустақил таълим учун топшириқлар

1. Назорат тестларини счиб, белгиланган ўқув мақсадларга эришганлик даражангизни аниқланг. Юқоридаги балл олинганга нисбатан, ушбу мавзу матнга мувожабат қилинг.

2. Мутахассислик бўйича касб-хунар коллежи ўқув режасидаги махсус (умумтехник) фан бўйича 2 соатли дарсни «Ролларга бўлиб ўйналадиган ўйинлар услуби»дан фойдаланиб лойиҳаланг.

3. Педагогик технологиядаги «Дидактик конструкциялаш»ни ўқитишни ташкил этишнинг мавжуд шакллари билан таққослаб, унинг ижобий томонларини ажратиб кўрсатинг.

## Назорат учун тест топириқлар

- I. Индивидуал - ёзма-кўрсатмали ўқитиш усулида:
- A. Ўқув материални жуда қўп аниқлаштирилган ўқув мақсадлари белгиланади.
  - B. Ўқув мақсадлари фақат бўлимларида ўзлаштириш даражалари бўйича қатъий кетма-кетликда жойлаштирилади.
  - B. Ўрганишладиган материал ва ўқув фаолиятининг турлари талланмайди, улар ўқув дастурида баён этилади.
  - Г. Яқка тартибда ўқитиш устиворлик қилади.
  - Д. Ҳамма жавоб тўғри.
- II. Индивидуал - ёзма-кўрсатмали ўқитиш усулида ўзлаштириш чегараси \_\_\_\_\_ фоз деб белгиланади.
- III. Индивидуал - ёзма-кўрсатмали ўқитиш усулининг амалга ошириш кетма-кетлигини кўрсатиш.
- A. Талабалар ўқув йилининг бошида дастурга оид бошланғич тест топириқлар.
  - B. Дастлабки блок бўйича тест топириқлади.
  - B. Ўқитувчи ҳар бир талаба учун ёзма шаклда кўрсатма тузади.
  - Г. Талаба ўқув материални ўзлаштира бошлайди.
  - Д. Талаба ўзлаштириб бўлган блок бўйича тест синовидан ўтади.
  - E. Зарур бўлса, ўзлаштирилмаган блоклар такроран ўқитилади.
- IV. Индивидуал - ёзма-кўрсатмали ўқитиш усулини ўзининг юқори даражада а) \_\_\_\_\_ ва б) \_\_\_\_\_ эканлиги билан аҳамиятлидир.
- V. Ўқитишнинг индивидуал - бригада усулида талабалар а) \_\_\_\_\_ кишидан иборат, б) \_\_\_\_\_ бўлиниб ишлайдилар.
- VI. Индивидуал-бригада усулида ўқув материални ўзлаштириш кетма-кетлигини аниқланг.
- A. Ўқитувчи тузган кўрсатма билан талабаларни таништириш.
  - B. Бир неча ишчи режалар ишлаб чиқини.
  - B. Ўзлаштириш даражасини мустақил тарзда текшириб кўриш.
  - Г. Яқуний тест синовини ўтказини.
- VII. Индивидуал бригада усули қуйидаги ҳолатларда қўлланилади.
- A. Гурӯҳ бўйича ўзлаштириш ниҳоятда наст бўлганда.
  - B. Гурӯҳ бўйича ўзлаштириш ўртача бўлганда.
  - B. Гурӯҳ бўйича ўзлаштириш ёйилмаси жуда катта бўлганда.
  - Г. Гурӯҳ бўйича ўзлаштириш юқори бўлганда.
- Жавоблар: 1-А,Б; 2-А,В; 3-В,Г; 4-Б,Г; 5-А,Г
- VIII. Индивидуал бригада усули талабаларда...
- A. Ҳамкорликда ишлаш малакасини шакллантиради.
  - B. Ўзаро ёрдам ҳиссини вужудга келтиради.
  - B. Ўзаро назорат ҳиссини таркиб топади.
  - Г. Шахслараро муносабатта мойиллиқни шакллантиради.
  - Д. Ҳамма жавоб тўғри.

IX. «Тафаккурини моделлаш»да ўқитувчи талабаларнинг фикрлаш йўналишларини аввало \_\_\_\_\_ ва ўқув материалининг тушунигиришда ушга асосланади.

Х. Росларга бўлиб ижро этиладиган ўйинларда ушшг шитирокчилари (ўқитувчилар) а) \_\_\_\_\_ қиёфасига кприб, ўқув материални ўзлаштиришда уларга хос бўлган б) \_\_\_\_\_, в) \_\_\_\_\_ ва г) \_\_\_\_\_ ни англлатувчи ҳаракатларни бажарадилар.

XI. Туташтирилувчи чизиклар услуби дарс а) \_\_\_\_\_ ва уни эришиш учун қўлланилган дидактик конструкцияларнинг самарадорлигини б) \_\_\_\_\_ томонидан ҳолисона баҳолаш учун қўлланилади.

XII. Ўқув жараёнини педагогик технология асосида ташкил этиш ўқитувчи шахсига қандай талаблар қўяди?

- А. Инсонпарварлик ҳислатларини такомиллаштириш.
- Б. Ҳар бир дарснинг аниқлаштирилган ўқув мақсадларини белгилаш ва уларни тест топшириқларига айлантириш.
- В. Дарснинг стандартлашган лойиҳасини яратиш.
- Г. Ўзи қўнқиб қолган айрим дарс ўғни усулларидадан воз кечини.
- Д. Компьютерда ишлашни билниш.
- Е. Ҳамма жавоб тўғри.

Тўғри жавоблар:

Топшириқлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII		
Жавоблар	Д	85	1-А, 2-Б, 3-В, 4-Г, 5-Д, 6-Е	а) аниқлиги; б) тунуларни.	а) 4-5; б) гуруҳларга	1-А, 2-Б, 3-В, 4-Г	2	Д	аввало ўзича тасаввур қилади.	а) талаблар; б) идрок	в) реакция;	г) қийиқчиликлар	а) мақсади; б) талабалар	Е

#### Фойдаланилган адабиётлар

а) асосий адабиётлар

1. Кларин М. В. Педагогическая технология в учебном процессе. М.: "Знание". 1989. – 80с.
2. Тализина Н. Ф., Габай Т. В. Пути и возможности автоматизации учебного процесса. М.: "Знание", 1987. – 64с.
3. Фарберман Б. Л. Прогрессивнўе педагогические технологии. Т. ИПВССШ. 1999 – 84с.

б) қўшимча адабиётлар

4. Сайидахмедов Н. Ўқитувчи фаолиятининг технологияланувчанлиги. // Халқ таълими. 1999. № 5, 80-83б.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ўқув жараёнига илгор педагогик технологияларни жорий этиш мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Чунки педагогик технология таълим жараёнини инқироздан холи этиш, уни бозор иқтисоди шароитига мос ҳолда такомиллаштириш ва Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Қаримов таъкидлаганларидек, «Энг янги замонавий ўқув воситалари билан таъминланган коллежларда эскидан қолган ўқитиш услубларининг давом этишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди». Зеро, педагогик технологиядан фойдаланаётган кўпгина ривожланган мамлакатлар ўқув жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга эришаётганликлари ҳаётда ўз таъдирини топмоқда. Ушбу қўлланмада баён этилган маълумотлар эса бу педагогик технологиянинг дидактик салоҳияти тўғрисида фикр юритишга асос бўлади. Айниқса, ташҳисланувчан ўқув мақсадларини белгилаш, жорий ва янги мезоний баҳолаш, репродуктив ўқитишни алгоритм бўйича олиб бориш, талабаларни мустакил билим олишга ундаш, ўқув жараёнини доимо ривожланиб борувчи динамик тизим сифатида лойиҳалаш каби ташкилий-услубий ишларни амалга оширишда педагогик технология катта имкониятларга эга.

Педагогик технологияни жорий этиш тажрибасини ўрганиш ва унга ижодий ёндашиш, ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш, бунда талабани суэт объектдан фаол субъектга айлантириш, билиш фаолиятининг аниқ мақсадларга йўналганлигини ҳамда ўқув жараёнини ишлаб чиқариш жараёни каби такрорланувчанлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, педагогларда турли шаклдаги тест топшириқлари тузиш, уларни синан малакалари шаклланади ва такомиллашади.

Педагогик технология доирасида яратилган турли хил дидактик конст-рукцияларга мурожаат қилиш эса ўқув жараёнини ташкил қилишга оқилона ва ижодий ёндашишга, бунда ўқитувчи ўз эркинлигига эга бўлиши, дарсда қўлланилган турли шакл, услуб ва воситалар самарадорлигини ўзи баҳолашига имконият яратади. Шунини таъкидлаш лозимки, педагогик технология та-мойликлари ва қондаларига амал қилиш, ўқув жараёни мазмунини талаба шахсига, унинг қизиқишлари, интилишлари, ёш давлари ҳусусиятларига ва индивидуал ўзлаштириш суръатларига мувофиқ ҳолда олиб борилишини таъминлайди.

К И Р И Ш .....	3
I БЎЛИМ. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	5
Ўқитиш жараёнига технологик ёндашишнинг моҳияти ва аҳамияти.....	5
<i>Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг жаҳон стандартлари талабларига мувофиқлаштириш вазифалари</i> .....	5
<i>Ўқитишга технологик ёндашувнинг вужудга келиши ва ривожланиши</i> .....	7
Ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш (педагогик технология) нинг ўзига хос хусусиятлари.....	10
2. Педагогик мақсадларни белгилаш технологияси.....	16
<i>Ўқув мақсадларини белгилашнинг одатдаги усуллари</i> .....	16
<i>Педагогик мақсадлар таксономияси</i> .....	19
<i>Б. Блум таксономияси</i> .....	23
3. Эталон-мақсадларни шакллантириш ва уларни тест-топшириқларга айлантириш.....	31
<i>Ўқув мақсадларини ташқаридан қўзғатиладиган ҳаракатлар билан пфдалаш</i> .....	31
<i>Эталон - мақсадларни яратиш, қўллаш ва уларни тест топшириқларига айлантириш</i> .....	34
II БЎЛИМ. ТЕСТШУНОСЛИК АСОСЛАРИ.....	43
1. Тест шакллари ва улардан фойдаланиш.....	43
<i>Тестнинг ривожланиш тарихи ва унинг ижобий ҳомонлари</i> .....	43
<i>Тест турлари ва тест топшириқлари шакллари</i> .....	47
2. Тест топшириқларини тузиш услуби.....	54
<i>Тест топшиқларига қўйиладиган дидактик талаблар</i> .....	54
<i>Тест режасини ишлаб чиқиш</i> .....	57
<i>Тест тузишдаги энг характерли хатоларнинг таҳлили</i> .....	59
III БЎЛИМ. Тўла ўзлаштириш технологияси.....	64
1. Педагогик технологиянинг тамойиллари ва қондалари.....	64
<i>Тақрорланувчан ўқитиш цикли</i> .....	64
<i>Педагогик технология тамойиллари</i> .....	67
<i>Педагогик технологиянинг қондалари</i> .....	69
<i>Ижодий изланувчанлик даражасига оид педагогик технология</i> .....	70
2. Тўла ўзлаштириш технологияси.....	75
<i>Тўла ўзлаштиришга эришиш гоисининг вужудга келиши ва ривожланиши</i> .....	75
<i>Тўла ўзлаштириш технологиясининг ютуқ ва камчиликлари</i> .....	80
3. Тўла ўзлаштириш технологиясини амалга ошириш усуллари.....	84
<i>Ўқитишнинг индивидуал ёзма - кўрсатмалли ва индивидуал-бригада усуллари</i> .....	84
<i>Машғулотларни дидактик конструкциялаш усуллари</i> .....	86
ХУЛОСА.....	92

## Муаллиф ҳақида

Ишматов Қосимжон 1946 йил 16 апрелда туғилган, 1967 йилда Наманган Давлат педагогика институти (ҳозирги Нам ДУ) нинг физика-техника бўлимини тугатган, 1968-1988 йилларда касб-ҳунар таълими тизимида ўқитувчи, директор ўринбосари, вилоят бошқармасининг етакчи инспектори ва вилоят ўқув-услубий идорасининг директори лавозимларида ишлаган. 1988 йилда мутахассис сифатида институтга ўтказилган. Институтдаги иш фойлияти даврида катта ўқитувчи, факультет деканининг ўринбосари ва декани, ўқув ва ўқув-услубий бўлимларининг бошлиғи лавозимларида ишлади, 2002 йилдан эса Педагогик инновациялар марказини бошқариб келмоқда.

Ишматов Қ. 1999 йилда «Касб таълими услубий таъминотини тақомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик шартлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. У жаъми 60 дан зиёд тезис, илмий мақола ва ўқув-услубий ишланмалар муаллифи. Илғор педагогик технологиялар фанидан ёзган марузалар матнини икки марта (2000, 2001) чоп эттирди ва улар «Маърифат» газетасида энг яхши марузалар матни рўйхатида эълон қилинган. Бу фандан талабалар билимини баҳолаш учун Дидактик материалларни ҳам чоп эттирган. Маъруза матллари асосида ёзилган «Педагогик технология» ўқув қўлланмаси Вазирликнинг Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан чоп этишга тавсия этилган.

Ишматов Қ. Халқаро (Тошкент-2000), бир неча республика ва минтақавий анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этган. Халқаро RWCT ва IBC-GTZ (Ўзбекистон-Германия) ҳамда Ўз РОМТВ «Илғор педагогик технологиялар ва ўқитишнинг интерактив услублари» лойиҳаларининг тренери сифатида институтнинг 100 дан ортиқ профессор-ўқитувчилари учун «Инновацион ўқитиш технологиялари» махсус курсини ташкил этди. Ҳозирда бундай курсларнинг бошқа олий ўқув юрлари ва касб-ҳунар коллежлари педагоглари учун ташкил этиш режалаштирилган.

Ишматов Қ. «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочилиси», «Ўзбекистон Республикаси ҳунар-техника таълими аълочилиси» кўкрак нишонлари ва Вазирликнинг бир неча Фахрий ёрликлари билан мукофотланган. Республика ўқитувчиларининг VII съезидга (1987) делегат бўлиб сайланган

Қ. Ишматов

Педагогик технология

Ўқув қўлланма

Мухаррир

Ўринбой Мўминов

Компьютер операторлари

Дилмурод Акрамов  
Мавлудахон Ашуралиева

Компьютер безакчиси

Илҳомжон Жумабоев

---

© Наманган муҳандислик-педагогика институти  
кичик босмахонада чоп этилди. 2004 й. 29 апрел  
Буюртма № 18

